

566

№ 3/18
№ 18

ТАФАККУР



ИЖТИМОЙ - ФАЛСАФИЙ,
МАЪНАВИЙ - МАЪРИФИЙ
ЖУРНАЛ

ТАФАККУР 3/2018



90

Чингиз Айтматов



Чингиз АЙТМАТОВ

Jumboq to'la quticha

🌀 Коинот миқёсида олганда, инсон умри – пашша умридай гап. Бироқ инсонга тафаккур ато қилинганки, шу нарса унинг умрини узайтиради.

🌀 Инсон қалби – жумбоқ тўла қутича.

🌀 Ҳокимият бу – болтанинг тиғи, демократия – болтанинг сопи. Лекин ҳеч қачон унутмаслик керакки, болта сопи ни халқ ўзининг қудратли қўлларида тутиб туради.

🌀 Биз бирор даҳонинг қаерда туғилганига қараб унинг қайси миллатга мансуб эканини аниқлашга киришамиз. Ҳар бир тадқиқотчи уни ўз томонига тортқилайди... Боболаримиз Туркистон деб аталмиш умумий уйда яшаган, битта тилда сўйлашиб, битта тилда ёзган бўлса, хўш, нима учун биз йўқ жойдан муаммо чиқариб, бошимизни оғритишимиз керак экан? Бундай асоссиз баҳс-мунозараларнинг кимга кераги бор? Нима учун бой ва мураккаб меросимизни биргаликда синчиклаб ўрганиш борасида ҳеч ким бош қотирмайди?! Ёки бу ҳол империя давридан қолган “бўлиб ташлаб, ҳукмронлик қилавер!” деган ғоянинг узвий давомимикан?..

🌀 Халқнинг умрбоқийлиги – унинг тили биландир.

🌀 Ватанни бир ёққа олиб кетиб бўлмайди. Фақат соғинчу армонимизни олиб кетамиз. Агар ватанни хуржун каби олиб юриш мумкин бўлганда, у сариқ чақага ҳам арзимасди.

🌀 Худога муҳаббат билан тўлмаган дил иллатларга тўлади. Инсонга муҳаббат ила лиммо-лим бўлмаган дил ҳам вовайлоким, ўликдир.

🌀 Ҳар қандай, ҳатто буюкдан-буюк томошадан сўнг ҳам парда туширилади.



ТАФАККУР



Тафаккур

ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ

Журнал 1994 йилдан чиқа бошлаган. Бир йилда тўрт марта нашр этилади.

Бош муҳаррир
Эркин АЪЗАМ

Тахририят
Муҳиддин РАҲИМ
(бош муҳаррир ўринбосари)

Собиржон ЁҚУБОВ

(маъсул котиб)

ШОҲСАНАМ

(бўлим мудир)

Ольга ЖОЛДАСОВА

(бўлим мудир)

Хуршид ЙЎЛДОШЕВ

(бўлим мудир)

Наргиза УСМОНОВА

(техник муҳаррир)

Жамоат кенгаши

Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ

Хуршид ДАВРОН

Шухрат РИЗО

Хайридин СУЛТОН

Абдурахим ЭРКАЕВ

Муртазо ҚАРШИБОЙ

Алишер КОДИРОВ

Қахрамон КУРОНБОВ

Иброҳим ҲАҚҚУЛ

Муассис – Республика Маънавият ва маърифат кенгаши.

Ўзбекистон Республикаси Мағбуот ва ахборот агентлигида 0219-рақам билан рўйхатга олинган.

Матиларда фойдаланилган мисол, кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар жавобгардир.

Журналдан кўчириб босилганда манба қайд этилиши шарт.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 36-бино



233-10-68

233-79-40



tafakkurtahriyati@mail.ru

Журнал андазаси тахририятнинг компьютер бўлимида тайёрланди.

“Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. 100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-бино.

2018 йил 4 июль куни босмахонага топширилди. Қоғоз бичими 70x100 1/16, 6 босма табоқ. 175-буюртма. Нашр адади 2394 нусха.

НИМА ДЕЙСИЗ, ЗАМОНДОШ?

Нажот – Навоийда. Адабиётшунос олим ва киноарбоб
Шухрат РИЗО билан суҳбат.....4



ЖАМИЯТНИНГ МАҚСАДИ

Абдурахим ЭРКАЕВ. Зоҳирий ва ботиний эркинлик.....12

ЯНГИ АСР МУАММОЛАРИ

Муҳиддин РАҲИМ. Ризқ қидирган саргашталар.....18

ШАРҚУ ҒАРБ ФАЛСАФАСИ

Николай БЕРДЯЕВ. Фалсафа – эркин ижоддир.....29

БОҚИЙ САРЧАШМАЛАР

Тариқат тараққиётга тўсиқми? “Нақшбандия” журнали
бош муҳаррири Султонмурод ОЛИМ билан суҳбат.....34

САНЪАТ ФАЛСАФАСИ

Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ. Орифлар олами (Мусаввир
Файзулла Аҳмадалиев ижодига қизги).....42

SAHIFALARIDA

саҳифаларида

КЎНГИЛ САЛТАНАТИ

Эшқобил ШУКУР. Шафакдан бир қадах
чўғ олиб ичсам... 44

БУЮКЛИК ТИМСОЛЛАРИ

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ. Чингиз – денгиз
демак... 50

ИНСОН ЎЗИНГ, ИНСОН ЎЗИНГ

Муслимбек ЙЎЛДОШЕВ. Дарёсини
йўқотган қирғоқ... 58

МОЗИЙГА ҚАЙТИБ...

Исмат НАИМОВ. Нева узра балқиган
ҳилол... 60


ТАҚДИРДАГИ ТАДБИРЛАР

ШОҲСАНАМ. Ольга Чехова ким эди... 66



ЖАВОНДАГИ ЖАВОҲИР

Иқбол ҚЎШШАЕВА. Қайдасан, мўъжиза?.... 74



Файзулла АХМАДАЛИЕВ. “Рангин тоғлар”

ТАЛҚИН ВА ТАДҚИҚОТЛАР

Улуғбек САИДОВ. Нитше фалсафаси:
турфа талқинлар... 82

Зоҳидилло МУНАВВАРОВ. Асоссиз
иддаолар... 84

Турдиали НУРИДДИНОВ. Барбод бўлган
миссия... 86

Ойбек ОСТОНОВ. Ҳунарли хор бўлмас,
аммо... 88

Олимжон ИРИСКҮЛОВ. XIX асрда Самар-
қанд маданий ҳаёти... 90

Наргиза ХИДИРОВА. Жўйборлар ким?... 91

Улуғбек МАМАТОВ. Соҳибқироннинг уч
тимсоли... 93

Асалхон РАҲМАТУЛЛАЕВА. Бир шода
марварид... 94

*Журналнинг англизча мухтасар
мазмуни... 95*



НАЈОТ - NAVOIYDA

Адабиётшунос олим ва киноарбоб Шухрат РИЗО билан суҳбат

- Шухрат ака, суҳбат аввалида сизни “Тафаккур” жамоаси номидан беш мучал ёшингиз билан қутлаб, тансиҳатлик ва ижодий барака тилаймиз. Зиммангиздаги вазифалар кўпайгани учунми, кейинги вақтлар мажалламизда камнамо бўлиб қолдингиз. Лекин сизни барибир “Тафаккур”нинг жонкуяри деб биламиз. Кўп йилдан бери давлат идораларида масъул лавозимларда ишлаб келасиз. Айтинг-чи, қалам аҳлининг мансаб отига миниши ютуқми ё ютқизиқми?

- Таклифу табригингиз учун ташаккур. Беш мучал ёши кўпми ё камми? Шу ёшда ҳам гижинглаб, бировга сўзу гал бермай юрганлар оз эмас. У ёғини сўрасангиз, бугун жамиятда ёш нисбати ҳам “пасайиб” кетди. Ҳазрат Навоий қирқ беш ёшдан кейинги умрни кибар – кексалик ибтидоси деб билганига бугун биров ишонмайди. Узоқ-яқин хориж мамлакатларидан эса нафақага чиқиш ёшини кўпайтириш борасида хабарлар келиб турибди. Сирасини айтганда, маънан ёшимни ҳис қилаётганим йўқ. Жисмонан эса... бундай дейишга бир оз андишам бор. Кўнгили ҳар қанча ёш бўлмасин, уни сақлагувчи тана-вужуд бўшашиб бормоғи муқаррар экан. Ҳақиқатдан қочиб бўлмайди. Аммо бунини унутиб, Азроил алайҳиссаломнинг дулдулига миниб кетганлар ҳам кам эмас. Ўзи асрасин, дунёдан умидимиз кўп ҳали...

Қалам аҳлининг мансаб отига миниши – ҳам ютуқ, ҳам ютқизиқ. Ютуқлиги, ўз қавмининг ўй-ташвиши, муаммо-масалаларини бошқалардан яхшироқ ҳис қилади. Ютқизиқ эса, аввало, ўша шахснинг ўзига тааллуқли. Кўнгилига туккан не-не ният-ўйлари, кўрган-кузатганларини қоғозга тўқолмай, бошқа юмушларга чалғиб, армон диёрига ёвуқлашиб бораверади. Албатта, бундан жамият ҳам зиён кўради. Чунки ижодкор

қалами билан кўпроқ наф келтириши мумкин эди-да. Аммо буни ҳам Оллоҳнинг бир синовига йўйиб, ундан ҳикмат излаган беҳроқ. Боиси, соҳа равнақи йўлида саъй этмоқ, янги насл учун имкон эшикларини очмоқ шарафи зиммангизда. Ҳар қанча машаққат ва йўқотишлар эвазига бўлмасин, ҳар бир соҳанинг бошида билгичлари, профессионаллари тургани маъкул. Гарчи сўзларим камтарлик бобидан чандон йироқ тушса ҳам айтай, ҳар ишнинг бошини ўз кишиси, ўз омилкори тутиши керак. Акс ҳолда, ярим аср аввал хокитуроб бўлган улуғ ватандошини хотирлаш маросимида “Юбилярнинг ўзлари тадбирда иштирок этадиларми?” дея киприк қоқмай савол сўрагувчи калвакмижоз амалдору амалпарастлар урчиб кетади. Ана ундан кейин кўрасиз томошани!

Ҳеч шубҳасиз, ўзбекнинг буюк тарихи, буюк маданияти ва буюк адабиёти бор. XXI асргача бўлган ана шу муҳташам воқеликни кино санъати тилига кўчириш мазкур соҳа кишилари зиммасидаги бош вазифа. Бунинг машаққатини бўйнига олган одамлар кам бўлмас, иншооллоҳ! Муҳими – шу ишни сидқидилдан адо этиш, суйиб, куйиб-куйиниб машаққатлар оша олға интилиш. Аслида, инсон ҳаёти ҳамиша ана шундай долғалар ичра кечмоғи саодат эмасми?!

– Мана, бир йилдан буён “Ўзбеккино” миллий агентлиги раҳбариятида фаолият юритмоқдасиз. Қўш саволимиз ана шу соҳага доир.

Миллий кино муаммоларидан гап очилса энг аввал кадрлар тақчиллигига урғу берилади. Ҳатто режиссёр, тасвирчи, рассом, либос, монтаж ва грим усталари, декоратор каби мутахассислар “қизил китоб”га кириш арафасида экани айтилади. Атоқли режиссёрларимиздан бири эса, “Ўзбекфильм”да кино олишни икки йилга тўхтатиб, бор кучни малакали кадрлар тайёрлашга сарфлаш керак, дея таклиф қилди. Бу мулоҳазаларга сиз нима дейсиз?

Шуҳрат ака, сиз табиатан бағрикенг инсонсиз, шунданми, гоҳида бундайроқ фильмларга ҳам аяб-авайлаб баҳо берасиз. Санъат соҳасига раҳбарлик қилишда бағрикенглик тутуми ўзини қанчалик оқлайди? Ўзингиз бир мақолангизда ёзганингиздек, ўттизга кириб-кирмай қаторлаштириб ўн беш-йигирмата “бадий фильм” суратга олган режиссёр болалар “салиб юриши”ни тап тортмасдан давом эттираётган бугунги кунда талабчанроқ бўлган маъкул эмасмикан?

– Тўғри, бугун ўзбек киносидаги энг катта муаммо гўёки кадрлар масаласи. Лекин, бошдан дўппини олиб қаралса, бу муаммо ҳамиша ўта долзарб бўлиб келгани аёнлашади. Комил Ёрматов, Йўлдош Аъзамов, Латиф Файзиевлар замонида ҳам, Шуҳрат Аббосову Элёр Эшмуҳамедовлар унутилмас фильмлар яратган даврда ҳам миллий кадрлар муаммоси мавжуд эди. Ўтмиш ва бугунни ҳамиша ўз тушунчаларимиз, тасаввур ва тахминларимиз даражасида англаш ва талқин этишга ўрганиб қолганмиз. Унутмайлик, биз катта халқмиз – оққан дарё оқмай қолмас. Фақат

сабр-тоқат билан излаш-изланиш, йилт этган нурни – истеъдодни топиб, уни авайлаб-асраш, юзага чиқариш керак. Бизда кечаги авлоддан камида уч-тўрттадан етакчини ажратиб кўрсатиш урф бўлган. Хусусан, кинода ҳали зикр этганим режиссёрлар – ўз авлодининг пешқадами. Хўш, бугун йўқми ундайлар? Юсуф Розиков, Жаҳонгир Қосимов, Зулфиқор Мусоқовлар, улардан кейинги Ёлқин Тўйчиев, Аюб Шаҳобиддинов, Мирмақсуд Охуновлар авлоди-чи? Шу сафда яна беш-ўнтадан номни санашимиз мумкин. Ижод аҳли қайси замонда ўз даврини тўла-тўқис, бенуқсон-мукамал дея тан олган экан?! Ҳар бир даврнинг ўз хусусияти бўлганидек, турфа муаммолари ҳам бўлади. Буларни англаш учун жиндак файласуф ҳам бўла билмоқ керак чоғи. Тасвирчи, рассом, либосчи, монтажчи, гримчи, декоратор ва ҳоказо касблар хусусида ҳам шунини айтиш мумкин. Нима, аввал бизда шу касб эгаларини тайёрлайдиган таълим муассасалари бўлган-у, кейин ёпилиб кетганми? Кечирасиз-у, ҳозир уч-тўрт баробар кўпроқ кадр тайёрланыпти ўша соҳалар бўйича. Ҳамма гап уларни эътибор доирасига тортиш, рағбат кўрсатиш, лозим бўлса авайлаб-асрашда!

Фаолиятдаги соҳани тўхтатиб қўйиб, сўнг унинг муаммоларига чора изланмайди. Тўхтаган борки, батамом йитиб кетади. Такомиллаштириш, ёндашувларни янгилаш, бошқарувни ақл ва адолат билан йўлга қўйиш – мана, ҳар нарсанинг калити, муаммонинг ечими!

Кеча тизимда олти бадий фильм суратга олинган бўлса, бугун йигирмата фильм олиндыпти. Демак, соҳага ҳам уч-тўрт баробар кўп кадр жалб этиш талаб қилинади. Уларни тайёрлаш учун моддий, ташкилий асос ҳам яратилдыпти. Кимнинг хаёлига келиб эди бизда кинематография институтини очиш фикри! Мурғак боладан ўспириннинг ёки йигитнинг куч-қуввати, билим-тушунчасини талаб этиб бўлмаганидек, янги экилган ниҳолдан шу йилиёқ мўл ҳосил кутиш имконсиз. Жараённи тўхтатмай, бориға барака қилган маъқул. Чиллаки чиллакини кўриб чумак урганидек, ажабмас, бори ҳам бўладиганига ёндашиб, катта ютуқларга эришса...

Хўп, мен бағрикенг одамдирман. Аммо бўлмайдиганига асло бўлишмайман, кези келганда шафқатсизман ҳам. Танқидимга дучор бўлганлар кам эмас. Атрофни кул босиб турса-да, камина милт этган чўққа ёпишман. Шундан нажот истаيمان. Нега? Негаки, зарра чўғи бор истеъдод ёки ҳодисадан машғала чиқарса бўлади. Фақат эътибор, тарбия, жонбахшлик керак. Менинг мунаққид сифатида бош тамойилим – муҳаббат, меҳр. Танқидчи ҳар бир ҳодисага муҳаббату меҳр ила ёндашмоғи зарур. Унинг бош мақсади жамиятга юксак санъат намуналари тақдим этилмоғи учун курашишдир. Ахир мақсад олий бўлгач, уни амалга ошириш усуллари ҳам шунга мувофиқ бўлиши лозим-да! Муҳаббатсиз танқид эса “уртўқмоқ”-дан бошқа нарса эмас. Бундай нораво ҳаракатда баракат бўлмайди. Камина бугун санъат соҳасида не бир масъуллиқни зиммамга олган эканман,

умр бўйи амал қилиб келаётган тамойилларим ва кори аъмолимда собит қоламан. Балки моддий қадриятлар барча асосларнинг асосига айланаётган бугунги қунимизда мен замонга ҳамқадам бўла олмаётган қолоқ, анъаналар одам бўлиб туюларман. Лекин дунёни, бир чети, шундайлар ҳам ушлаб туришини тарих аллақачон исботлаб қўйган.

Айни чоқда, яна бир мулоҳазани айтиш ўринли. Гарчи “давлату нодалат фильмлар” дея кескин ажратиш фикридан йироқ бўлсам-да, хусусий студияларда яратилаётган ўнлаб фильмларни бирда тўхтатиб, бирда тамоман қайта ишлатиб, жиддий қисқартириш, қайта монтаж қилишга мажбурлаётганимизни қайд этиш керак. Сабаби, ҳавасманд йигит-қизларимиз кўп. Бунинг учун шуқр қилиш ҳам керак, албатта. Лекин уларнинг аксари йиллар давомида ҳаваскорликдан бир қарич ҳам кўтарилолмайдди, ё хориж фильмларига тақлидан, ё ўзи чала-ярим тўқиган сюжет асосида ниҳоятда жўн, мантиқсиз, гоҳо ғазабингизни келтирадиган даражада хом, саёз нимарсаларини турли йўллар билан тиқиштиришга ҳаракат қилади. Ўзингизни зўрға босиб, болам-бўтам дея уни инсофга келтиришга, “буюк кашфиёти”дан воз кечишга ундайсиз. Албатта, у осонликча кўнмайди. Пул тиккан-да. Уни чиқариб олиши керак. Ана кейин авж олади таҳдид, телефонбозлик, асаббузарликлар! Ҳарқалай, ана шундай вазиятларга ҳам чидаб ишлаб юрибмиз. Лекин бу ягона чора эмас. Бу йўналишда муайян тизим яратилмаса, узоққа бориб бўлмайди.

Аслида, ўша фильмларнинг эгалари ўзимизнинг қоракўзлар. Уларни бағримизга олиб, кинонинг алифбосидан бошлаб, ҳақиқий санъат асарини англаш малакасигача тарбияламоғимиз шарт. Улар орасида истеъдодлилари бор. Фақат ҳозирча ёввойи истеъдод, ишлов берилмаган хомашё...

– Ўзгаришлар шамоли эсганда биров тегирмон курса, бошқа биров ҳимоя девори барпо этади, дейди хитойликлар. Мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг бугунги аҳволи ана шу нақлни ёдга солади. Телерадио эфирида қарсақбозлик, матбуот саҳифасида эса мақта-мақта яна қайта авж олаётир. Ваҳоланки, давлат раҳбарининг ўзи бу ҳолни тўхтатишни талаб қилмоқда. Хусусан, жорий йил апрель ойида Сирдарё вилояти фаоллари билан учрашувда Президент Шавкат Мирзиёев қарсақбозлик, ҳайбаракаллачилик, кўзбўямачилик сингари иллатлар сабаб юртимиз кўп соҳаларда йигирма йил ортда қолгани ҳақида қуйиниб гапирди. Зиёли аҳлининг қон-қонига сингиб кетган бу “вирус”лардан қандай халос бўлиш мумкин? Ошқора тамаю оғизона илинжни бир четга суриб холисанилло қалам тебратиш қўлимиздан келмайдими? Ёхуд бу борада ҳам махсус қонун даркорми?

– Оммавий ахборот воситаларидаги қарсағу мақтовбозлик хусусида сўз кетар экан, бу иллат не-не тузум ва салтанатларни таназзулга дучор этганини эсламоқ жоиз. Хайриятки, давлатимиз раҳбари бу иллатларга

тамомила қарши эканини бот-бот эслатиб, амалда ҳам кўрсатиб турибди. Қаламкашларни, ижод аҳлини ортиқча эркалатиш охир-оқибат уни бурни тагидан нарини кўролмайдиган нохолис одамга айлантириб қўйиши ҳеч гап эмас. Дуторнинг овози жарангдор бўлиши учун чертма қисми ғовак ҳолда ясалади. Менимча, ижодкорни шарафлаш унинг муайян хизматлари эвазига бўлмоғи керак. Бўнак тариқасида унвону имтиёз, моддий-маиший имкониятлар эшигини ланг очиб бериб бўлмайди. Ҳисобни мингга етказамиз, деб Ёзувчилар уюшмаси карвонсаройга айлантириб қўйилгани ҳали кўпчиликнинг ёдидан чиқмагандир. Мен имтиёзу рағбатларга қарши эмасман, лекин шира ортгани сари қурт-қумурсқанинг унга ёпишмоғи ҳам бор гап. Бугун ҳам уюшмамизни чинакам ижодкорлар масканига айлантирамиз деб уввало уринмайлик, у ерга мўр-малах танда қўяётганини кўриб, ҳафсалангиз пир бўлади.

Мен “Дўрмон” ижод боғида ёши олтмишдан ўтган не-не адибу шоир, мунаққидларимизнинг туни билан мижжа қоқмай ишлаганлари гувоҳиман. Бу жой ўз номи билан ижод уйи. Ҳаво алмаштириб, ҳордиқ чиқарадиган дам олиш маскани эмас. Ижод аҳли йиллар давомида атроф-жавонобни ўрганиб, одамларни, жамиятни кузатиб, ўз мушоҳада ва қарашларини шакллантиради, тоблайти. Таъбир жоиз бўлса, тўлғоқ ҳолатига келганида ижод уйи каби гўшада уни дунёга келтиради. Ёлғизлик ижодкорнинг олий насибаси, унга бу неъматни Оллоҳ беради! Ана шу насибага қаноат қилганлар не бир маънавий обидалар, бадий тафаккур намуналарини яратганлар. Ватан ҳақида уч-тўртта чучмал шеър ёзиш билан шоҳсупаларни орзулаш – пичратқи хаёлпарастликдан бошқа нарса эмас. Афсуски, шу йўлда ошиғи олчи келаётган ёшу қари ёзғирлар кам эмас...

Тамаю ожизона илинжга асло рағбат бермаслик керак. Айни вақтда, шундай рағбат улашувчиларга ҳам ваколат муҳрини бериб қўймаслик зарур.

– Ўтган асрнинг 90-йиллари бошида олимларимиз жадид маърифат-парварлари ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганишга киришди, бу мавзуда китобу рисоалар ёзилди. Сиз ҳам Миллий уйғониш даврига оид салмоқли тадқиқотлар чоп этганингиздан хабаримиз бор. Лекин кейинги йилларда жадидлар мавзуга эътибор хийла сусайди. Эрксевар боболаримизнинг миллий истиқлол йўлидаги хизматларини унутгандек бўлдик. Сир эмаски, бугунги шиддаткор давр жамиятимизнинг маънавият, маърифат, мафкура каби жабҳаларини ҳам танқидий кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Хўш, янгиланиш, ўзгариш палласида жадидлар таълимоти бизга қай жиҳатдан асқатади?

– Ошиғи, бу мен учун дардли савол. Агар вақти-соати етиб, каминанинг кўнгил ва тафаккур бисотидан бирор даста саралангудек бўлса, жадид боболаримиз ҳақидаги битикларим кўпроқ қадр топса ажабмас. Минг шукрки, мен ҳам устоз Миртемир каби “Шеърларим, мен сиз учун

хижолатлик эмасман”, дея баралла айта оламан. Неки ёзган бўлсам юрагимни кўшиб, виждонимни ўртага кўйиб ёзганман. Шиорим “самимият ва яна самимият” бўлган. Ҳозир ҳам шундай...

Жадидлар мавзуига эътибор сусайгани рост. Ваҳоланки, маърифат-парвар боболаримизнинг ғоя-амаллари бугун ҳар қадамда сув билан ҳа-водек зарур бўляпти. Жаҳолатга қарши маърифат кураши, тўй-маросим исрофлари, маиший бузуқликлар, она тили борасидаги хавотирлар, дин-ни англаш, санъат тарбияси, адабиёт ривожия хориж тажрибаси – эҳ-ҳэ, санайверса яна қанча оғриқли масалалар! Буларни, ахир, дастлаб жадид-лар кўзгаган, шу йўлда улар молу жонини қурбон қилган!

Раҳматли устозимиз Бегали Қосимов умрини жадидлар мавзуига бағишлади. У Миллий университетда махсус кафедра ташкил этиб, жадид ҳаракати ва адабиётини ҳам таълим жараёнига сингдириш, ҳам тизимли равишда фундаментал тадқиқ этишни ният қилган эди. Шу йўлда мактаб яратиш тадорикларини қилди. Биз – ҳамкасбу шогирдларига жадидчилик ҳаракатининг турли йўналишлари бўйича илмий изланиш-лар юритишни маслаҳат бериб, охир-оқибат барини кўшиб, яхлит ил-мий-маърифий тарих яратишни орзулаган эди. Улуғбек Долимов “Жадид педагогикаси” ни ёзди, Шариф Юсупов жадид адабиёти учун муҳим омил бўлган XIX аср иккинчи ярми адабиётининг яхлит манзарасини яратиш йўлида тинимсиз изланди, камина жадид театри ва драматургиясини ўрганишга йигит умримни сарфладим, устоз Бегали Қосимовнинг ўзи эса жадид шеърини, насри, публицистикаси ва умуман, бу ҳаракатнинг ижтимоий-сиёсий моҳияти, тарихий, фалсафий аспектларини фунда-ментал асосда тадқиқ этди. Шу тариқа “Миллий уйғониш” номли умр ки-тобини мерос қолдирди. Аммо Бегали ака буни ҳали яқун деб билмасди. Аксинча, жадидчилик ҳаракати ва адабиётини ўрганишда ўзи бош ўла-роқ барчамизнинг саъй-ҳаракат, изланишларимизни мавзу-масаланинг ибтидоси деб билар эди. Афсуски, умр вафо қилмади – у киши эрта ўтиб кетди. Байроқни тутиб қолишга эса ҳеч биримизнинг чоғимиз келмади. Ҳаммамиз ҳар ён сочилиб кетдик. Лекин таскин шуки, жадид боболар кечмишу битикларини ўрганиш асносида барчамизнинг қалбимизда ўч-мас чўғ қолди. Шу чўғ тафтида гоҳо исиниб, илиқиб юрамиз. Ҳозир ҳам киночиларни жадидлар мавзуига қизиқтиришга уриняпман. Модомики фикру зикримиз шонли тарихимиз, буюк аждодларимизда экан, нега жадидларнинг ҳам буюк тарихий хизматларини кўрсатмаслигимиз ке-рак?! Ахир, янги адабиёт, янги маданият, маърифат – барчасининг тамал тоши маърифатпарвар боболаримиз томонидан кўйилган-ку! Шу ўйлар билан 2002 йили режиссёр Бақо Содиқов ишлаган “Фидойилар” сериали-ни телевидениеда кўрсатмоқчи бўлган эдик...

Яқинда барака топкур Тоҳир Малик илтимосларимга жавобан, бир вақтлар ёзган “Қалдирғоч” қиссаси асосида Абдулла Авлоний ҳақи-да адабий сценарийни қоғозга туширди. Истеъдодли адиб Абдуқажом

Йўлдошев атоқли жадид арбоби, Лев Толстой билан ёзишмалар қилган биринчи ўзбек адвокати Убайдулла Хўжаев ҳақида, Асқад Мухторнинг “Чинор” романидаги айрим мотивлар асосида, “Жадид” номли киносценарий битди. Режиссёрлар – Жаҳонгир Қосимов “Исҳоқхон Ибрат” фильмини суратга олишга киришяпти, Жаҳонгир Аҳмедов эса XIX аср охири – XX аср бошлари Хива хонлигидаги буюк ислохотчи Ислохўжага бағишланган фильмини яқунляпти. Мақтангулик яна айрим ишлар бор, аммо иримчироқман, кўз тегиб қолмасин, дейман...

Мавзу бугунги маънавий-мафкуравий жабҳаларда жадидлар таълимнинг аҳамияти масаласига кўчар экан, бир фикрни айтгим келади. Маълумки, “жадид” истилоҳи “янги” маъносини англатади, жадидлар янгилик, ўзгариш, ислохотлар учун курашган зотлардир. Улар миллат ва ватан озодлигини маърифат орқали эришилажак хурликда деб билганлар. Бугун Президентимиз бошлаган ва изчил давом эттираётган ислохотларни жадидларнинг саъй-ҳаракатларига менгзасак, назаримда сира хато бўлмайди. Давр, воқелик нисбатиди янгиланган, шитобланган ва фавқулудда кенг кўлам касб этган жадидчилик ҳаракати деб биламан мен бугунги жараёнларни. Бу жиҳатдан, умри навқирон паллада хазон этилган жонфидо боболаримиз кечмишини санъат воситасида кўрсатиш – ижод аҳлининг бурчи, айни чоқда, бугунги қудратли янгиланишларга ҳамоҳанг, ҳамқадам шарафли ишдир.

– “Фалон шаҳарда ёш она никоҳсиз туғилган чақалоғини сувга чўктирди”, “Фалон шаҳарда падаркуш ўсмир ҳибсга олинди”, “Фалон қишлоқлик йигит туғишган сингисининг жонига қасд қилди”, “Фалон коллеж талабаси курсдошини калтаклаб ўлдирди”... Минг афсуски, бундай нохуш хабарларни кунда-кунора эшитяпмиз, уларга ҳатто кўникиб ҳам қолгандекмиз. Инсонни маънан тўқис кўриш орзусида салкам қирқ йилдан бери қалам тебртасиз. Сизнингча, шафқатсизликнинг авж олаётгани сабаби нимада? (Ё бундай фожиалар илгари ҳам кўп рўй берган-у, матбуотда ёритилмагани боис беҳабар қолганмизми?) Бу ҳолни инсон табиатидаги ноқислик билангина изоҳлаш тўғрими? Эҳтимол мудҳиш жиноятларга доя бўлаётган маънавий-ахлоқий, ижтимоий-иқтисодий омиллар хусусида мулоҳаза юритиш керакдир...

– Академик Василий Бартольд Туркистоннинг Русия мустабидлиги остида ўтган илк даври ҳақида ёзар экан, Фарғона музофотида то руслар келгунча содир этилган жиноятлар миқдори ниҳоятда кам, нари борса йигирмага етиб-етмаганини қайд этади. Русия тасарруфига олингач эса, водийдаги жиноят даражаси кескин ошиб кетгани ва бунинг сабаби маҳаллий халқ арақхўрлик, пивоҳўрлик, фоҳишабозлик каби ёт иллатлар таъсирига берилганида эканини ёзади.

Биз табиатан таъсирчан халқмиз, ҳиссиётларимиз ҳамиша жунбушда. Кимларгадир тақлидан кўп ғалати ишлар қиламиз. Мулоҳаза, мушоҳада

эса кейин келади. Афсус, надомат, алам, фожиалар билан қўшилиб, кеч, жуда кеч келади. Айниқса, ҳозирги ёш йигит-қизларимиз турмуш фаровонлиги, маиший тўқисликка бирпасда эришсам дейди. Ваҳоланки, ҳаёт бошқа, хаёл бошқа. Камина шамол тегирмони билан олишган Дон Кихотга ўхшаб қолаётгандек ҳис қиламан ўзимни гоҳо. Гарчи бунинг учун яқинларим, дўстларимдан кўп дакки эшитсам-да, нима қилай, ўзгача бўлмайман. Мен умрим меҳвари, ҳаётим мазмуни деб биладиган адабиёт ва санъат инсонни айнан маънавий тўқис, комил этиш учун яралган ва ўзининг асл намуналари билан шунга хизмат этиб келяпти. Лекин бугун биз улуғлаган, маёқ деб билган сўз санъатининг таъсир доираси торайиб бораётган экан, бу, аввало, маиший ҳаётимизда рўй берган ахборот-техникавий инқилоб ва унинг “салиб юриши” билан боғлиқ. Ҳеч шубҳасиз, бу жараён Ғарбдан турлича йўл, воситалар орқали турмушимизга сингмоқда. Бир пўртана, ўлат каби! Мана, оқибат – Маҳатма Ганди айтмоқчи, саррин шаббода истаб деразаларни очдиг-у, соф ҳаво билан хас-хашак, чангу ғубор ҳам кириб келди уйларимизга. Буни табиий жараён билиб, масала моҳиятидан ўзимизни олиб қочишга ҳам кўникаиб кетдик. Кўникаш энди турмуш тарзимизга, одатга айланяпти. Уйга кириш, кўчага чиқинг, “оммавий ахборот”, “оломон маданияти”дан холи бир парча ерни тополмайсиз. Энди гап шулар орасида нимжонланиб қолаётган умуминсоний ва миллий қадрият унъаналарни имкон қадар тоза, соф ҳолда сақлай билишда! Алла ўрнига мобил телефонда ғарбона мультиклар қўйиб гўдакни ухлатсак, шу алфозда овқат едирсак, бола оломонча тасаввурдаги туссиз, насабсиз дегенератга айланмаслиги мумкинми?!

Замонга, атрофингизни ишғол этган салбий воқеликларга қарши бориш осон эмас, албатта. Бунинг иложи ҳам йўқдир, Навоий бобомиз айтмоқчи, “беихтиёрликда борму манга ихтиёр”. Аммо яна бир ҳақиқат борки, уни ҳам Ҳазрат гўзал тарзда уқтириб кетганлар:

*Ўз вужудингга тафаккур айлағил,
Ҳар не истарсен, ўзунгдин истағил.*

Раҳматли Эркин Воҳидов кўп айтардилар: Навоий бу дунёнинг одами эмас, у зот ёзган сўзни одам боласи ёзолмайди, деб. Гоҳо, бизнинг нажотимиз Ҳазрат бобомизда эмасмикан, деб ўйлаб қоламан. Ҳамма ҳодисага, ҳамма саволга жавоб бор Алишер Навоий бисотида. Шу сабабдан ҳам “Навоийни англаш” деган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, мафқуравий давлат дастурини ишлаб чиқсак, барча соҳа ва йўналишларга уни татиқ этсак, ҳаётимиз тўқисроқ, фаровон ва кўркамроқ бўлармиди...

Бу гапларим сизга хаёлпарастлик бўлиб туюляптими? Айтдим-ку, дунёни аломатфеъл одамлар тутиб туради, ахир...

Собиржон ЁҚУБОВ суҳбатлашди.

ZOHIRIY VA BOTINIY ERKINLIK

Жамият тараққийетининг муҳим кўрсаткичларидан бири – инсоннинг тобора эркинроқ бўлишидир. Ибтидоий жамиятда инсон моддий жиҳатдан бевосита табиатга, маънавий жиҳатдан уруғ – жамоа асотирларига, эътиқоди ва урф-одатларига қарам бўлган. Зироатчилик ва чорвачилик вужудга келгач, табиатга қарамлик, фетишизм, анимизм, тотем ва табу билан боғлиқ хурофотлар таъсири бир оз сусайган. Бу жараёнлар негизда инсон онги, билимлари, ижодкорлиги, меҳнати ва ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ётибди. Амалий ва назарий билимларнинг ўсиши, турмуш фаровонлиги юксалиши инсоннинг нафақат индивидуал дунёқараши, эътиқоди, ахлоқий ва эстетик қарашларига, шунингдек, умуман маънавий эркинлик ўсишига таъсир қилмаслиги мумкин эмас эди.

Дин, айниқса, монотеистик динлар инсонни табиатнинг гултожи, Худонинг мукаррам бандаси, деб эълон қилди. Шахс манфаатлари, кишилар ҳаётининг баъзи соҳалари мухторийлиги тан олинди. Бу мухторийлик, албатта, аввало юқори табақа вакиллари ҳаётига тегишли. Ислом тарқалган Ўрта Шарқ феодал мамлакатларида оилавий ҳаёт ҳамда баъзи бир ҳуқуқлар дахлсизлиги янада мустаҳкамланди. Эркинлик бир неча поғона кўтарилди. Ғарбда ҳам инсон эркинлиги муттасил ўсди. Англияда, масалан, Ўрта асрлардаёқ “Хабеас корпус” институти шакллана бошлади.

Юқори табақа вакиллари катта ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлди. Аммо эркинликнинг миқёси Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам ўша давр тузуми имкониятлари билан ўлчанар ва анча чекланган эди.

Индустриал жамият инсоннинг табиатга бевосита қарамлигини янада камайтирди. Саноат инқилоби, давлат хизматчилари ва шаҳар аҳолисининг кескин ўсиши шароитида давлат ва иқтисодиёт бошқаруви, ижтимоий муносабатлар мураккаблашди. ОАВ тармоғи вужудга келди. Малакали мутахассисларга эҳтиёж ошиб борди. Жамиятда янги қатлам – муҳандис-техник, иқтисодиёт, бошқарув, таълим, илм-фан, соғлиқни сақлаш, маданият ходимларидан иборат зиёлилар қатлами шаклланди. Секуляришув жараёни бошланди, тафаккур ва ижод эркинлиги ўсди, маданият, илм-фан, адабиёт ва санъат ривожланди. Постиндустриал жамиятда бу тенденция янада кучайди. Жамиятнинг ижтимоий-синфий тузилмаси тубдан ўзгарди. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари етакчи ижтимоий қадриятга айланди. Жамият тараққийетининг қайси даври, қайси босқичини олманг, унда эркинлик аввалги давр ва босқичга нисбатан юксалганига гувоҳ бўласиз. Фақат большевизм, фашизм, ҳарбий хунталар ҳукмронлик қилган тоталитар давлатларда биз бунинг аксини кўрамиз. Лекин бундай режимлар ўрнатилиши жамият тараққийетининг объектив заруратидан келиб чиқмайди ва



тарихан узоқ яшай олмайди. Улар тараққиётнинг бир чизиқли эмаслигини, зиддиятлардан, тасодифлардан холи бўлмаслигини, мураккаб тизимлар эволюциясида юксалиш қаторида емирилиш, барқарорлик қаторида беқарорлик мавжудлигини кўрсатади.

Эркинлик – инсон онги, хулқ-атвори ва фаолиятининг ҳамда жамият ҳаётининг барча йўналиш ва шаклларида дахлдор тушунча. Аммо уларнинг ҳар бирида турли кўриш ва миқёсда намоён бўлади. У ижтимоий қадрият ва меъёр сифатида маънавий категориясидир. Онгда у ички эркинлик ўлароқ тафаккур ва ирода (масъулиятли муносабат, юксак мақсадларни кўзлаш) эркинлиги кўришида юзага чиқади. Хулқ-атвор ва фаолиятда ташқи эркинлик мавжуд имкониятлардан бирини танлашда ва реал мақсадга интилишда воқе бўлади. Бинобарин, эркинликнинг ташқи ва ички кўринишлари мавжуд. Эркинликнинг бу икки шакли, гарчи баъзан ўзаро фарқланса-да, бир-бирини тўлдиради. Британиялик файласуф Исайа Берлин уларни “позитив эркинлик” ва “негатив эркинлик” деб атайди. Хўш, эркинликнинг ўзи нима? Ички ва ташқи эркинлик бир-биридан қандай фарқ қилади?


“Эркинлик” тушунчасига доир турли илмий-фалсафий ёндашувлар мавжуд. Чунончи, онтологик нуқтаи назардан, эркинлик заруратнинг инсон онги ва ҳаракатида намоён бўлишидир. Олмон файласуфи Ҳегел “Эркинлик бу – англаган заруратдир” деган эди. Мутафаккир бунда ички эркинликни назарда тутган. Унинг учун эркинлик биринчи галда руҳ ва тафаккур эркинлигидир; руҳ ва тафаккурнинг заруратни тасодифдан ажрата олиши Мутлақ Руҳ иродасини, Мутлақ ғоя моҳияти ва ривожланиш қонунини тўғри англашидир. Инсон эркинлиги (ташқи эркинлик) унинг руҳидан, тафаккуридан келиб чиқади ва уларга тобе. Ҳегел фикри масалага теран иделистик ёндашувдир.

Ф. Энгельс эса Ҳегел фикрларини материалистик шаклга келтиришга уриниб, эркинликни англаган зарурат бўйича ҳаракат қилиш, дея таърифлади. Бу таърифда ин-

сон фаоллиги, ижодкорлиги олд ўринга чиқади. Заруратни англашнинг ўзи инсонга амалда эркинлик келтирмайди. У заруратни қондириш имкониятини қўлга киритсагина, эркинликка эришади. Материалистик ёндашув эркинликни амалиёт билан боғлайди. Бу унинг устун томонидир. Аммо материалистик ёндашув вульгарлашиб кетмаслиги, ҳамма нарсани фақат амалий ва моддий натижага, ижтимоий шарт-шароитга тақамаслиги, инсоннинг ички, маънавий эркинлигини, руҳий интилишини, нафси ва ҳирси қутқуларини эътибордан четда қолдирмаслиги лозим. Хулоса қилиш мумкинки, эркинликнинг биринчи шarti – билим, заруратни англаш, иккинчи шarti – унга ўз хатти-ҳаракати, ташаббусларини мослаштиришидир, бошқача айтганда, масъулиятни англаган фаолликдир.

Ички ва ташқи эркинлик ўзаро чамбарчас боғлиқ. Шу сабабдан уларни бир-биридан ажратмасдан, бир-бирига қарама-қарши қўймасдан, диалектик яхлитликда ўрганиш лозим. Бу эса аввало эркинликни ирода ва шарт-шароит бирлиги сифатида тадқиқ этишни назарда тутати. И. Берлин ички “позитив” эркинликка кўпроқ эътибор берилса, ташқи “негатив” эркинлик камайиб кетиши мумкин деб ҳисоблайди. Бу жуда ўринли ва теран фикрдир. Ҳақиқатан, фақат ички эркинликка интилиш, ташқи эркинликни инкор қилиш жамиятни қоқоқликка, маънавий ва иқтисодий ночорликка мубтало этиши эҳтимоли катта.

Объектив шарт-шароит яратилиши ички эркинликни реалликка айлантиради, шунингдек, у миллий иродани юзага чиқаради. Давлат бутун халқнинг иродасини ҳисобга олиб қонунлар қабул қилса, шарт-шароит яратса,



ташқи эркинликни ривожлантиради. Тафаккур эркинлиги ҳам амалий жиҳатдан ироданинг намоён бўлишидир. Тафаккурнинг эркинлиги, мазмуни тўғри ёки хатолигидан қатъи назар, унинг мустақиллиги ва масъулияти билан белгиланади. Йирик олимлар, ижодкорлар, атоқли арбоблар, шахслар мустақил фикр юритади, масъулиятдан чўчимайди. Уларнинг қарорлари, хулосалари, фикрлари хато, зиддиятли бўлиши мумкин, ammo уларнинг тафаккури эркиндир. Ана шу фазилат уларни фаол шахсга айлантирган. Аксинча, воқеликни тўғри англаб, тўғри таҳлил қила оладиган киши ўзгалар, айниқса, обрўлироқ шахснинг хато фикрига қарши чиқолмаса, кўр-кўрона эргашса, унинг тафаккури эркин эмас, муте ҳисобланади. Чунки унга мустақиллик, масъулият ва ирода етишмайди.

Ирода – эркин танлаш, ўз олдига онгли мақсад қўйиб, унга эришиш учун бутун куч-қувватни, ақл-заковатни сафарбар этиш, мушкулликлардан, масъулиятдан кўрқмасликдир. Шу боис тафаккур эркинлиги онтологик жиҳатдан ирода эркинлигига, руҳ эркинлигига бориб тақалади. Демак, тафаккур эркинлиги, Эрих Фромм таъкидлаганидек, тўғри ёки хатолигидан қатъи назар, мустақиллик ва фаолликдир.

Эркинлик, праксеологик мазмунига кўра, танлов миқёси ва сифатидир. Айтайлик, сиз яшаётган шаҳарда фақат биргина олий ўқув юрти бор. Қўшни вилоят марказида улар

сони бешта, пойтахтда ўттизга яқин. Сиз яшаётган шаҳар абитуриентларининг четга чиқиб ўқиш шароити йўқлари олдида фақат бир олий ўқув юртини танлаш имкони мавжуд. Қўшни вилоят абитуриентларида бу имконият беш, пойтахт абитуриентларида ўттиз баробар ортиқ. Улар ўқув муассасаси ва мутахассисликни танлашда сизга ҳамшаҳар абитуриентларга нисбатан эркинроқдир. 5-10 вариантдан ўз хоҳишига кўра бирини танлай оладиган киши, мавжуд бир вариантга хоҳласа-хоҳламаса мурожаат этадиган кишига нисбатан албатта эркинроқ бўлади.

Эркинлик масаласида Дэвид Миллер нафақат вариантларнинг кўп-озлиги, балки уларнинг сифатига ҳам эътибор қаратади. Инсонга баъзан сифатли бир вариант сифатсиз ўнта вариантдан кўпроқ эркинлик беради. Масалан, ҳовли супурувчи, чиқинди ташувчи, офис фарроши, омбор қоравули, хат ташувчиликдан қайсисини танламанг, у кишини касбий-профессионал ва маънавий юксалтирмайди. Ammo офис менежери ёки илмий лаборатория тадқиқотчиси каби вариантлардан бири маънавий ва профессионал юксалиш, ижодий қобилиятни юзага чиқаришга кўпроқ имкон беради. Чунки ақлий ва ижодий меҳнат механик тарзда бажариладиган оддий жисмоний меҳнатдан сифат жиҳатдан кескин фарқ қилади, профессионал билим, малака талаб этади, кўпроқ “маънавий ҳуқуқ” – эркинлик беради. Шу боис, Д.Миллер “имкониятлар сони” эмас, “имкониятлар ҳажми”

“Тафаккур” тахламларини варақлаганингизда журналнинг аксар сонларида ё учинчи, ё тўртинчи бўлиб турган айнан бир муаллиф қаламига мансуб мақолаларга дуч келасиз; шундан, гоҳо мажалланинг қайси йилги қайси сонини кўраётганингизни билполмай чалкашиб ҳам кетасиз. Чунки мавзу ва сарлавҳалар бир-биридан жиддий: фалсафа, ижтимоий-иқтисодий муаммолар, миллий ғоя ва маънавиятдан баҳс этади.

Бу мақолаларни санаб саноғига етаман деб овора бўлманг – муаллифнинг ўзи ҳам аниқ ҳисобини айтолмас. Кўп-да, кўп. Лекин шу чоққача ҳеч кимдан “Нима, бошқа муаллиф топилмай қолганми, ҳадеб бир кишининг материални чиқараверасизлар?” деган дашномни эшитганимиз йўқ. Эшитгудек бўлсак, жавобимиз тайёр: “Сиз ҳам ана шундай савияда ёзинг, ҳар сонда иккитадан материалнингизни берамиз!”

Адабиётшунос, файласуф, публицист Абдурахим Эркаевнинг “Тафаккур” журнали билан ижодий ҳамкорлиги анчайин таваккалчиликдан бошланган десак

ҳақида гапириш тўғрироқ, деб ҳисоблайди. Негаки, “имкониятлар ҳажми” имкониятлар сони ва сифатини ўзида мужассам этади.

Эркинликнинг праксеологик жиҳати танлаш имкониятидан ташқари “танлаш қобилияти”ни ҳам англатади. Киши ўзига маъқул вариантни мустақил, эркин танлай оладими ёки бунинг учун ота-онаси, бошлиғи, бошқа бир масъул шахсдан рухсат олиши керакми? Рухсат олиш мустақил қарор қабул қилиш, эркин танлаш имконини чеклайди. Бундай ҳолда эркинлик ҳақида сўз юритиш ортиқча.

Танлаш қобилияти, бир томондан, шахс тафаккурига, ички эркинлигига, иккинчи томондан, ташқи эркинликка – шахс мавқеи, мустақиллиги, субмуҳити ва умуман ижтимоий муҳит яратган шарт-шароитга боғлиқ. Танлаш қобилияти, аввало, шахснинг вариантларни танқидий ва тўғри баҳолайдиган ақл-заковатидир. Бироқ қобилият юзага чиқиши учун қулай муҳит керак. Бошқа томондан, шахс баҳо бериш, танлашда жамият талаблари билан ҳисоблашмоғи лозим. Эркинликнинг праксеологик жиҳатига икки омил таъсир кўрсатади. Биринчиси – жамият томонидан яратилган шарт-шароит – имкониятлар ҳажми. Вариантлар сони қанча кўп, сифати қанча юқори бўлса, эркинлик даражаси шунча баланд бўлади. Иккинчиси – шахснинг ақл-заковати, ижтимоий мавқеи, профессионал мустақиллиги. Оилада боқиманда, ҳаётда бировга қарам киши тўлиқ эркин бўлолмайди. Меҳнат жамоасидаги

малакасиз ёки энди шогирдликка тушган ёш ишчининг эркинлиги бошқаларникига нисбатан чекланганроқдир.

Эркинлик категорияси имконият ҳажми, заруратни англаш, танлаш қобилияти, масъулият, ижтимоий шарт-шароит каби тушунчалардан ташқари бурч, садоқат каби тушунчаларни ҳам ўз ичига олади. Ўз бурчига хиёнат қилган киши ўз эркинлигининг катта қисмини йўқотади. Агар у бошқаларга, давлатга зарар келтирса, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилади. Агар ахлоқий бурчини бузса, одамлар орасида ҳурматини йўқотади, обрў-эътибори пасаяди. Шундай қилиб, эркинлик истаганимни, хаёлимга келганини қиламан дегани эмас. У масъулият ва бурчни, жамиятнинг ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа талабларини тўғри тушунишни билдиради. Ҳалоллик, ахлоқий ва инсоний бурчга содиқлик кишининг нафақат эркинлигини кенгайтиради, шунингдек, унга яхши ном ва ҳурмат-иззат келтиради. Шу тариқа эркинлик аксиологик аҳамият ва мазмун касб этади.

Эркинликнинг онтологик ва праксеологик мазмунидан унинг аксиологик моҳияти, яъни қадр-қиммати, баҳоси, инсон ва жамият ҳаёти юксалишидаги маънавий-амалий ўрни, вазифалари келиб чиқади. Эркинлик алоҳида инсон учун ҳам, халқ учун ҳам қадриятдир. “Тиз чўкиб яшагандан, тик туриб ўлган яхши”, “Бировнинг миннатли ёғли ошидан, ярим коса ўз ёвғонинг афзал” каби халқ

бўлади. Хаёлида айланиб юрган фикрларни бир ипга тизиб, аммо сарлавҳа-парлавҳасиз, Тошкентга келиб қолганида (у киши Қарши шаҳрида яшайди) бир-икки дўстининг қистови билан, янги чиқа бошлаган журнал таҳририятига ташлаб кетади, вассалом. Босиладими, қоладими, у ёғи билан иши йўқ, умид ҳам қилмайди. Бир қуни...

Беҳисоб мақолалару қатор-қатор китобларнинг дунёга келиш ибтидоси ана шундай.

Яқиндаги телефон орқали сўзлашувда “Етмиш ёшнинг юки қалай бўлар экан, домла?” деб сўраганимизда у киши “Қайдам, сезилмаяпти-ку”, дея жавоб берди.

Сезилмасин дегн, Абдураҳим ака, саксон-тўқсонларга кирганда ҳам сезилмасин – олдинда иш, ижод мўл!

Таҳририят

нақллари эркинлик қадрият сифатида фаровон турмушдан устун эканини тасдиқлайди. Шу сабабдан, қарам, банди киши, мустамлака халқ ўз озодлиги учун курашади, қийинчиликларни, ҳуррият йўлидаги тўсиқларни енгишга интилади, ҳатто жонини фидо қилишдан тоймайди. Асир тушган жасур аскар “сотқин” деган ном олмаслик учун ҳарбий сирни очмасдан, ўлимни афзал кўради. Бу ҳаракатда асирнинг ички маънавий эркинлиги намоён бўлади, чунки у жонидан, ҳаётидан яхши номни устун қўймоқда. Ҳеч ким ёмонотлиқ бўлишни, жамоатчилик ундан юз ўгиришини истамайди. Чунки бу уни ҳуқуқий ва маънавий эркинликдан маълум даражада маҳрум этади. Зеро, бир томондан, элнинг юксак баҳоси, ишончи, илиқ муносабати эркинликни юзага чиқарувчи омилдир. Иккинчи томондан, эркинлик – масъулиятлилик, бурчга содиқлик, ҳалоллик кишининг ижобий баҳоланиши, қадрланиши омилдир. Бинобарин, эркинлик, аксиологик нуқтаи назардан, инсоннинг жамиятда топган эътибори, иззат-ҳурмати, қадр-қиммати инъикосидир. Буни социумнинг турли бўғинлари – оилага, меҳнат жамоасига, ижтимоий гуруҳга, табақага, синфга, турли этник гуруҳларга, бутун халққа нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Халқ ҳақиқатан давлат ҳокимияти манбаига айланганми ё ҳокимиятни шакллантиришга ва назорат қилишга имконияти йўқми, халқ манфаатлари давлат манфаатига бўйсундрилганми ёки аксинчामी? Бу саволларга жавобда халқнинг эркинлиги ва қадр-қиммати ифода топади.

Эркинлик амалиёти ва аксиологик баҳолар нафақат ахлоқий, эстетик, диний, фалсафий мазмунга, балки амалий сиёсий-юрдик мазмунга ҳам эга. У давлат ва эркинлик муносабатларини, зиддиятларини туғдиради. Биринчидан, давлат ҳокимияти бор жамиятда эркинликнинг сиёсат ва қонунлар белгилайдиган чегаралари мавжуд. Давлат ижтимоий муносабатларни қонунлар орқали тартибга солади, фаолият юритишнинг ҳуқуқий макони, доирасини белгилайди. Эркинлик ўша доирадагина воқе бўла ола-

ди. Иккинчидан, давлат эркинликни чеклаш қаторида уни юзага чиқариш омилидир. Қонунлар бебошлик, анархия, зўравонликнинг олдини олади. Давлат таълим, ахборот, соғлиқни сақлаш, юридик соҳаларда фуқаролар ҳуқуқлари юзага чиқишига шароит яратади. Давлат қонунлар ижросини турлича таъминлайди. Нодемократик, айниқса, тоталитар давлатларда маънавий ҳаётда расмий мафкура ва цензура ўрнатилади. Бу вазифалар, агар дин давлатдан ажратилмаган бўлса, диний ташкилотга топширилиши мумкин ёки собиқ СССРдаги каби давлатнинг мафкура билан шуғулланувчи кенг тармоқли тузилмалари бўлади. Ҳатто давлат хавфсизлик хизмати ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда махсус мафкуравий бўлимлар фаолият юритади. Демократик, ҳуқуқий давлатларда эса расмий мафкура ва цензура бекор қилинади, кўппартиявийлик, мафкуравий плюрализм ўрнатилади. Бундай шароитда рақобат қилувчи сиёсий партиялар, ОАВ, фуқаролик институтлари тегишли мутасадди давлат идоралари билан биргаликда эркинликни таъминловчи қонунлар ижросини назорат қилади.

Эркинликнинг ҳуқуқий асослари таъминланган либерал-демократик жамиятда инсоннинг ўз бурчи, мажбуриятларини англаши осон кечади. Масалан, ватанпарварлик, фидойилик туйғуси тоталитар жамиятда ҳам кучли намоён бўлиши мумкин, аммо у эркин эмас, қисман мафкуравий мутаассибликка, бошқача фикрлайдиганлардан нафратланишга ёки салбий муносабатга, қисман репрессив сиёсий режимдан кўрқишга, қисман ватан севгисига асосланади. Унда мафкуравий мутаассиблик, ижтимоий-сиёсий кўркув ва эътиқодий туйғу зиддиятли равишда қоришиб кетади. Демократик жамиятда ватанпарварлик ташқи тазйиқ, мафкуравий ва сиёсий босим остида эмас, балки эркин ишонч, қалб амри ўлароқ шаклланади.

Ватанпарварликнинг сиёсий режимдан, унинг репрессиялари, жазоларидан кўркув оқибатида эмас, эътиқод асосида шаклланиши жуда муҳимдир. Демократик жамиятлар-

даги ватанпарварлик, фидойилик мутаасибликдан холилиги туфайли, тоталитар жамиятдагидан кўра бўшроқ, заифроқ туюлиши мумкин, аммо у теранроқ, мустаҳкамроқ эътиқодий асосга эга. Демократик жамиятда эркинлик сиёсий, ҳуқуқий асосларга, кафолатларга эга. Нодемократик жамиятда эса инсон ташаббус кўрсатишдан қўрқади. Чунки ташаббус ўзбошимчалик, давлат сиёсатига нисбатан мухолифлик деб баҳоланади.

Эркинликнинг ҳуқуқий асослари ва кафолатлари ҳақида гапирганда, икки муҳим масалага эътибор қаратиш лозим. Биринчи – “фуқаро – давлат – жамият” занжирида сиёсий мақсадга мувофиқлик ва эркинлик нисбати. Инсон ўз эркининг бир қисмини ихтиёрий равишда давлатга ёки жамиятга – маҳалла, диний жамоа, ўзи мансуб ноформал гуруҳга ўтказиши мумкин. Бундай ҳолда у жамоаси ёки давлат идораси талабига бўйсунуш мажбуриятини зиммасига олади. Лекин, иккинчи томондан, уни ҳеч ким бунга мажбур қилмайди. У ҳамма қатори умумий талабга ихтиёрий риоя этишга кўнган. Масала оддий эмас. Давлат тинчлик-осойишталик, миллий жипсликни таъминлаш, маҳаллийчилик, гуруҳбозлик, айирмачиликни бартараф этиш учун мухолиф кайфиятдаги шахслар, гуруҳлар ва партиялар эркинлигини қай даражада чеклаши мумкин? Эркинлик ва адолат, тенглик ва барқарорликдан қай бири муҳимроқ? Бу каби саволларга конкрет ижтимоий-сиёсий вазиятни ҳисобга олмай жавоб бериб бўлмайди. Фавқулодда вазият эълон қилинганда ёки мамлакат ташқи хавф остида қолганда, айрим эркинликлар чекланиши заруратга айланиши мумкин.

Иккинчи – эркинлик чегаралари масаласи. Эркинлик чегараларини мамлакат миқёсида давлат белгилайди. Бир шахснинг индивидуал ҳуқуқлари бошқа шахснинг ҳуқуқларига зиён келтирмаслиги лозим. Худди шу каби

инсон манфаатлари давлат манфаатларига, унинг хавфсизлиги, сиёсий барқарорлигига салбий таъсир қилмаслиги керак. Жамиятнинг маънавий-маданий ҳаёти – эътиқоди, диний ва дунёвий қарашлари, анъаналари, урф-одатлари, ахлоқи, адолат, нафосат меъёрлари, шахслараро, ижтимоий гуруҳлараро, табақалараро, элатлар, миллатлараро муносабатлар ҳам зарар кўрмаслиги зарур. Бу нафақат қонунлар орқали, шунингдек, ижтимоий фикр – одамларнинг муайян шахс хатти-ҳаракатларига, фаолиятига ва умуман жамиятдаги мавжуд муносабатларга баҳо бериши орқали ҳам тартибга солинади. Меъёрларда белгиланган чегара ичида шахс эркин, чегарадан ташқарида эркин эмас.

Маънавий тараққиётнинг тарихий босқичлари, унинг гуллаб-яшнаши ёки таназзулга учраши сабаб ва оқибатлари, бугунги аҳволи, истиқболини эркинлик категорияси ёрдамида чуқурроқ тушуниш мумкин. Уларнинг сабабларини ижтимоий омиллар белгилайди, албатта. Аммо мазмуни ва оқибатларини эркинлик категорияси очиб беради.

Социумнинг барча бирликларининг – алоҳида инсондан миллатгача – онги, эътиқоди ва дунёқараши, қадриятлари ва ижтимоий мўлжаллари эркинлик категорияси ёрдамида таҳлил қилинади, баҳоланади, кучли ёки заиф жиҳатлари аниқланади. Эркинликнинг қай даража ижтимоий мўлжалга, идеалга айлангани, қанчалик ижтимоий муносабатларда, хулқ-атворда, фаолиятда, ижодда юзага чиққани маънавий онг ва маданиятни, шахс, миллат иродасини, ижтимоий муҳитни ҳар томонлама тавсифлайди. Ўз навбатида, эркинлик категориясининг мазмуни ижтимоий онгнинг барча шакллари категориялари ва тушунчалари ёрдамида англаб олинади ва жамият яратган имкониятлар орқали юзага чиқади.

МУҲИДДИН РАҲИМ



RIZQ QIDIRGAN SARGASHTALAR

Яна бир бор қайғу-ла ёдга олайлик: шу йилнинг 18 январида Қozoғистоннинг Ақтўбе вилояти Ирғиз тумани ҳудудидан ўтувчи “Чимкент – Самара” автомобиль йўлининг 1068 километрида Setra русумли автобус тўсатдан ёниб кетди. Оқибатда Қozoғистон жанубидан Россиянинг Қозон шаҳрига кетаётган бу автобусдаги 57 кишидан фақат 5 нафари омон қолди, 52 киши ҳалок бўлди. Таассуфки, барча фожиа қурбонлари Россияга меҳнат муҳожири ўлароқ йўл олган Ўзбекистон фуқаролари эди. Эртаси куни Президент Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилояти фаоллари билан ўтказган йиғилиш Ақтўбе фожиасида ҳалок бўлганлар хотирасига бир дақиқа сукут сақлаш билан бошланди. Давлат раҳбари Ҳаким Термизий мақбара-сини зиёрат қилиш чоғида бундай мудҳиш воқеа юз беришида ҳукуматнинг ҳам айби борлигини эътироф этди. Шу ерда Ақтўбе фожиасида қурбон бўлган юртдошларимиз ҳақида ҳам дуо қилинди (<http://kun.uz/news/2018/01/20/savkat-mirziyeev-aktube-fozisining-asl-sabablarini-malum-kildi>). Сўнгра

давлат ҳалок бўлганларнинг оилаларига 8 миллион сўмдан товон пули тўлади.

Ақтўбе фожиасини меҳнат муҳожирилиги муаммоси туғдирди, демак, ҳукуматнинг бу фожиада ўзини айбдор деб тан олишини айна муаммода ҳам айбдорлигини эътироф этиши дея тушунмоқ керак. Шу боис ҳам ҳукумат нафақат Ақтўбе фожиаси каби мудҳиш воқеалар олдини олиш, балки меҳнат муҳожирилиги муаммосини ҳам ҳал этиш чораларини кўришга киришиб кетди. Энди айтинг, шундай бир вақтда жамият барча юкни ҳукумат елкасига ташлаб, ўзи бир четга чиқиб олса инсофдан бўладими?! Ахир, ҳукумат гарчи катта куч ва маблағга эга бўлса-да, жамиятнинг кичик улуши, холос-ку! Тамсил жоиз кўрилса, жамиятни денгизга, ҳукуматни тўлқинга қиёслаш мумкин. Ҳеч замонда тўлқин кучи денгиз қудратига тенг келолганми?! Демак, энди жамият, ҳукуматдан ибрат олароқ, Ақтўбе фожиасида ўзи ҳам айбдорлигини бўйнига олмоғи ва бу ёғига ҳукуматга камарбаста бўлиб, меҳнат муҳожирилиги муаммосини бартараф этишда жонбозлик кўрсатмоғи зарур.

Жамият, аввало, миллионлаб инсонлар тафаққурининг жамулжамидир. Демак, жамият меҳнат муҳожирлари муаммосини ечишни унинг юзага келиш сабабларию ҳозирги аҳволини батафсил таҳлил қилишдан бошламоғи лозим. Зеро, шундан сўнггина ушбу муаммони бартараф этиш йўллари ҳам аниқ-равшан намоён бўлади. Тўғри, Ақтўбе фожиасининг илк кунларида жамоатчилик фикри интернет тармоғида бир вулқондек портладик, буни тан олмай илож йўқ. Ўша муҳокамаларда юртдошларимиз аксар дардли ҳис-туйғуларини тўкиб солган бўлса-да, гоҳ-гоҳ жўяли фикр-таклифлар ҳам юзага қалқиб турди. Биз ҳиссиётлар ахийри тинади ва чин ақл мунозараси бошланади деб кутган эдик. Бироқ интернетдаги бу вулқон қандай тез портлаган бўлса, яна шундай тез сўнди-қолди. Ваҳоланки, жамоатчилик муҳокамаси меҳнат муҳожирлиги муаммосига энг мақбул ечим топилмагунича тўхтамаслиги лозим эди. Ушбу мақола ҳам, аслида, Ақтўбе фожиаси ортидан интернетни ларзага солган жамоатчилик муҳокамаси қайта жонланса деган илинж-ла битилаётир: ахир, гулхан аланга олмоғи учун аввал битта чўп ёнмоғи керак-ку!

Ўзим меҳнат муҳожирлиги муаммосини илк бор бутун вужудим билан 2006 йили ҳис этганман. Ўша йил кузақда оёнамни тупроққа бердик. Ҳар кун тонгдан шомгача таъзиягўй ҳамқишлоқларни кутиб-кузатамиз. Қуръон тиловати ва дуои хайрдан сўнг бир-икки оғиз ул-булдан сўзлашамиз. Мен Тошкенти азимда яшаб, қишлоқдан андак узилиб қолганман. “Фалончи омонми, жанозада кўринмади, таъзияга ҳам келмади”, деб сўрайман баъзилар ҳақида. “Россияда юрибди, ҳар йил қишда келади, баҳорда яна кетади”, деб жавоб беришади. Ўша мусибатли кунлар билдимки, қишлоқда эркак зотидан қари-қартангу мактаб болалари қолибди ҳисоби. Ҳатто баъзи аёллар ҳам хорижий юртларда юрибди экан...

Шундан сўнг меҳнат муҳожирлиги муаммоси ҳақида жиддийроқ ўйлай бошладим. Мени аввало “Қачон пайдо бўлди ўзи бу муаммо?” деган савол қийнарди. Рости, Совет даврида ҳам қишлоғимиз, умуман,

юртимиздан иттифоқдош республикалар, ҳатто хорижий давлатларга бориб ишлаб келувчилар бўлар эди. Тумандаги механизациялашган кўчма колоннада скрейпер ҳайдайдиган бир синфдошим



Россиянинг ноқоратупроқ худудларини ўзлаштиришга юборилгани эсимда. У ҳатто Иттифоқ аҳамиятига молик бу чўлқуварликка ўзбекистонликлар қўшаётган ҳиссага бағишланган телекўрсатувда бирров кўриниш бериб, икки оғиз сўз ҳам айтса бўладими! Шу тариқа “телеюлдуз”га айланиб, қишлоқда машҳур бўлиб кетган синфдошим Россиядан қайтгач, уни йўқлаб борган биз – дўстларини русларнинг қўлбола тuzланган қўзиқорини билан роса сийлаган эди. Кейинроқ Андижон давлат университетида домла бўлган кезларим эмас Яқин Шарқ мамлакатларидан бирида ишлаб қайтган арабшунос муаллим билан яқинлашиб кетдим. У ўша жазирама ўлкаларда сув иншоотлари барпо этаётган совет мутахассисларига таржимон қилиб юборилган экан. Собиқ Иттифоқда хорижга ишлагани жўнатилган кишиларга мўмайгина маош тўланар, айна чоқда, ўз юртидаги иш ҳақи ҳам сақланар эди. Ўша кезлар машина олиш учун одамлар йиллаб навбат кутар, энг зўр машина саналган “Волга” эгаси бўлиш эса бошга бахт қуши қўнишининг нақ ўзи эди. Хорижда ишлаб келганлар навбатсиз машина олиш ҳуқуқидан фойдаланиб, барчаси, одатда, кўзни куйдириб “Волга” миниб қайтарди. Қадрдоним бўлиб қолган ўша домла “Волга”сига жуда кўп харидор чиққани, ҳатто битта кенг-мўл ҳовли ва яп-янги “Жигули”га алмаштириш таклиф қилинганини қайта-қайта сўзлаб берар эди. Бу тоифа кишиларни, албатта, меҳнат муҳожирлари деб бўлмасди. Улар, ўша давр тили билан айтганда, “командировкачи”лар, яъни

иттифоқдош республикалар ёки хорижий давлатларга меҳнат сафарига юборилган кишилар эди.

Меҳнат муҳожирлиги СССРнинг парчала-ниши ва мустақил Ўзбекистон барпо топиши билан пайдо бўлди. Собиқ Марказ иттифоқ-дош республикалар иқтисодиёти киндигини бир-бирига шу қадар чандиб юборган экан-ки, улар суверен давлатлар ўлароқ ўз қозо-нини ўзи қайната бошлагач, ўша сиёсатнинг салбий оқибатлари дарров кўринди-қолди. Шу ва яна баъзи сабабларга кўра, ўтиш дав-рининг илк йилларида миллий иқтисодиёти-мизда пасайиш юз берди. 1996 йилга қадар давом этган иқтисодий буҳрон сабаб ишсиз-лар сони ортди, иш ҳақи пасайди, пулнинг қадрсизланиши кучайди, хуллас, аҳолининг яшаш аҳволи ёмонлашди. Ўзим ўша оғир даврни эсга олсам, ҳар гал бир манзара кўз олдимга келавиради. Мен – Андижон давлат университети муаллими ҳар куни ишга пиёда қатнар (беш чақирим масофага-я!), бунинг сабаби эса... танани чиниқтириш, соғлиқни мустаҳкамлаш бўлса қани – йўқ, шунчаки камхаржлик эди. Чўнтагида дипломи бор, иши тайин мендек одамнинг ҳоли шу бўлса, аҳволи мундайроқ бошқаларники-чи?..

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, бун-дай танг шароитларда кишилар нажотни чет-дан – иқтисоди бақувватроқ мамлакатлар-дан қидира бошлайди. Бунга ўтган асрнинг 60-йилларидаги Туркияни мисол қилиб кел-тириш мумкин. 1961 йилда бу давлат фуқаро-лари илк бор хорижга эркин чиқиш ҳуқуқи-га эга бўлдилар. Шундан сўнг турк ишчи ку-чининг Ғарбий Европадаги ривожланган дав-латларга оммавий миграцияси бошланди. Тадқиқотчилар фикрича, Туркиядаги меҳнат муҳожирлиги муаммосига ҳам айнан бизни-кидек омиллар сабаб бўлган.

Энди яна диёримиз – Ўзбекистонга қайт-сак. Биздаги меҳнат муҳожирлиги муаммо-сида моддий жиҳат билан бирга маънавий жиҳат ҳам муайян роль ўйнади. Маълум-ки, Совет давлати фуқароларнинг моддий бойликка интилишига тиш-тирноғи билан қаршилиқ қилди, шундай интилиши бор ки-шиларни эса “мешчан” деб ёмонотлиқ этди. Бу сиёсат ўтган асрнинг 80-йиллари охири-

гача – хусусий мулкчиликка таянган бозор иқтисодиётига ўтилгунгача давом этди. Янги иқтисодий сиёсат шу вақтгача маънавий бойликка интилиш олдида ҳадеб камси-тиб келинган моддий бойликка интилишга, ниҳоят, ўз ҳақ-ҳуқуқини қайтарди. Горбачев ҳукумати шу тариқа маънавий ва моддий бойлик ўртасида тенглик – мувозанат яра-тиб, СССР ривожига янги туртки бермоқчи эди. Бироқ кутилганидек бўлиб чиқмади, кўп-чилик одамлар моддий бойлик васвасасига берилиб, маънавий бойликни мутлақо уну-таёзди. Дунёга эндигина очилган мустақил Ўзбекистондан меҳнат муҳожирлари хорижга гуррас-гуррас йўл олишида шу маънавий та-наззул таъсири ҳам бор эди, албатта.

Совет даврида “Тенглар ичра тенгмиз!” дея кўкракка ҳар қанча урган бўлсак-да, ас-лида ҳеч ҳам бунақа эмас эди. Дейлик, иқти-содий аҳолимиз СССРнинг ўзак республи-каси – Россияниқидан хийла ночор эди. Пост-совет даврида ҳам Россиянинг жонига нефть ва газ экспорти ора кириб, қадди бизникидек букилиб қолмади. Ўз ризқини ўзга юртлардан теришни ният қилган ҳамюртларимиз кўзи-га, табиийки, аввало шу Россия жозибадор кўринди. Сўнг эса улар иш излаб йўл олган мамлакатлар жуғрофияси кенгайди...

Мана, юртимизда меҳнат муҳожирлиги муаммосининг юзага келиш сабабларини бир нави аниқлаб олдик. Эндиги навбат – муаммонинг ҳозирги аҳволи қандайлигини таҳлил қилишга! Бунинг учун эса бир неча саволга жавоб топиш тақозо этилади. Илк савол: хўш, бугун қандай эҳтиёжлар юрт-дошларимизни ўзга мамлакатларга бориб ишлашга мажбур этмоқда? Ўзбек меҳнат муҳожирларини, шу нуқтаи назаридан, бир неча тоифага бўлиш мумкин. Биринчи тоифа – юқори ақлий салоҳият ва касбий малақа-га эга юртдошларимиз. Улар учун иш ҳақи-дан кўра ўз имкониятларини юзага чиқариш муҳимроқ. Бу тоифа юртимизда ўзи учун ку-лай муҳит тополмагани сабаб чет элларга чиқиб кетаётир. Иккинчи тоифа – ишсиз юр-ган ва иш топишдан ноумид бўлган кишилар. Уларни бундайроқ маош ҳам қониқтириши мумкин, аммо шу маошни берадиган кор-хона-ташкilotнинг ўзи йўқ. Учинчи тоифа

– ишлаб турган-у, бироқ маошидан қониқмаётган ҳамюртларимиз. Улар бугун олаётган маоши билан катта орзу-ҳавасларини рўёбга чиқара олмаслигидан норози. (Биз “катта орзу-ҳаваслар” деганда уй қуриш, тўй қилиш, машина олиш, фарзандини ўқитишни назарда тутаётирмиз.) Тўртинчи тоифа – иши тайин, маоши дуруст, катта орзу-ҳавасларини ҳам бир нави рўёбга чиқараётганлар. Бироқ улар истак ҳар доим имкондан олдин юради деган қонуниятга кўра, моддий жиҳатдан янада бақувват бўлишни хоҳлайди. Бешинчи тоифа – худди биринчи тоифадек, пул дебгина ўзга элларга кетмаётган ҳамюртларимиз. Улар орасида романтик табиатли, саргузашталаб ёшлар бор: шу баҳонада дунё кезса, саёҳатга чанқоғини қондирса. Носоғлом оилавий муҳитдан безиб, дейлик, хотинининг ғиди-бидиларидан тўйиб ўзга юртларга равона бўлаётганлар ҳам шу сирада. Бу тоифа орасида яна бошқа эҳтиёжлар сабаб хорижга кетаётганлар ҳам бўлиши мумкин. Ва ниҳоят, олтинчи тоифа – чет элга жиний мақсадда йўл олганлар. Улар ўз юртида одам йиғиб, чет элда сотиб юборади – қулжаллоблик қилади. Ё бўлмаса, ўз ҳамюртларини уриб-қўрқитиб тунайди – рэкет қилади. Ҳатто террорчига айланиб, беғуноҳ одамлар қонини тўқади. Булар, аслида, меҳнат муҳожирлигини ниқоб қилиб олган, холос.

Галдаги савол: хўш, ҳозирда қанча ўзбек меҳнат муҳожирлари чет элларда юрибди? Ташқи меҳнат масалалари бўйича агентлик маълумотларига кўра, бугун хорижда меҳнат қилаётган ўзбекистонликлар сони 3 миллиондан кўпроқни ташкил этади. Уларнинг энг салмоқли қисми Россияда бўлиб, шу мамлакат Ички ишлар вазирлиги гувоҳлик беришича, улар 1,7 миллиондан зиёдроқдир. Ўзбек меҳнат муҳожирлари, шунингдек, АҚШ, Жанубий Корея, Туркия, Биришган Араб Амирлиги ва... Ҳатто Қозоғистонда талай.

Булар Ўзбекистондан ўша юртларга легал ва нолегал чиқиб кетган кишилардир. Хорижга легал, яъни давлат йўли билан чиқётганлар ҳаёти, меҳнати, маоши кафолатланган. Бундай муҳожирларнинг ҳам гарчи айрим муаммолари бўлса-да, ҳарқалай улардан кўнглини тўқ қилсак арзийди. Аммо

хорижга нолегал, яъни ўз ихтиёрича чиқётганлар, таассуфки, бундай кафолатга эга эмас. Ваҳоланки, ўзбек меҳнат мигрантларининг асосий қисмини шундай нолегаллар ташкил этади. Демак, меҳнат муҳожирлиги муаммоси, аввало, шу тоифа ҳамюртларимизга тааллуқли.

Бундан эса яна бир савол келиб чиқади: хўш, хорижга нолегал чиқётган ҳамюртларимизнинг аҳволи қандай ўзи? Ақтўбе фожиаси ўзбек меҳнат муҳожирлари ўзга юртга етиб олгунча йўлда нечоғли заҳмат тортиши, ҳатто ҳалокатга йўлиқиши мумкинлигини кўрсатди. Салкам 60 киши юк-пуки билан санжобланган ўша эски автобус оғир бемор каби ҳарсиллаб аранг илгарилаб бораётгани сира кўз олдимдан кетмайди. Оқибат шу бўлдики, носоз автобус ярим йўлдаёқ бузилди. Бошқа автобус келишини кутиб салонда совқотиб ўтирганлар кавшар ускунаси ёрдамида озроқ исинмоқчи бўлди. Шунда кимдир оғзини очиқ қолдирган уч литрлик идишдаги бензин қўққис аланга олди. Ва ҳамюртларимиз зичлаб ёпилган эшикларни очишга улгуролмай тириклай ёниб кетди. Автобус ёниб кетмаганда ҳам Қозонга беғалва етиб олиши душвор эди: йўлда неча марта тўхтатилар, юртдошларимиз неча бор чўнтак кавлар, қанча-қанча нокасининг ҳаром луқмага зор ҳалқумини мойларди.

Ватандошларимиз ўзга юртга бориб даров иш топади, деган гап ҳам – хомхаёл. Мен келаси йил 60 га тўламан, пенсияга чиқаман. Бир неча синфдошим бугун шу ёшида Россияда юрибди. Улардан бири узоқ йили қизини турмушга узатиб, ортига қайтди. “Бормай қўяверсангиз бўлмайдими ўша Россиясига?” дедим у билан хайрлаша туриб. Дўстим “Бўлмайди-да”, дегандек маънос бош чайқадию алам билан сўзлади: “Рости, у ерда бизга ҳеч кимнинг кўзи учиб тургани йўқ. Иш топишининг ўзи қанчалик машаққат эканини билсангиз эди!..”

Меҳнат муҳожирлари иш топган тақдирда ҳам оғир шароитларга рўбарў қилинади. Шу ўринда интернетда ўқиганим бир мақола ёдимга тушди. Унда Жанубий Кореяда олий таълим олишни орзу қилган бир йигит бор дардини тўкиб солган. Қаҳрамонимиз бундан

олдин ота-онамга озроқ ёрдам қилай деб Россияга йўл олади. Ҳамроҳ қишлоқдошлари билан бир мебель корхонасидан иш ҳам топади. Бироқ... “Биз ҳар куни 12 соат ишлаймиз. Маҳаллий ишчилар эса – 8 соат. Аммо қўлимизга тегадиган маош уларникидан оз, – деб ёзғиради йигит. – Дам олиш кунлари ҳам ишга ҳайдашади. Нега бундай, деб савол берсак, планни бажариш керак, деб дўқ уришади...”

Қул қилиб сотилиб, текин ишлаб юрганлар ҳоли аён! Аммо қул қилиб сотилмаганлар ҳам иш ҳақини осон ололмайдилар. Яна ўша синфдош дўстим сўзларига қулоқ тутаман: “Бир одам каттагина пайкалга картошка эктирган экан. Ҳосилни йиғиб олгани аёллар ва болаларни ёллабди. Мени ана шулар устидан бригадир қилиб қўйди. Вазифам – картошкани нест-нобуд қилмай тердириш, сўнг тарозидан ўтказиб, омборга киритиш. Иш охирлаб, ҳақимни оладиган пайт етганда олдимга икки киши келди. “Беш-олти қоп картошкани хўжайиндан бекитиқча арзонроқ сотсанг”, деб “илтимос” қилди. Мен кўнмадим, йўқ, хўжайиндан қўрққаним учун эмас, худодан қўрққаним учун! Кейин билсам, уларни хўжайиннинг ўзи ёллаган экан. Мени “жиноят” устида қўлга тушириб, бир тийин ҳам бермай ҳайдаб соламан, деган-да, беномус...”

Меҳнат муҳожирларининг иш шароити каби, яшаш шароити ҳам аксар ёмон. Яна интернетда чоп этилган бир мақолани эсга олсам. Ундан ёзилишича, икки хонали квартирада йигирматача муҳожир – эркак, аёлу болалар аралаш яшар экан. “Кечаси оёқни узатиб, бир нави мизғиб олсак, шунинг ўзи кифоя”, дейди ўша ижарадошлардан бири.

Меҳнат муҳожирлари ўрисчасига “облава” деб аталувчи “ушла-ушла”ларга ҳам тез-тез учраб туради. Бундай тadbирлар ҳамюртларимиз учун иккиёқлама зиён: бир тарафдан, вақт йўқотади, сарсон қилинади, шаъни ерга топталади; иккинчи тарафдан, чўнтак кавлашга, пора беришга мажбур бўлади. Гоҳо “тартиб посбонлари” уларнинг пул ва буюмларини ошкор тортиб олиши ёки пинҳон ўмариб кетиши ҳам мумкин. Масалан, хорижий манбалар тарқатган хабарга кўра, шу йил

26 апрель куни субҳидамда қора кийимига ОМОН ва СОБР ёзуви битилган, юзига ниқоб тақиб, қўлида автомат, тўппонча ва дубинка тутган кишилар Москва шаҳрининг Павелецкая Набережная кўчасидаги “Мосгорстрой” қурилиш ташкилотида ишловчи 600 нафар ўртаосиёлик, белоруслик ва арманистонлик меҳнат муҳожирлари истиқомат қилаётган ётоқхонага бостириб кирган. Улар бу вақтда уйқуда бўлган ишчиларни туртиб-суртиб ўринларидан турғизиб, оёқланг ва энгил уст-бошда ётоқхонадан ташқарига ҳайдаган ва 6 соат давомида совуқ ҳавода, ёмғир остида ушлаб турган. “Тартиб назоратчилари” кетгач, меҳнат муҳожирларининг умумий ҳисобда ярим миллионга яқин рубли (8 минг 658 доллари), тилла ва қимматбаҳо буюмлари йўқолгани, ҳатто баъзиларининг ҳужжатлари ғойиб бўлгани аниқланган (<https://www.bbc.com/uzbek/uzbekistan-43941574>).

Булар ҳам етмагандек, яна маҳаллий аҳоли орасида меҳнат муҳожирларига хушламай қарайдиганлар бор. Ҳатто айрим ваҳшийроқлари уларга ҳамла қилиши ҳоллари ҳам учрайди. Хуллас, меҳнат муҳожирининг қисмати энгил эмас...

Шундай машаққатларга қарамай, юртдошларимиз, барибир, хорижга интилишдан тўхтаётгани йўқ. Тўғриси, улар кўражак фойдаси ҳаққи тортажак заҳматига рози бўлаётир. Хўш, юртдошларимиз ўзга элларда меҳнат қилишидан уларнинг ўзи, қолаверса, жамият ва давлатимиз қандай нафу зиёнлар кўрмоқда? Дастлаб фойдадан сўз очайлик.

Биринчи наф: юксак интеллектуал салоҳият ва касб-кор малакасига эга бир қанча ватандошларимиз дунёнинг юксак ривожланган мамлакатларида ўз имкониятларини тўлиқроқ юзага чиқаришга муваффақ бўлаётир. Тан олишимиз керак, дейлик, Google компанияси ёки Cambridge университети уларга тақдим этаётганидек шарт-шароитлар ҳозирча бизнинг корхона ёки олийгоҳларимизда мавжуд эмас. Бугун хорижда юрган интеллектуалларимизни юртга қайтишга даъват этиш зарур, албатта. Бу даъватга лаббай деб жавоб берганларга эса барча шароитлар яратилмоғи ҳам даркор. Бироқ юртга қайтмаганларга “Сиз – ватанпарвар

эмассиз!" дея маломат тоши ёғдиришдан тийилган дуруст. Чунки Ватан худди она ка-бидир. Она эса фарзандига фақат бахт соғи-нади! Балки улар ўз бахтини ҳозир ўша юрт-ларда кўраётгандир! Демак, халқ уларни дуо қилиши ва қайтишига умид боғлаши керак. Эҳтимол, бу қоракўзлар хорижда обдон пи-шиб, бир кун Ватанга қайтар ва, худди Хитой ва Ҳиндистонда бўлганидек, янги миллий мактаб ва йўналишларга асос солар!

Иккинчи наф: россиялик экспертлар ҳисоб-китобига кўра, бу мамлакатдаги ўз-бек меҳнат муҳожирларининг ойлик маоши ўртача 500 АҚШ доллари атрофида экан. (<https://rusbukhara.uz/2017/08/15/skolko-zarabatyvayut-trudovye-migranty-v-rf/>). Улар ўз кундалик эҳтиёжларидан ошириб, Ўзбекис-тонга шунинг ярмини юбораётган бўлса ҳам, қанча-қанча оилаларимизга ҳар ойда салмоқлигина пул келиб турибди. (Мигрант. news.Tj, Россия Марказий банки маълумоти асосида тайёрлаган инфографикага кўра, 2017 йилда ватандошларимиз бу мамлакат-дан Ўзбекистонга 3 миллиард 902 миллион АҚШ доллари жўнатган). АҚШ, Жанубий Ко-рея, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари каби мамлакатлардаги меҳнат муҳожирлари ишлаб топаётган ва уйга жўнатаётган пул ҳам озмунча эмас. Бу маблағлар, бир томон-дан, меҳнат муҳожирлари оилалари бюдже-

тини мустақамлаётган бўлса, бошқа томон-дан, Ўзбекистоннинг валюта тушумига ҳам барака киритаётир. Муҳожирлар оилалари бу ерда ўз меҳнати билан тирикчилигини ўтказиб, хориждан келган пулни эса жамғар-япти ва катта орзу-ҳавасларга сарфляяпти – тўй қиляпти, уй қурыпти, машина оляпти, фарзандларини ўқитяпти. Мен андижонлик бир оилани биламан. Эр-хотин Россияда ишлайди. Ҳар ой ота-онасига пул жўнатади. Ота-она пулни сандиққа солиб, сақлаб бера-ди. Эр-хотин икки-уч йилда бир Андижонга келади. Бир гал келганда "Матиз" харид қи-лишди. Кейинги гал – икки хонали квартира. "Матиз" ҳам, квартира ҳам ижарага берилди – хуллас, мулк бекор тургани йўқ, мўмай пул топяпти.

Учинчи наф: баъзи ҳамюртларимиз (улар орасида ёшлар кўпроқ) хорижда бирор янги касб ёки ҳунарли бўляпти. Масалан, АҚШда бир неча йил ишлаган йигитни танийман. У – аслида, логистика бўйича олий маълумот-ли мутахассис. Уммонорти мамлакатидан эса ландшафт дизайнери ҳам бўлиб қайтди. У ҳозирда шу соҳага оид ўз бизнесини йўл-га қўйган. Мен бу йигит яратган лойиҳалар-ни кўриб, тузуқкина диди бор экан-ку, деган хулосага келганман. Бугун у дизайнерлик билан банд, эртага эса логистикаси асқатар балки...



Тўртинчи наф: ўзбек меҳнат муҳожирлари, айниқса, уларнинг ёшроқлари хориждан руҳан тобланиб қайтмоқда. Дунё экспертлари фикрича, меҳнат муҳожирлари инсон ҳуқуқлари энг кўп паймол қилинадиган тоифа ҳисобланар экан. Демак, улар ҳар дақиқа бирор хавф-хатарга дуч келиши мумкин. Ёшлар ўз юртида кўпроқ ота-она ҳимоясида бўлса, ўзга юртларда ўзигагина ишонишга мажбур. Шу тариқа уларда мустақиллик кўникмаси шаклланади, иродаси тобланиб чин эркакка айланади. Хуллас, машҳур ибора билан айтганда, мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмайсан...

Энди зиёнларга тўхталсак. Биринчи зиён: мен боя юксак интеллектуал салоҳият ва касб-кор малакасига эга кўплаб юртдошларимиз ўз имкониятларини тўлиқ юзага чиқариш учун хорижда барча шароитларга эга бўлаётгани фойдалидир, дедим. Бирок, умуман олганда, “ақлларнинг сизиши” донор жамиятлар истиқболи учун муқаррар зарар саналади. Яна, бу тоифа учун моддий жиҳат номуҳим бўлмаса-да, маънавий жиҳат муҳимроқ деб айтдим. Хўш, Ватанни тарк этишга уларни мажбур қилаётган маънавий сабаблар қандай ўзи? Шахсий кузатишларимга кўра, бу тоифа ўз вазифасига ижодий муносабатда бўлишга интилади. Бу интилишни эса бошқа хизматдошлар, ҳатто раҳбарлар ҳам кўпда хушламайди – ахир, ортиқча дахмаза кимга ҳам ёқарди?! Энг ёмони, бундай мутахассислар зиммасига, қўлидан иш келади деб, ўзга ходимлар юки ҳам ортиб қўйилади. Ёш ҳамкасбим бир дўсти ҳақида сўзлаб берган ҳикояга сиз ҳам қулоқ осинг. Ўша йигит магистрлик дипломини қўлга олгач, бообру бир вазирликка ишга юборилади. У янги иш бошлаган бўлинмада бошлиқдан ташқари ўн нафар ходим бор экан. Шулардан саккизтаси казо-казоларнинг ўғил ва жиянлари бўлиб, савлат тўкиб юришдан бошқасига ярамасмиш. Орқасида суянгудек тоғи йўқ – бизнинг ўша йигиту яна бир ходим экан, холос. Бошлиқ ҳам шу иккисининг бурнини ерга ишқалаб ишлатар, анови саккизтасининг юкини ҳам уларга кўтартирар экан. Боёқиш бу жабр-ситамларга икки йилча чидаб берибди-ю, кейин бор-эй деб хорижга

чиқиб кетибди. Ҳозир ўша йигит Германияда – ишидан ҳам, турмушидан ҳам мамнун!

Иккинчи зиён: юқорида, расмий маълумотларга кўра, 3 миллиондан зиёд фуқаромиз чет элларда меҳнат қилмоқда, деб айтдик. Табиийки, уларнинг ҳар бири ўша мамлакатлар хазинасига солиқ тўлайди. Мана сизга бир мисол: учинчи минг йиллик арафасида АҚШда 13 миллион меҳнат муҳожирлари бўлган. Улар бир йилда 240 миллиард доллар ишлаб топган. Айни чоқда, давлатга 90 миллиард доллар солиқ тўлаган. Мисолдан мурод шуки, хорижда меҳнат қилаётган юртдошларимиз ўзга давлатлар хазинасига жарақ-жарақ пул туширяпти-ю, ўз давлатимиз хазинасига ҳемири ҳам тўламаяпти. Оқибатда, меҳнат муҳожирлиги муаммосидан давлат бюджети сезиларли зарар кўраётир. Ваҳоланки, бу солиқ тўловлари Ватан тараққиётига сезиларли туртки берган бўлармиди!

Учинчи зиён: меҳнат муҳожирлиги муаммоси оилаларимиз бутунлигига раҳна солмоқда, фарзандлар тарбиясига салбий таъсир этмоқда. Эр Россияда, хотин эса Ўзбекистонда: бир йилда бир кўришиш бор, бўлмаса шу ҳам йўқ. Оқибатда, ўз юртида хотини бўлатуриб, ўзга диёрда бегона аёлга илакашиб қолаётган эркаклар каби, ўзга юртга эрини жўнатиб, бу ерда бегона эркакка илакишиб қолаётган аёллар ҳам учрамоқда. Азал-азалдан энг жирканч иллат деб қаралган зино учун тарихда мисли кўрилмаган “эшик” очилаётир. Қолаверса, фарзандлар тарбияси оналарнинг ўзигагина қолаётирки, бунинг салбий оқибатлари ҳозирданоқ сезилмоқда. Одатда, она меҳрибонроқ, ота эса қаттиққўлроқ келади. Отасиз улғаяётган болалар... бебошроқ бўлиб қолаётгани рост-ку!

Тўртинчи зиён: республикамиз аҳолиси, айниқса, қишлоқ одамлари орасида чет элга бориб ишлаш “бренд” тусини олмоқда – инсоннинг ижтимоий мавқеи, ажабки, шу омил асосида белгиланаётир. Шундай қараш пайдо бўлдики, унга кўра, қайси оиладан бирор киши Россия ё бошқа хорижий мамлакатда ишлаётган бўлса, демак, шу оила ўзига тўқ. Бу “меъёр” баъзи ҳудудларда қуда тутиниш – қиз олиб, қиз беришдек нозик муносабатлар соҳасига ҳам аллақачон кўчиб ўтди. Бир

газета шу мавзуда қизиқ мақола чоп этди (“Green Card”ни дастак қилган ўғриллар. “Инсон ва қонун” газетаси, 2018 йил 19 июнь сони). Мақола муаллифи – жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти Иштихон тумани суди раиси Темур Алмаматовнинг ёзишича, бир ота танишидан “Менга “Green Card” ютган қиз топиб бер, ўғлимни унга уйлантириб, Америкага жўнатаман”, дея илтимос қилади. Таниши эса бир қизнинг номига “Green Card” ютгани ҳақида инглиз тилида сохта ҳужжат тайёрлаб, ўша отанинг ўғли билан бошини қовуштириб қўяди. Бироқ кўп ўтмай келин боёқишнинг “Green Card” ютгани ёлғон бўлиб чиқади-ю, фириб қурбонига айланган ота ўз “хизмат”и учун ўн миллионлаб сўм ширинкома олган ўша танишини судга беради... Хуллас, инсоннинг ижтимоий мавқеини бундай белгилаш хато, демак, шу ерда маънавий ўпирилиш бор. Бунга қарши маърифий йўл билан курашилмаса, аҳвол янада ёмонлашиши ҳеч гап эмас.

Бешинчи зиён: кўп йиллардан буён ўзга мамлакатларда ишлаётган юртдошларимизда руҳий иккиланиш пайдо бўлмоқда. Улар ботинан икки “мен”га ажралган-у, орада тўхтовсиз баҳс кечади. Бундай ҳамюртларимиз ўз юртидан буткул узилмагани ҳолда ўзга юртга ҳам тўлиқ сингишмаган. Оқибатда ўзга юртда ўз юртини кўмсаса, ўз юртида ўзга юртни кўмсайди – қанчалик шошиб келса, шунчалик шошиб қайтади.

Олтинчи зиён: баъзи меҳнат муҳожирлари юртимизга хориждан турли юқумли касалликлар ташиб келяпти. Мен фақат биттасини тилга олмоқчиман, холос. Москва шаҳар соғлиқни сақлаш департаменти мутасаддиси Алексей Хрипуннинг 2017 йил 5 сентябрдаги баёнотига кўра, Россия пойтахтида 40 минг нафар ОИТСга чалинган бемор рўйхатга олинган. Бу бедаво дардга мубтало бўлганлар орасида меҳнат муҳожирлари ҳам анчагина. Мулозим ОИТСга чалинган меҳнат муҳожирларини Россия Федерациясидан дарҳол депортация қилишни маслаҳат беради (<https://www.novayagazeta.ru/news/2017/09/05/135031-glava-departamenta-zdravooxraneniya-moskvy-predlozhi-deportirovat-migrantov-s-vich>).

Еттинчи зиён: баъзи меҳнат муҳожирлари ўзга юртларга ўз оёғи билан кетиб, темир тобуда қайтяпти. Экспертлар фикрича, уларнинг ўлимига, аввало, турли касалликлар сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, Ақтўбеда юз берганидек, автомобиль ҳалокатлари ҳам кўплаб одамнинг ёстиғини қурифтаётир. Хавфсизлик техникасига риоя қилмаслик муҳожирлар ўлимига яна бир жиддий сабабдир. Миллатчи тўдалар ҳужумидан ҳам ҳар йили қанча-қанча йигитлар ҳаётдан кўз юммоқда. Турли миллатга мансуб меҳнат муҳожирлари ўртасидаги низолар ҳам бот-бот ўлим билан тугайди. Ва ниҳоят, фавқулудда вазиятлар оқибатида яна талай меҳнат муҳожирлари нобуд бўлади. Россия ҳудудида ҳар йили тахминан минг нафар Тожикистон фуқароси ҳалок бўлаётир, деб ёзади Интернет сайтиларидан бири (<http://www.news.tj/ru/news/sudba-migranta-bilet-v-odin-konets>). Бу сатрларни ўқир экансиз, беихтиёр ўйга толасиз: Ўзбекистон фуқароларидан-чи?..

Ниҳоят сўнгги, энг муҳим савол: хўш, меҳнат муҳожирлари муаммосини ҳал этиш йўллари қандай? Бу хусусда сўз борганда, аввало, ҳаёлга янги иш ўринлари яратиш келади. Менимча, эски иш ўринларини сақлаб қолиш бундан ҳам муҳимроқдир. Президент Шавкат Мирзиёев шу йил 17 март куни Самарқанд вилояти фаоллари билан ўтказган йиғилишда шу масала ҳам ўртага қўйилди. Вилоятнинг Булунгур туманида ўтган йили 136 та янги кичик бизнес субъекти ташкил этилиб, 120 таси тугатилган. Қўшработ туманида бу нисбат 40тага 37тани ташкил этган. Жомбой туманида эса иш бутунлай орқага кетган. Туманда 99та янги кичик бизнес субъекти ташкил этилиб, 103таси тугатилган (<https://m.kun.uz/uz/news/2018/03/18/odamlarni-is-bilan-taminlaj-olmajdigan-vazirkerak-emas-uzbekistonda-angi-vazirlik-pajdobuladi>). Ҳар бир кичик бизнес субъектининг тугатилиши, ахир, бир неча киши ишсиз қолишини ҳам англади! Тўғри, рақобатга бардос беролмаган корхоналарнинг синиши, шунинг оқибатида муайян иш ўринлари бой берилиши – объектив қонуният. Агар рақобат ҳалол йўлга қўйилган бўлса, бунга ким ҳам эътироз қила оларди, дейсиз?! Аммо рақо-

батдан ҳалоллик сиқиб чиқарилса, дейлик, баъзи тадбиркорларга коррупция йўли билан монопол “имтиёз” ҳада этилса-ю, уларнинг рақиблари синдирилса – корхоналар фаолияти тўхтатилиб, ишчилар ёппа бўшатирилса-чи? Буниси энди субъектив “қонуният” дирки, унга эътироз билдиришга ҳаққимиз бор. Хуллас, шундай нопок ўйинлар сабаб иш ўринлари йўқотилишининг олдини олиш бирламчи вазифадир.

Иккинчи вазифа – янги иш ўринлари яратишдан иборат, албатта. Мен барчага аён ҳақиқатлар – иш ўринларини тадбиркор яратиши, у фаолиятини кенгайтирсагина янги ишчилар ёллаши, банкдан мақбул фоизларда кредит кўтарсагина фаолиятини кенгайтириши ва ҳоказолар ҳақида сўзлаб ўтирмайман. Дунё тажрибасига кўра, бугун иш ўринларининг кўпроқ қисми кичик ва ўрта бизнес ҳиссасига тўғри келади. Ўрта бизнесни қўйиб турайлик-да, биргина кичик бизнесни олайлик. Бир киши бодроқ пишириб сотса (қонун меъёрлари ва санитария қоидаларига мувофиқ, албатта), бу ҳам – кичик бизнес. Шу билан ўша одам, жиллакурса, ўзига иш ўрни яратади. Лекин совет давридан мерос боқимандалик кайфияти тарк этмаганиданми, бизда ҳали-ҳануз тадбиркорлик ҳисси сустроқ. Бу ҳисни кучайтирмақ учун эса ҳар бир юртдошимиз, аввало, тадбиркорлик асосларидан бохабар этилмоғи лозим. Бизда нега болалар мактабда тадбиркорлик асослари билан таништирилмайди? Нега мактабларнинг ўзи ўқувчилар ёрдамида тадбиркорлик билан шуғулланмайди?

Учинчи вазифа – ҳамюртларимиз хорижий мамлакатларда легал ишлаб келиши учун имкониятларни кенгайтириш – ортиқча ишчи кучини экспорт қилиш юзасидан шартномалар пакетини кенгайтириш керак. Бугун элчиларимиз олдига улар фаолият юритаётган мамлакатларга Ўзбекистон маҳсулотлари экспортини кўпайтириш муҳим вазифа қилиб қўйилмоқда. Шу сирага юртимизда ортиқча бўлган ишчи кучини экспорт қилишни ҳам қўшиш мумкин эмасми?!

Тўртинчи вазифа – хорижий мамлакатларга ишлаш учун кетаётган ҳамюртларимиз манзилга соғ-саломат, безиён-безаҳмат

етиб олсин. Ақтўбеда юз берганга ўхшаш даҳшатли воқеа минбаъд қайтарилмасин. Хайриятки, ҳукумат бу борада дарҳол зарур чора-тадбирлар кўра бошлади. Чунончи, 2018 йил 5 мартда ўзбек меҳнат муҳожирларининг хорижга чиқиш вақтидаги хавфсизлигини таъминлаш юзасидан Президент қарори имзоланди. Қарорга мувофиқ, меҳнат муҳожирларига бир қатор имтиёзлар берилмоқда. Улар энди банкда валюта ҳисобини очиши ва махсус “VIZA-migrant” карталарига эга бўлиши, поезд ва самолётларга билетни 20 фоизгача чегирма билан харид қилиши, сафар харажатларини қисман қоплаш учун давлатдан йилда бир марта 300 минг сўм миқдорида беғараз ёрдам олиши мумкин. Бундан ташқари, ўзбек меҳнат муҳожирларини, дейлик, Россияга техник жиҳатдан мутлақо соз ўз автобусларимизда элтиб қўйиш чора-тадбирлари ҳам кўрилмоқда. Демак, бундан буён хорижга иш излаб кетаётган юртдошларимиз йўлда хавф-хатардан холи бўлади, дея кўнгилни хотиржам қилсак ярашади. Бироқ энди, дейлик, Россияга соғ-саломат етиб олган меҳнат муҳожирларимиз у ерда дуч келадиган бошқа муаммоларни ечишга бел боғламоғимиз лозим. Ўғни, хорижга чиққан ҳар бир фуқаромиз ўзига муносиб иш топсин, мақбул шароитларда меҳнат қилсин, маоши ҳам вақтида қўлига тегсин. Уларнинг ётоқхоналари эса, озроқ даражада бўлса-да, санитария талабларига жавоб берсин. Ҳамюртларимизни қабул қилган мамлакатларнинг давлат органлари уларга асло камситувчи муомалада бўлмасин. Ўзбек мигрантларининг маҳаллий аҳоли ва бошқа миллатларга мансуб меҳнат муҳожирлари билан муносабати ҳурмат асосига қурилишига эришилсин.

Бешинчи вазифа – ҳар бир юртдошимиз ўзга диёрларга бирор касб-хунарни иложи борича пухта ўрганиб борсин. Бу, бир томондан, иш топишда қулайлик туғдирса, бошқа томондан, мўмайроқ ҳақ олишни кафолатлайди. Россия экспертларининг фикрича, бу юртдаги меҳнат муҳожирларининг 51 фоизи қурилиш-таъмирлаш, 33 фоизи хизмат кўрсатиш, 16 фоизи йўловчи ва юк ташиш соҳаларида ишлар экан. Демак, ортиқча ишчи

кучимизни шу касб-хунарларга ўргатувчи текин ёки арзон курсларга жалб этмоқ лозим. Дарвоқе, ушбу мақола ёзилаётган вақтда давлатимизнинг ташқи меҳнат миграциясига масъул идораси бу борада амалий ишларни бошлаб юборгани ҳақида хабар олдик.

Олтинчи вазифа – ўзбек меҳнат муҳожирлари ўзга юртларда ишлаб топган маблағини миллий иқтисодиётимизга сармоя қилиб киритишига эришмоқ, бунинг учун эса уларни рағбатлантирувчи механизмни излаб топмоқ жоиз. Тўғри, ҳозирда ҳам худди шундай иш тутаётган юртдошларимиз бор. Масалан, ўзим Жанубий Кореяда ишлаб келган бир йигитни танийман. У Тошкентдаги бир маҳалла идорасининг эски, пастқам биносини бузиб, ўрнида уч қаватли замонавий иморат тиклади. Янги бинонинг бир қисми маҳалла идораси, участка нозирни хонаси, банк тўлов кассаси, оталар чойхонаси, маҳалла кутубхонаси ва ҳоказоларга ажратилди. Бошқа қисмидан эса у ўзининг тадбиркорлик мақсадлари учун фойдаланишни кўзламоқда. Тўғри, бунда йигит банкдан кредит кўтаргани аниқ, бироқ хорижда ишлаб топган пулини ҳам тикканига шубҳа йўқ. Ҳамма гап, айти тенденция тор ўзандан чиқиб, кенг йўлга қўйилмоғида қолган. Менимча, бу борада Туркия тажрибаси бизга асқатиши мумкин. Бу мамлакатда меҳнат муҳожирлари ўз маблағини қўйиши учун Ишчилар сармоявий банки ташкил этилган. Банк ўзига келиб тушган пулларни янги саноат корхоналари барпо этишга йўналтирган. Айти чоқда, унга маблағ қўйган меҳнат муҳожир Туркияга қайтса, ушбу саноат корхоналарида ишлаши кафолатланган. Яна, меҳнат миграцияси соҳасида ширкатлар тузилган ва уларга баъзи ҳуқуқлар берилган. Чунончи, чет элда ишлашга талабгор агар у ерда топадиган маблағини ватанига жўнатишга ва бу маблағ янги иқтисодий лойиҳаларга йўналтирилишига розилик билдирса, хорижий мамлакатлардан иш таклифида имтиёзга эга бўлган (*Масулова Н.Р. Миграция турецкой рабочей силы в страны Западной Европы. "Мировое и национальное хозяйство", № 2, 2009. Стр. 65–69*).

Еттинчи вазифа – юртимизда иш ҳақини муттасил ошириб боришдан иборат. Меним-

ча, етарли иш ўринлари яратилган тақдирда ҳам, гарчи ҳозиргидек кўламда бўлмаса-да, барибир, меҳнат муҳожирлиги муаммоси сақланиб қолади. Нега? Сабаби – иш ўрни муаммосини ҳал этиш ортидан иш ҳақи муаммоси бўйи кўрсатади. Шахсий кузатишларимга кўра, агар бир тур ва бир ҳажмдаги иш учун ўзга юртда ўз юртимиздагидан 1,5 баравар кўп ҳақ тўланса ҳам ҳеч ким сафар тўрвасини қўлга олмайди. Аммо бир тур ва бир ҳажмдаги иш учун 2 баравар (ва ундан ортиқ) ҳақ тўланса, ўзга юрт жозибали кўриниб қолади. Хўш, бу борада ҳозирги аҳвол қандай? Европа Иттифоқи статистика хизмати, Халқаро Меҳнат ташкилоти ва шу соҳага дахлдор бошқа нуфузли муассасаларнинг 2017 йил якунига асосланган маълумотига кўра, Ўзбекистон ўртача ойлик иш ҳақи бўйича 157 давлат ўртасида 118-ўринни ишғол қилиб турибди. Қайд этилишича, юртимизда ўртача ойлик маош миқдори 235 долларга тенг. Биз ишчи кучини экспорт қилаётган мамлакатларда эса айти кўрсаткич тубанди: Қозоғистон – 480, Россия – 615, Туркия – 996, БАА – 1620, Жанубий Корея – 2100, АҚШ – 3120 доллар (<http://investorschool.ru/srednyaya-zarplata-po-stranam-mira-2017>). Албатта, мен иш ҳақини кўтариш ўз-ўзидан бўлмаслиги, бу жуда қийин масала экани – анча вақт ва саъй-ҳаракат талаб этишини биламан. Бироқ начора, энгни маҳкамроқ шимармасак бўлмайди.

Саккизинчи вазифа – миллий кадрларимизнинг олтин фонди – юксак интеллектуал салоҳият ва касб-кор малакасига эга мутахассисларни Ўзбекистонда олиб қолишдир. Чунки бундай кадрларнинг чет элга чиқиб кетиши билан меҳнат захирамиз сифати пасаяди. Уларнинг ўрнини тўлдириш учун миллиард-миллиардлаб қўшимча маблағ сарфлашга мажбур бўламиз. БМТ экспертлари хулосасига кўра, кейинги 30 йилда “ақллар сизиши” оқибатида ривожланаётган мамлакатлар 60 миллиард АҚШ доллари-дан ортиқ зарар кўрган. “Олтин каллалар” ўрнини қоплолмай, ўпқонга тушиб қолган мамлакатлар ҳам йўқ эмас. Ёдда тутайлик, интеллектуаларимизнинг хорижда юрганларидан Ватанимизда қолганлари ўн, балки

йигирма карра кўп. Биз биринчи навбатда хориждагиларни Ватанга қайтариш эмас, Ватандагиларни шу ерда олиб қолиш ҳақида қайғурмоғимиз зарур. Одатда, интеллектуаллар ўзининг нималарга қодир эканини аниқ билади ва шунга яраша муомала қилинишини талаб этади. Бироқ юртимизда бу тоифа кадрларга бошқалар билан бир хил, демакки, мавқеига номуносиб муносабатда бўлинади. Хулоса шуки, кадрлар сиёсатида ниҳоят адолатни тиклайлик, кимки ақли, шижоатли, масъулиятли бўлса, ўша ишга биринчи бўлиб олинсин, мўмай иш ҳақи ҳам унга белгилансин, юқори лавозимга ҳам яна ўша кўтарилсин. Юртимиз “ишхона”ларидан пора бериб, таниш-билишларни ўртага солиб ёки шахсий садоқатини намоиш этиб, бообрў ишхонага жойлашиш, мўмай маош олиш, амал пилалоясидан кўтарилиш каби коррупция унсурларини таг-томири билан кўпориб ташлайлик. Саралар ҳар қачон оз, ўртамиёналар эса кўп – озчиликни кўпчиликка ем қилиб қўймайлик.

Тўққизинчи вазифа – раҳбарларда замон талабларига мос бошқарув қобилиятини шакллантиришдир. Демократик давлатда ҳеч бир раҳбар мутлақ ҳокимиятга эга чиқмаслиги, уни бундан чеклаб турувчи ўзга бир куч бўлиши лозим. Корхона ва ташкилот раҳбарларига муқобил шундай куч, менимча, касаба уюшмасидир. Бироқ, таассуфки, юртимиз касаба уюшмалари ўзининг нималарга қодир эканидан ҳали-ҳануз беҳабар. Масалан, камина фалон ташкилот раҳбари фалон ходимга нисбатан адолатсизлик қилган экан, касаба уюшмаси боёқишнинг жонига ора кирибди, деган гапни сира эшитмаганман. Менимча, ҳозир бутун жамиятга ёйилган испоҳотлар тўлқини, ниҳоят, касаба уюшмаларига ҳам етиб бормоғи зарур. Агар касаба уюшмалари бинойидек ишлаб кетса, ишонинг, кўп иллатлар осон барҳам топади.

Хулосадан аввал кичик узр-ҳол. Муаллифга бундай эътироз бўлиши мумкин: сиз мақолада аксар эркак меҳнат муҳожирлари ҳақида сўзладингиз. Ҳолбуки, аёл меҳнат

муҳожирлари ҳам бор. Хўш, нега уларни четлаб ўтясиз? Бу саволга жавоб тубандагича: ҳа, аёл меҳнат муҳожирларимиз ҳам бор. Улар адади қанча, аниқ маълумот йўқ. Аммо, тахминимча, улар барча меҳнат муҳожирларимизнинг олти ёки еттидан бирини ташкил этади. Хўш, бу кўпми ёки оз? Меҳнат бозори нуқтаи назаридан, кўп эмас. Аммо миллий орият нуқтаи назаридан, кўп, ҳатто жуда кўп. Ахир, ғурури бор миллат ўз аёлини бегона юртларда иш излатиб, сарсон қилиб қўймайди. Баъзилари ўша элларда ҳатто фаҳишаликка мажбур қилинишига эса минбаъд чидолмайди. Каминага қолса, хорижда юрган интеллектуал аёлларимизнигина оқлайман. Қолганлари эса тез фурсатда Ватанга қайтиб, яна оиласи шамчироғига айланса, дейман...

Хуллас, меҳнат муҳожирлиги – бугунги Ўзбекистоннинг энг оғриқ нуқталаридан бири. Тўғри, юқорида қайд этилганидек, меҳнат муҳожирлигининг ҳам фойдали, ҳам зарарли жиҳатлари бор. Аммо шу фойдаю зарарлар тарозининг икки палласига қўйилса, зарарлар палласи босиб кетиши тайин. Демак, ушбу муаммодан имкон қадар оз зарар билан тез халос бўлмоғимиз лозим. Жамиятнинг бу умуммиллий ишдаги ҳиссаси, аввало, жамоавий тафаккур сифатида, муаммонинг энг мақбул ечимини қидириб топишда намоён бўлмоғи керак. Токи, ҳукумат миллионлаб фуқаролар тафаккурининг маҳсули бўлган хулоса ва таклифларга асосланиб, самарали қарорлар қабул қила олсин. Сўнгра эса жамият, жамоавий назоратчи ўлароқ, ҳукуматнинг ана шу қарорлари изчил ва тўлиқ бажарилишини ҳушёр кузатиб бормоғи даржор. Чунки биргина хатолик ҳам бутун ишни чиппақка чиқариши ҳеч гап эмас. Ва ниҳоят, жамият айна муаммони ечишда ҳукуматга амалий ёрдам кўлини чўзмоғи лозим. Бу ишни у, албатта, турли жамоат ташкилотлари теварагида бирлашиб амалга оширади. Яна бир бор таъкидлаш ортиқча бўлмас: тўлқин денгизга таянибгина кўкка сапчийди, ҳукумат ҳам жамиятга таянибгина мақсадга эришади.

Николай БЕРДЯЕВ

FALSAFA – ERKIN IJODDIR

Янги фалсафанинг орзуси – фан ёки фаннамо бўлмоқдир. Бу соҳа аҳли, қандай бўлмасин, уни фанга айлантирай деб жони ҳалак. Позитивистлар ва метафизиклар, материалистлар ва критицистлар шу масалада яқдил, ҳамфикр. Барча – Кант ва Ҳегель, Конт ва Спенсер, Коҳен ва Риккерт, Вундт ва Авенариус фалсафа фан ёки фаннамо бўлса дейди. Фалсафа азалдан фанга ҳавас қилади. Фанда – файласуфларнинг азалий орзулари мужассам. Файласуфлар ҳеч ҳам ўзлигига содиқ эмас: олимларга ўхшашга уринади, уларга тақлид қилади. Файласуфлар фалсафадан ҳам фанга кўпроқ ишонади. Ўзига ва ўз ишининг аҳамиятига шубҳаланиб боқади – ёмони, бу ишончсизлик одатий ҳолга айланган. Файласуфлар билишга фақат фан борлиги учун ишонади – фалсафий билимларни фаннамо бўлсагина қабул қилади. Нафақат позитивист ва критицистлар, балки янги давр метафизикларининг аксари ҳам шу нуқтаи назарни маъқуллайди. Метафизиклар ҳам олимларга тақлид қилишга уринса-да, аммо буни қойиллата олмай диллари ғаш. Бугуннинг файласуфлари фалсафани мустақил соҳага айлантириш учун уни тугал, махсус фанга айлантирмоқ зарур деб билади. Замонавий инсон онги “илмий” фалсафа ғоясига мубтало, у “илмий”лик ғоясига банди. Бунда айтарли янгилик йўқ – эски схоластика яна бир турланяпти, холос. Метафизиклар ўзича олимнамо бўлишни истаиди.

Олимнамоликда Декарт ва Лейбниц, Коҳен ва Хуссерлдан қолишмайди. Фаннамоликни ёқлаган соддадил Ҳеккель илмий монизмни яратиш учун ўзига эски метафизик Спинозани намуна қилиб олди.

Спинозанинг геометрик методи Кантнинг фаннамоликка даъвогар трансцендентал методи кабидир. Ўрта асрнинг схоластик фалсафаси вакиллари нафақат фалсафа, ҳатто теологияни ҳам фаннамо қилишга уринди. Ўрта асрлар илмий тафаккури ҳозиргидан хийла фарқ қилган. Антик даврнинг энг олимнамо файласуфи Аристотелнинг обрўи бежиз юксак эмас эди. Фома Аквинский ҳам Коҳен каби олимнамо файласуф, аммо ҳар қайсиси ўз даври учун ва ўз даврига монанд олимнамодир. Коҳеннинг илмий фалсафаси схоластик фалсафанинг издоши, меросхўридир. Неокантчилик эса билиш масаласини янада чуқурлаштирган янги схоластикадир. Фома Аквинский метафизикани мавжудлик ва унинг қоида-тартиблари ҳақидаги тугал фан деб билган. У соф рационал фан эди, қатъий мантиққа асосланарди. Фома Аквинский янги фалсафанинг жами танқидий шубҳаларидан беҳабар эди, унинг таълимо-



ти ҳам догматик эди. Фома Аквинскийнинг “фан”и теология устидан ҳам, ҳаёт устидан ҳам ҳокимлик қилди. Ўша кезлар фалсафа теологиянинг хизматкори эди. Буни фалсафа теологияни илмий, фаннамо қилди, деб тушуниш мумкин. Янги фалсафанинг барча танқидий шубҳаларидан сўнг Коҳен билиш назариясини метафизиканинг янги турига айлантирди – у тушунчалар ҳақидаги фанга, илгари Ҳегелда бўлганидек, моҳият ва унинг тартиботи ҳақидаги фанга айланди. Илмий фалсафа, схоластик фалсафа даъво қилганидек, ҳаёт устидан ҳукмронликка интилади. Ахир, схоластика илмийлик, рационалликни фалсафа ва ўша давр маданияти устидан ҳукмрон қилишни кўзлаган эмасмиди?! Фаннамо рационаллик мазмуни ўзгарди, аммо моҳият – ўша-ўша. Аристотель, Фома Аквинский, Декарт, Спиноза, Кант, Ҳегель, Спенсер, Авенариус, Коҳен, Хуссерллар фалсафани фаннамо схоластикага айлантирдилар. Фалсафанинг универсал фан бўлиш истаги – схоластик истакдир. Фалсафий тафаккур шу тариқа азалдан булганган, у фаннамо бўлиш учун ғайрифалсафий идеаллар ва меъёрларга таянади, қул еттиёт хожага хизмат қилганидек сохта, алдамчи ғояларга хизмат қилади.

Фалсафа мутлақо фан эмас ва мутлақо фаннамо бўлиши ҳам керак эмас. Қизиқ, нега фалсафанинг фан ёхуд фаннамо бўлгиси келиб қолди? Санъат, ахлоқ, дин – фан бўлиши шарт эмас-у, нега фалсафа фан бўлиши лозим? Ўз-ўзидан маълумки, дунёда фаннинг ўзидан бошқа соҳа фан бўлолмайди. Илмийлик фақат фанга хос ва фан учун меъёрдир. Демак, ахлоқ – ахлоқий, дин – диний, санъат – бадиий бўлганидек, фалсафа ҳам фан ёки фаннамо эмас, балки фалсафий бўлмоғи даркор. Фалсафанинг ёши улуғроқ, фандан қадимроқ, у донишмандликка ҳамнафас. Кейин у фанни ўзидан ажратди. Энди эса навбат фан ўзини фалсафадан буткул ажратишига етди. Фан фалсафадан буткул ажралиб чиқса, бу фалсафа учун айна муддао, зеро, бу билан у ўзига хослигини сақлаб қолади. Таассуфки,

бу ажралиш фалсафа оёғига бошқа бир тушовни солаётир. Агар фалсафани бошқа фанлар қатори бир фан деб эътироф этсак (масалан, мавжудлик ёки билиш тамойиллари ҳақидаги фан), унинг маънавий ҳаётга дахлдор соҳа эканини унутишга тўғри келади. У ҳолда фалсафани дин, санъат, ахлоқ қаторида санаш ноўрин бўлиб қолади. Фалсафани риёзиёт, физика, кимё, физиология каби фанлар қаторига қўшишга тўғри келади. Фалсафа фаннинг эмас, маданиятнинг мустақил соҳасидир. Ваҳоланки, файласуфларда фалсафани фанга айлантиришга, уни илмий қилишга интилиш кучли.

Фаннинг аҳамиятини ҳеч ким инкор қилмайди. Фан инсон учун нақадар зарурлигига шубҳа йўқ. Аммо фаннамолик керакми – бу борада баҳслашиш мумкин. Фан ва фаннамолик айна бир нарса эмас. Фаннамолик – фан мезонларини фанга бегона бошқа маънавий соҳаларга кўчиришдир. Фаннамолик фан – руҳият учун олий мезон, у ўрнатган тартибга барча итоат этмоғи шарт, унинг ижозати ва тақиқи барча жойда беистиснодир, деган ишончга таянади. Илмийлик ягона методни талаб этади. Фанда илмий талаблар бўлишига ҳеч ким қарши эмас. Бу ўринда турли фанлар бўлгани каби турфа илмий методлар ҳам борлигини айтмоқ зарур. Масалан, табиий фанлар методини психология ёки ижтимоий фанларга кўчириш мумкин эмас. Буни олмон гносеология назариётчилари кўп марта исбот қилган. Бироқ бу назариётчилар фаннамолик идеалини мустаҳкамлашга ҳам ёрдам бердилар. Олмон танқидий онгида фаннамоликка жўшқин интилиш бор. У бутун маданиятни фанга йўналтиришни истайди. Олмон танқидий онгидаги илмий фалсафа идеали француз ва инглиз позитивизмидагидек дағал эмас, хийла назокатли ва мураккаб. Лекин олмон танқидий онги нафақат фалсафанинг илмийлигини, шу билан бирга, фаннамолик ахлоқ, эстетика, ижтимоий соҳалар устидан ҳукм юритишини ҳам тан олди.

Маданиятни илмий-танқидий даража-лаш, илмий тартиблаш зарур. Фаннамолик меъёри истаса, ҳаммасини банди қилади, истаса озод этади. Ақл-идрок доирасидаги дин, рационал протестантизм – фаннамоликнинг диний ҳаёт устидан ҳукмронлигидир, бу эса уни қоралашга йўл қўймайди. Бироқ фаннамолик фан эмас, у фан талаби ҳам эмас. Ҳеч бир фан ўзига бегона соҳага фаннамо бўл, деб кўрсатма бермайди. Астрономия, физика, геология ёки физиология фалсафанинг фаннамо бўлишидан, маданиятнинг илмий тартибланишидан манфаатдор эмас. Фаннамолик (фан эмас) руҳнинг тубанлашуви, руҳнинг қуллигидир, у ҳар ерда зарурият ҳокимлигини, ҳар нарса дунё таъсиридалигини урғуловчи қайсар онг демак. Фаннамолик – эркини йўқотган ижодкор руҳ инъикоси. Шу маънода, фаннамолик касаллик аломати кабидир. Олмон критицизми руҳни фаннамолик билан тартибланиши, уни бошбошдоқликдан халос этишни истайди. Бу ҳамма нарса илмий йўл билан англаниши зарур, дегувчи “асл” олмон ғоясидир. Ҳар соҳада илдиз отган фаннамолик руҳ қуллиги ва руҳ парокандалиги белгисидир. Олмон файласуфлари ҳатто никоҳни ҳам фаннамо қилиш ва буни методологик жиҳатдан асослаш тарафдори. Бунда тизгинсиз герман рационализи ўзини намоён этади. Фан – дунёга инсон руҳининг ўзига хос муносабати. Уни инсоннинг дунёга бўлган бошқа муносабатларига мажбуран қўлламоқ руҳ қуллигидир.

Фан, аслида, инсонга фоний дунёнинг зулмат ўрмонида ўзини асрамоғи учун бир чора-тадбирдир. Бу дунёда яшаш ва ривожланиш учун инсон анланган, мақсадли чора кўриши даркор эди. Ўз-ўзини ҳимоялаш йўлида чора кўриш учун эса инсон ўзини дунёвий мавжудлик, дунёвий заруриятга мослаши талаб этилди. Фан – дунёвий мавжудликка, заруриятга мослашувнинг такомиллашган қуролидир. Фан – дунёвий мавжудликка мослашиш орқали заруриятни англашдир. Шунингдек, фан – дунёвий заруриятга мақсадли чора-тадбир ва ўз-

ўзини асрамоқ учун берилган мухтасар, тежамли низомдир. Илмий тафаккур мақсад қуролидир, у мудом дунёвий мавжудликка мослашган, мувофиқлашган бўлади. Маъмур мослашув нафақат илмий экспериментда, балки фандаги дискурсив мулоҳазаларда ҳам кўринади. Илмий мантиқ заруриятга мослашув қуроли, демак, унда дунёвий заруриятга итоат бор, унда шу зарурият ва мавжудликнинг маҳдудлигига ишора бор. Формал мантиқнинг чекловчи дилеммалари дунёвий заруриятнинг чекловчи дилеммаларига мослашувдир аслида. Чекланган мантиқда бу дунёнинг чекланганлигига уйғун муносабат бор. Фикрлашдаги зарурият дунё заруриятга мослашишда ўз-ўзини асраш демак. Дунёвий зарурият англаниши учун инсон тафаккурида унга мувофиқ келувчи зарурият яратилиши даркор. Прагматизмнинг айрим шакллари танқидий ёндашиш мумкин, аммо фаннинг прагматик табиатини, унинг ғаразли-ҳаётий, биологик хусусиятини инкор қилиш қийин. Бэкон фаннинг ғаразли-прагматик табиатини аллақачон очиб берган. Махнинг илмий билиш назариясида бартараф этиб бўлмас, фактик ҳақиқат мавжуд. Чинакам олимлар, илм дарғалари яратган фан Коҳен ва критицистларни эмас, Мах ва прагматистларни оқлайди. Универсал фан ҳақида фақат файласуфлар орзу қилган, олимлар бу борада доим камтар бўлган. Олимлар дунёвий мавжудликни алоҳида соҳаларга ажратган, шу соҳаларнинг мухтасар тавсифини берган ва бу тавсифни табиат қонуни деб атаган. Табиат қонунларининг қиммати, аввало, табиатдан амалий чора топиш ва шу чора, яъни мослашув орқали табиатни бўйсундиришда намоёндыр. Тўғри, фанда мудом икки руҳ яшаган ва ўзаро курашган, улардан бири дунё сирларини англашга муштоқ эди. Бу руҳ фанни яратмаган, у фалсафа, теософия ва магияга ён босган. Кейин фаннинг магия билан алоқаси кўзга ташланган.

Илмий фалсафа кераксиз экани, бундай нарса аслида йўқлигини асослаш учун фан заруриятга мутелиқдир, деган хулосани

таъкидлаш жоиз. Фан – ижод эмас, бўйсунуш, унинг стихияси – эрк эмас, зарурият. Кўриниб турибдики, фан ўз диний моҳиятига кўра, Қадимги аҳд ва илк гуноҳ билан боғланган. Фан инсон руҳининг эркин ифодаси бўлмайди. Чунки ҳаммавақт инсоннинг заруриятга бандлиги ифодаси бўлган. Лекин у зарурият дунёсида мўлжал олмоқ учун керак ва одамнинг ўз гуноҳи оқибатларини илоҳиёна англашидир. Фан ўз моҳияти ва мақсадига кўра, дунёни зарурият тарзида англайди, “зарурият” тушунчаси мавжудликка қаратилган илмий тафаккурнинг асосий тушунчасидир. Фан дунёда эркин кўрмайди. Фан сўнги сирларни билмайди, чунки фан – бежавотир билиш. Шунинг учун фан Ҳақни билмайди, фақат ҳақиқатларни билади. Фан ҳақиқати борлиқнинг жузъий ҳолатини ифодалайди ва унда йўл топиш – мўлжал олишда асқатади. Фан ўз воқелигини вужудга келтиради. Фалсафа ва дин эса буткул ўзгача воқеликлар яратади.

Модомики, фан дунёвий мавжудликка мослашиш ва дунёвий заруриятга итоат этиш экан, у ҳолда нима учун ва қайси маънода фалсафа фанга боғлиқ ва фан бўлиши зарур? Энг аввало, фалсафа мўлжални умумий олади, у борлиқнинг хусусий ҳолатидаги хусусий мўлжал олиш эмас. Фалсафа Ҳақни излайди, ҳақиқатларни эмас. Фалсафа – донишмандликни севишдир. София чинакам фалсафани яратади. Фалсафий онг чўққисида София инсонга кўчади. Фаннинг асослари ва қоида-тартиблари, негизи фалсафага боғлиқ, аксинча эмас. Фан фалсафаси бўлиши мумкин, бироқ фалсафа фан бўлмайди. Ўз моҳияти ва вазифасига кўра, фалсафа заруриятга мослашиш бўлмаган, чин файласуфлар дунёвий мавжудликка итоат этмаган, чунки улар бу дунёдан юқори турувчи ҳақиқатни қидирган.

Саждагўйлик – фалсафага ёт. Фалсафанинг азалий мақсади мудом эркин англаш ва эркин англаш бўлган. Фалсафанинг стихияси – эрк, зарурият эмас. Фалсафа инсон


руҳини зарурият тушовидан озод этишга интилган. Фалсафа дунёвий заруриятга мувофиқлашган тафаккур мантигини тадқиқ қилиши мумкин, аммо унинг ўзи ушбу мантиққа қулларча итоат этмайди. Доноликни англаш – мантиқий билишдан аъло. Фалсафа билим орқали дунёвий мавжудликдан юксалиш, дунёвий заруриятни енгиб ўтиш, фаҳм этмоқ демакдир. Фалсафа дунёга фандан кўра ўзгача муносабатда бўлади, ўзгача манбадан туғилади, ўзгача йўналишда кечади. Фалсафанинг фанга бўйсунуши эркин заруриятга бўйсунуши демак. Илмий фалсафа ўз эркини зарурият ҳукмига таслим қилган фалсафадир. Дунёвий мавжудликдаги эркинлик фан учун мажбурият, фалсафа учун инқироз ва эрка ташна иродага хиёнатдир. Дадил айтиш жоизки, дунёвий мавжудлик сарҳадлари ва дунёвий зарурият ҳукмлари фалсафа учун мажбурий эмас. Фалсафа дунё бизга ҳада этган нимарсаларга қараб қолмаган. Чунки у дунёнинг зоҳирини эмас, ботинини, ҳақиқатини излайди. Дунё моддийликдангина иборат бўлса, фалсафа ҳам моддиюнчи бўлиши шарт эмас. Фалсафанинг чин истаги, зарурият ва борлиқ шароитига мардона қарши турувчи ижодкорлик каби, мудом трансцензус – мавжудлик сарҳадидан ўтиш бўлган. Такрор бўлса-да айтиш жоиз, фалсафа ҳеч қачон фан бўлмаган, бўлмайди ҳам. Билиш эркак-аёл муносабатига ўхшайди – унда фидойи рецептивлик ва ёруғ фаоллик бор. Фалсафа ҳақиқатни билиш йўлини объектга йўналган кўёш нури каби ёритади. Билишда билувчи – эркак, яъни логосдир. Фалсафагина билишнинг шу фаол, эркакона томонини очиб беради. Фалсафа – ижод демак, у мослашиш ҳам, итоатгўйлик ҳам эмас. Фалсафага ижод сифатида эркинлик бериш – уни фанга тобеликдан озод қилиш ва фан билан алоқадан халос этиш, яъни зарурият ва мавжудликка дадил қарши туришини тан олишдир. Фалсафада инсоннинг мавжудликка ва заруриятга мослашиши эмас, мавжудлик ва заруриятдан ўзини халос этиши рўй беради. Фалсафа – фан эмас, санъат демак. Фалса-

фа адабиёт, мусиқа ёки рангасвирдан фарқ қилувчи алоҳида санъат, билиш санъатидир. Фалсафа – санъат, чунки у – ижод. Фалсафа – санъат, чунки у – илохий неъмат ва қисмат, чунки унда шоир ва мусаввирдан қолиш-майдиган ижодкор шахси инкишоф этилади. Лекин фалсафа борлиқ образларини эмас, унга дахлдор ғояларни яратади. Фалсафа – дунёвий мавжудлик ва заруриятга қарши, дунё сарҳадларининг нарийёғидаги сирларга етишни кўзлаган ғоялар воситасида эркин билиш санъатидир. Санъатни фанга, ижодни мослашувга, эркин заруриятга боғлаб қўйиш тўғри эмас. Фалсафа фан бўлса, ўз қасасини бузиб чиқиш, заруриятдан эркин ажратишдек мақсадига етолмайди.

Фалсафанинг ғалабаси инсон руҳининг фаол қаршилиги ва ижодий курашидадир. Фаннинг ғалабаси эса мавжудликка мослашиш ва зарурият талабларига бўйсунушдадир. Фанда одамнинг оламга банди эҳтиёжи мужассам, фалсафада руҳий қувват тошқини, оҳанрабо бор. Фалсафанинг ҳаётийлиги фанникидан кам эмас, аммо бу мавжудликка мослашиш орқали ўзини асраб қолишга қаратилган ҳаётийлик эмас, мавжудлик доирасидан ташқари чиқиш кўзланган ижодий билишнинг ҳаётийлигидир. Фалсафа табиатига мухтасарлик, лўндалик хос эмас. Фалсафа фандаги мухтасарлик, лўндаликдан кўра серхарждир. Фалсафада, худди утилитаристлар наздидаги санъатда бўлганидек, қандайдир байрамоналик бор. Дунёда яшаш учун фалсафа фандек зарур эмас, у дунё доирасидан чиқиш учун зарур. Фан инсонни заруриятга, дунё бемаънилигига дучор этади, бироқ ўша маънисиз дунёда ҳимоя қу-

роли ҳам беради. Фалсафа дунё моҳиятини англашга интилади, заруриятнинг бемаънилигига қаршилиқ кўрсатади. Чин фалсафанинг асл нияти моҳиятнинг мавжудлигини ва шу моҳият ҳақиқатини англашдир, бемаънилиқ орқали моҳиятга ёриб киришдир. Буни Кант ҳам эътироф этган, кантча фалсафада эски метафизиклардагига ўхшаш суствикни йўқотувчи ижодий шиддат борлигини ким ҳам рад этарди! Бу ижодий шиддат Фихтеда янада кучли эди. Дунёвий мавжудликнинг бемаънилигига мослашиш эса моҳиятни англашга халал беради, холос. Илмий фалсафа тарафдорлари айнан шу мослашишни талаб этади, яъни фалсафанинг ижодий табиатини инкор қилади. Тўғри, улар фаннинг ўзини юқори поғонага кўтаришга тиришади, уни ижодий фаолият деб эътироф этади ва фан қўллайдиган мантиқий тушунчаларда логос, олий моҳиятни кўради. Аммо фанни юқори поғонага кўтариш ва олий маъволарга татбиқ этишга фалсафани билиб-билмай фанга олиб кириш орқали эришилади. Фанда фалсафа унсурлари борлигини, илмий фаразларда фалсафий илҳом мавжудлигини, гоҳида олим-файласуфлар ҳам учраб туришини инкор қилиб бўлмайди. Биз учун бош масала – нима фанникию нима фалсафаники экани масаласидир. Фанда фалсафийлик учрагани учун фалсафадан илмийлик талаб этиш тўғри эмас. Илмий билиш асослари саналган мантиқий тушунчаларнинг нисбий аҳамиятини рад қилиш мумкин эмас, лекин уларга олий ва мутлақ онтологик моҳият бериш – зарурият таъсиридаги дунёвий мавжудлик асир этган сохта фалсафанинг ўзидир.

Рус тилидан
Виктор АЛИМАСОВ
таржимаси



TARIQAT TARAQQIYOTGA QARSHIMI?

“Нақшбандия” журнали бош муҳаррири Султонмурод ОЛИМ билан суҳбат

– Султонмурод ака, бу йил улуғ мутасаввиф Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллиги нишонланади. Ушбу сана баҳонасида сиз билан нақшбандия тариқати хусусида суҳбат қуришни ният қилдик. Зеро, ҳазрат Нақшбанднинг ўзи ҳам “Йўлимиз – суҳбат йўлидир. Суҳбатни тарк этган йўлни ҳам тарк этган бўлур”, дея ўғит берган. Ислом бағрида асрлар мобайнида ўнлаб тариқатлар пайдо бўлди, аммо улардан қанчаси вақт чиғириғидан ўта олмади. Абдуҳолиқ Ғиждувоний асос солган ва Баҳоуддин Нақшбанд такомилга етказган тариқат силсиласи эса, салкам тўққиз асрдирки, узилмай давом этмоқда. Сизнингча, нақшбандия сулуқининг умрбоқийлиги сири нимада?

– 2017 йил 11 июлда “Абдуҳолиқ Ғиждувоний таваллудининг 915 йиллигини ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида” Президент фармойиши қабул қилинган эди. Ҳозирда ушбу саналарни халқаро миқёсда муносиб нишонлашга тайёргарлик кўриляпти.

Саволингизга келсак, унга қисқагина қилиб жавоб бериш билан мурод ҳосил бўлмайди. Гапни узокроқдан бошлашга тўғри келади.

Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи вассаламга ваҳий нозил бўла бошлагач, у зот Оллоҳнинг амру фармонларини умматга тўқис етказишга киришдилар. Хусусан, Расулуллоҳ (с.а.в.) Мадинада бўлган

маҳаллари бир қисм саҳобийлар у зоти шарифнинг суҳбатларини тинглаб, кейин ўз иши, касбу кори билан машғул бўлар эди. Бир тоифа асҳоб эса исломни мукаммал ўрганмоқ учун Масжид ан-Навабийдан кетмай, у ердаги супада яшар эди. Бунинг бошқа сабаби ҳам бор – уларнинг аксари ўз уй-жойига эга бўлмаган фақиру муҳожирлар эди. Шундай қилиб, саҳобалар орасида “аҳли суффа” ёки “асҳоби суффа” деб аталган тоифа пайдо бўлди. Кечаю кундуз ибодатга берилиб, дунё ишларидан қўл тортган, таркидунё қилган ана шу зотлар дастлабки сўфийлар саналади. Тасаввуф тариқатларининг барчаси ўз силсиласини аҳли суффадан бирининг номи билан боғлайди.



Шу тариқа тасаввуф “аҳли суффа”дан нақшбандиягача ҳамда нақшбандиядан ҳозирги замонгача бўлган узоқ ва мураккаб йўлни босиб ўтди.

Тасаввуф тариқатлари ўртасида исломий мазҳаб ва оқимлар ўртасидаги каби жиддий зиддият ёки қарама-қаршилиқлар йўқ. Сулуқларнинг бари бир нуқтада туташади, барча тариқатлар Ҳаққа етишмоқни олий мақсад деб билади. Ҳархилликлар – фақат жузъий масалаларда, яъни Ҳаққа етишмоқ йўлининг услуб ва воситаларида. Лекин ана шу жузъий масалалар ҳам чакана эмас-да! Чунки бу йўлга кирган ҳар бир муриднинг имконияти, салоҳияти ва табиати турлича. У шунга қўра йўл ва усул излайди. Демак, турли тариқатлар макон ва замон билан боғлиқ ҳолда юзага келган.

Сиртдан қараганда, тасаввуф охират ва дунё ўртасидаги зиддият асосига қурилгандек. Ўз-ўзидан, унинг бирини десанг, иккинчисига, иккинчисини десанг, биринчисига путур етади. Аммо нақшбандийлик солиқни бундай машаққатли танловга рўбарў қилмайди.

Тасаввуримиз ойдинлашиши учун бир мисол келтирсам. Худо раҳмати онамиз мактабда ўзбек тили ва адабиётидан дарс берар эдилар. Бир этак бола эдик. Кичкинамиз – бешиқда. Онам кечалари ярим тунгача дафтар текширар эдилар. Ёнларида эса бешиқ. Қуббасига бойланган ипнинг бир учи онамнинг оёқлари бош бармоғига ўралган. Гўдак йиғлади дегунча, оёқ қимирлай бошлайди. Қўлда эса дафтар-қалам... Онам буни зап ўйлаб топганлар-да, деб қойил қолиб юрардим. Кейин билсам, кўп аёллар шундай қилар экан: оёқ бешиқ тебратади, қўл эса кашта тикади, ип йигиради, пахта ситади, гуруч тозалайди...

Нақшбандия пешволари ҳам худди шундай йўл тутди: икки бир-бирига зид жиҳатни ўзаро келиштирди. Хожа Юсуф Ҳамадоний жорий этган машхур шиор ёдингиздадир: “Дил – ба ёр-у, даст – ба кор”. Дил Ҳаққа етишмоқ иштиёқи билан, қўл эса фойдали меҳнат билан банд бўлиши керак. Бу борада эса “рашҳа”, яъни томчи деб аталган яна тўрт қатъий қоида жорий этилган.

Биринчиси – “Хуш дар дам”. Ҳақ йўлига кирган солиқ ўтаётган ҳар дамидан бохабар бўлиб туриши, бир нафас ҳам хушёрликни қўлдан бермаслиги керак.

Иккинчиси – “Назар бар қадам”. Хушёрликка эришмоқ учун солик ҳар қадамини ўйлаб босиши лозим.

Учинчиси – “Сафар дар ватан”. Бу ботиний, яъни руҳий сафар демакдир. Яъни солик Оллоҳ ризолигини топиш йўлида умр бўйи ўзидаги қусур ва иллатларни енгиб, фазилатларини кўпайтириб бориши, буткул покланиши лозим.

Тўртинчиси – “Хилват дар анжуман”. Айрим тариқатлар Ҳаққа етишмоқ учун жамиятдан узилиш, ёлғиз қолиш, дунё ташвишларидан халос бўлмоқни тарғиб этади. Нақшбандийлик эса издиҳом орасида туриб ҳам қалбан ёлғиз бўлиш мумкинлигини уқтиради.

Эътибор берилса, “дил” билан “қўл”, “ёр” билан “кор”, “сафар” билан “ватан”, “хилват” билан “анжуман” – бир-бирига зид тушунчалар. Аммо нақшбандийлик ана шу ўзаро қарама-қарши тушунчаларни бир-бирига вобаста эта олди.

“Дил – ба ёр”лик – ботинни, “даст – ба кор”лик эса зоҳирни англатади. Солик ҳаётини шундай тарзда йўлга қўйсинки, унинг зоҳири ботинига халал бермасин. Дарҳақиқат, ижтимоий фаол, яъни иш билан банд кишиларга ҳам қалбан сўфий бўлиш йўлини кўрсатиб бергани нақшбандиянинг энг катта янгилиги ва ютуғи эди. Шу сабаб мазкур тариқат аҳоли турли қатламлари ўртасида ҳамда бутун ислом оламида кенгроқ ёйилди.

1469 йил баҳорида Ҳусайн Бойқаро Ҳирот тахтини эгаллаганидан кейин Самарқандда таҳсилда бўлган Алишер Навоий ҳам она шахрига қайтади. Борибоқ ёш подшоҳ, қадрдон дўсти мадҳида “Ҳилолия” қасидасини ёзиб, унга пешкаш қилади. Бу асарнинг бугунги суҳбатимиз учун муҳим бир нуқтаси бор. Навоий Бойқаро феъл-атвори, тийнатида икки бир-бирига зид қутб уйғунлашгани – у ҳам шоҳлар дарवेशи, ҳам дарवेशлар шоҳи, яъни суратда шоҳ ва сийратда дарвеш эканини ёзади. Демак, XV асрга келиб нақшбандияда ҳатто шоҳлик мансабида туриб ҳам қалбан дарвеш бўлиш мумкинлиги ғояси тарғиб қилинган экан.

Тасаввуф ривожлана-ривожлана ислом ақидасига риюя этмоқнинг олий намунасига айланди. Аммо айрим тариқатларда аҳли суффа ва зоҳидликдан мерос таркидунёчилик кайфияти кучли эди. Юртимизда шаклланиб, оламга тарқалган яссавия ва нақшбандия тариқатлари ўртасидаги асосий фарқ ҳам кўпроқ шу жиҳатда намоён бўлади. Ҳолбуки, ҳар икки сулук бир манбадан озиқ олган – Юсуф Ҳамадоний Аҳмад Яссавийнинг ҳам, Абудуҳолик Гиждувонийнинг ҳам пири эди.

Яссавияда зоҳидлик, таркидунёчилик устунлик қилади. Бу эса жамиятда ҳамма даврда ҳам муаммо туғдиради. Яссавия қисман ўтроқ, қисман кўчманчи ёки яримкўчманчи, хожагон-нақшбандия эса тамоман ўтроқ аҳоли ўртасида тарқалди. Бу икки тариқат ёйилган ҳудудлар аҳлининг ҳаёт тарзи ўртасида ҳам маълум тафовутлар бор эди. Нақшбандийлик эса аҳолининг барча тоифаси ҳаёт тарзига мос йўл эди.

Нақшбандия – тасаввуфнинг энг сўнги тариқати. У ўзигача бўлган барча сулуқлар тажрибаларини уйғунлаштириш асосида юзага келган. Бунда

босиб ўтилган йўл танқидий баҳоланган, кўп масалалар ислоҳ қилинган, айрим хато усул ва услублардан воз кечилган. Шу тариқа ухравийлик билан дунёвийлик бир-бирига чирмашиб кетган, яъни у дунёни деб бу дунёдан, бу дунёни деб у дунёдан воз кечилмайдиган ҳаёт тарзи шакллантирилган. Бу ҳақда Баҳоуддин Нақшбанднинг ўзлари “Бу тариқда оз амал била кўп футуҳ етишур”, деганлар (“футуҳ” – натижа, муваффақият, хайру барака маъносида).

– *Тасаввуф нафақат инсонларни маънавий камолот сари етакловчи таълимот, айни чоқда, илдизи олис ўтмишга бориб тақалувчи фалсафий тизим ҳамдир. Масалан, аллома Абу Ҳомид Ғаззолий тасаввуфни фалсафий мушоҳада ва ҳикмат ила бойитган. Аммо, тарихдан маълумки, кўплаб сўфийлар фалсафа ва ақлга шубҳа билан боқиб, тасаввуфнинг “фалсафийлашуви”га қарши чиққанлар. Бу борада Баҳоуддин Нақшбанд қандай йўл тутган? Нақшбандияга нисбатан “яхлит фалсафий тизим” ифодасини қўллаш мумкинми?*

– Маълумки, фалсафа – алоҳида фан. У табиат, жамият ва тафаккур тараққиётининг умумий қонуниятларини, олам ва унда одамнинг тутган ўрни ҳақидаги ғоя ва дунёқарашларни ўрганади. Платон асарлари, Аристотелнинг “Метафизика”си фалсафанинг антик даврдаги юксак намуналари эди. Шарқда Форобий, Ибн Сино ва бошқа алломалар фалсафа билан чуқур шуғулланди. Лекин фалсафани дин билан бир нарса деб бўлмади. Демак, тасаввуф ҳам фалсафа эмас. Масалани янада аниқлаштирсак, шариат – бошқа, тасаввуф (ирфон) – бошқа, фалсафа – бошқа. Замонамизнинг атоқли олими, бир муддат Эрон Ислом Республикаси Президенти бўлган Саййид Муҳаммад Хотамий “Ислом тафаккури тарихидан” асарида Абу Наср Форобийнинг шариат, ирфон ва фалсафани бир махражга жамлашга интилангани талай далиллар асосида баён этади.

Ижозатингиз билан мавзуга доир яна бир мисол келтираман. Биламизки, ишқ, ошиқ ва маъшуқ масаласи – ирфон, хусусан, тасаввуф адабиётининг бош мавзуларидандир. Масалан, Навоий “Садди Искандарий” дostonида Яратганга мурожаат қилиб, “Яқин англасам ғайр бордур адам, / Ўзунг ошиқу ишқу маъшуқ ҳам”, дейди. Тасаввуфда бу борадаги қарашларнинг ҳаммаси Куръони карим ва ҳадиси шарифга суянади. Ана энди Абу Али ибн Синонинг “Ишқ рисоласи”ни олиб кўрайлик. Бу асарда, гарчи исломий-тасаввуфий талқинларга ҳам муайян даражада ўрин ажратилган бўлса-да, олим ишқни асосан файласуф сифатида таҳлил этади. Яъни бир хил тушунча тасаввуф ва фалсафада турлича талқин этилмоқда.

Кези келганда тасаввуф ва фан муносабатига ҳам аниқлик киритсам.

Ғарбда “динийлик” ва “дунёвийлик” деган тушунчалар бор. Уйғониш даврида Европа тафаккури динийликдан воз кечиб, дунёвийлик сари интилган. Ўша даврлардан фан ҳам, адабиёту санъат ҳам “дунёвий” ва “диний”га бўлинган. Шўро даврида ана шу тасниф сунъий равишда миллий меросимизга нисбатан ҳам қўлланди. Қалам аҳли диний-мистик ва дунё-

вий ижодкорлар дея икки гуруҳга ажратилди. Масалан, биз университетда “Ўзбек дунёвий шеърляти Хоразмийнинг “Муҳаббатнома”сидан бошланади”, деб ўқиганмиз. Навоий ҳам “дунёвий адабиёт вакили” деб таърифланган. Илмнинг бугунги даражасидан туриб ёндашилса, бу хато ва жўн нуқтаи назар экани ойдинлашади.

Ислол Шарқида Куръони каримга барча илмларнинг асл манбаи деб қаралган. Илм ҳам тамоман бошқача тасниф қилинган. Куръонни ақл мантиғи билан тушуниш “илми зоҳир” деб аталган. Барча диний илмлар – тафсир, фикҳ (шариат), ҳадис, калом (ақида) худди кимё, риёзиёт, фалакиёт, тиббиёт ва бошқалар каби зоҳирий илм ҳисобланади. Куръоннинг ақл билан билиб бўлмайдиган маънолари ҳам бор-да. Уларни руҳ воситасида англаш мумкин. Бу илми ботин, яъни тасаввуфдир.

Тасаввуф аҳли илми зоҳирга беписанд муносабатда бўлмаган. Хусусан, нақшбандия илми зоҳир билан илми ботинни баравар ўрганишни тарғиб этган. Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат...” асарида баён этилишича, Хожа Баҳоуддиндан “Сизнинг тариқингиз биноси не ишгадур?” деб сўралганида, ул зот “Анжуманда хилват, зоҳир юзидин халқ била ва ботин тарафидин Ҳақ субҳонаху таоло била”, дейди. Асарда Куръони каримнинг “Уларни на тижорат ва на олди-сотди Оллоҳ зикридан чалғита олади”, деган ояти ҳам келтирилади. Бу билан нақшбандиянинг асосий шиори Каломуллоҳ ҳукми билан рост экани таъкидланмоқда.

– Ўн беш-йигирма йил аввал юртимизда тасаввуфни, жумладан, нақшбандийликни омма орасида тарғиб қилиш кучайди. Бу орада тариқатни тижорат деб билган сохта пирлар ҳам майдонга чиқди. Азалдан тариқат пешволари ўз табааларидан энг аввал шариатни пухта ўрганишни талаб қилганлар. Шариат илмини тўла-тўқис эгаллаб, мурушид имтиҳонидан ўта олганларгина чин солик дея тан олинган. Тасаввуфнинг ана шу қатъий қоида-сига риоя этилмаслиги оқибатида юртимизда шариатдан беҳабар тариқатчилар пайдо бўлди. Марҳум шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф “Тасаввуф ҳақида тасаввур” китобида куюниб ёзганидек, кир чопон кийиб, қийшиқ салла ўраган бу тоифа нақшбандия номига ҳам доғ туширди. Тасаввуф авом орасида тарғиб этилиши тўғрими? Нақшбандия оммага мўлжалланганми ёки у фақат хослар йўлими?

– Муҳим масалани кўтардингиз. Жумхур уламолар эътироф этган тариқатлар мўътабар силсила орқали Расулulloҳга (с.а.в.) бориб боғланади. Таассуфки, тарихимизнинг долғали даврларида ана шу силсила узилиб қолди. Хусусан, шўро давлати қаттиққўллик билан юритган даҳрийлик сиёсати минтақада чинакам тасаввуф шайхлари етишиб чиқишига имкон бермади. Хўш, бугун ўзини “тасаввуф пири” деб ҳисоблаётганлар мўътабар омонатни қайси шайхдан олган? Тасаввуф тарихи мутахассисларининг далолат беришича, юртимизда яссавия тариқати XVI асргача давом этган. Беш асрлик танаффусдан кейин бировнинг ўзини “яссавия пири” деб эълон қилишга ҳаққи борми?

Тўғри таъкидладингиз, ўтмишда муриди муридлар аввало шариат борасида мукамал илмга эга бўлганлар. Лекин кейинги йилларда диний билими кичик бир масжидга имомлик қилишга ҳам етмайдиган айрим кимсалар ўзини “тариқат пешвоси” чоғлаб, атрофига мурид тўплаб қолди. Айрим сохта пирлар эса азбаройи саводсизлиги ва манмансираши оқибатида ўн тўрт асрлик ислом арконларига мутлақо зид ғоя ва қоидаларни тарғиб қилаётир. Ана шундай сохта пирлардан бирининг интернетдаги маърузасини эшитдим. Кимки пирга қўл берса, ҳатто Азроил ҳам пирнинг рухсатисиз мурид жонини ололмаслиги ҳақида лоф уриб ўтирибди. Астаффируллоҳ!

Нақшбандия – тасаввуф ўтмишидаги кўп-кўп иллатларга чек қўйган тариқат. Афсуски, ўзини “нақшбандий” ҳисоблаб юрган баъзи юртдошларимизнинг хатти-ҳаракати бутун ислом оламида юксак эҳтиромга сазовор ушбу таълимот ақидаларига зид келаётганига гувоҳ бўляпмиз.

Баҳоуддин Нақшбанд “Бизнинг тариқимиз урвайи вусқодурур”, деганлар. “Урвайи вусқо” – мустаҳкам тутқич дегани. Улуғ авлиё бу истилоҳни Қуръон ва суннатга итоат этмоқ ҳамда саҳобаи киромга эргашмоқ, деб тушунтиради. Кўшимча қиладиларки, “суннат мутобаати риояти улуғ ишдурки, ҳар киши бу тариқимиздин юз уурса, анга дин хатаридур”. Бу талқинда шариат билан тариқатга яхлит бирлик сифатида қаралапти.

Шариат – ҳамма учун, тариқат – хослар учун. Шариатнинг тарғиботдаги мақсади – жаннатга тушиш, тариқатнинг тарғиботдаги мақсади эса Оллоҳ васлига мушарраф бўлиш. Ҳазрат Навоийнинг “Зоҳид, санга – хур, манга жонона керак” сатри билан бошланувчи рубойиси маълуму машҳур. Бу рубойини тасаввуф нуқтаи назаридан талқин этмасак, шўро даврининг даҳрий олимлари каби, калаванинг учини йўқотамиз ва лирик қаҳрамон жаннатни инкор этиб, майхонани истаётир, демак, динни рад қилмоқда, деб ўйлаймиз. Йўқ! Бу ерда зоҳидга сўфий қарама-қарши қўйилапти. Зоҳидлик сўфийликнинг дастлабки босқичи эди. Улар жаннат илинжида кечаю кундуз ибодатга берилиб, таркидунё қилган кишилар эди. Даврлар ўтиб аҳли тасаввуф бундан ҳам юқорироқ даражаларга интилди. Сўфийлар жаннатни асло инкор этмайди, лекин бу билан қоникмоқчи ҳам эмас: улар Оллоҳнинг жамоли талабида. Рубойида шариат билан тариқат бир-бирига қарши қўйилаётгани йўқ. Зоҳидлик билан сўфийлик ўртасидаги зиддият акс этипти, холос.

Одамзодга Ўзи инсоф бермаса қийин экан. Яқин-йироқларда тариқат пешвоси даъвосида юрган айрим “пир”лар ўзини хожа санаб, боёқиш муридларига қулдек муносабатда бўлаётгани ҳақида ҳам эшитиб қоляпмиз. Ваҳоланки, нақшбандияда тенглик кенг тарғиб қилинган. Қулдорлик ҳали барҳам топмаган замонларда ҳам Баҳоуддин Нақшбанд қул ёки чўри сақламаганлар. У кишидан бунинг сабаби сўралганда, “Қачон бандалиғ хожалиғ била рост келур?” деб жавоб берган эканлар.

– Юртимизда тасаввуф тадқиқига бир зўр берилди-ю, кейин негадир илмий изланишлар сусайиб, ҳатто тўхтаб қолди. Нима, тасаввуф тўлиқ тадқиқ этиб бўлиндими? Ёки уни расмона, теран тадқиқ этиш босқичи

келди-ю, бунга олимларимизнинг кучи етмадими? Нақшбандияга бағиш-лаб яратилган тадқиқотларнинг қайси жиҳатидан кўнглингиз тўлади, қайси жиҳатидан эса йўқ?

– Очиғини тан олиб айтганда, бу саволингизга тўлақонли жавоб бериш ваколатига ҳам, имкониятига ҳам эга эмасман. Чунки камина, асосан, адабиётшуносман. Тасаввуфшунослик эса жуда кенг қамровли соҳа, йўналишлари ҳам кўп. Тасаввуф тарихи, назарияси ва амалиёти бор. Бир мутахассиснинг шуларнинг ҳаммасидан бирдай бохабар бўлиши жуда мушкул.

Устозимиз Нажмиддин Комилов асос солган адабиётшунослик йўналишидаги ўзбек тасаввуфшунослиги изчил ривожланыпти. Эҳтимол кўпчилик устоз кўтарилган даражага етолмагандир. Лекин тасаввуфшунослик бўйича китобу тадқиқотлар ёзилапти, диссертациялар ёқланапти. Яқинда “Тўтинома” ва “Қуш тили” туркумидаги асарларнинг қиёсий-типологик ва текстологик тадқиқи” (Шафоат Ҳасанова), “Алишер Навоий шеъриятида Қуръон оятлари ва ҳадисларнинг бадиий талқини” (Олим Давлатов), “Маснавийи маънавий” ва “Лисон ут-тайр”даги ҳикоятларнинг қиёсий таҳлили” (Рашид Жумаев), “Мустамлий Бухорийнинг “Шарҳ ат-таърруф...” асари ҳамда унинг XI – XV асрлар Мовароуннаҳр ва Ҳуросон тасаввуф манбаларига таъсири” (Комилжон Раҳимов) мавзuidaги диссертацияларни ўқидим. Бу илмий ишлар тасаввуфшунослик бизда янги тўлқинда ривожланаётганини кўрсатади. Ёки камина ҳам иштирок этган, жами 46 босма табоқли икки нашрни айтиб ўтай. Олимлар жамоаси 2014 йили “Глобаллашув шароитида тариқатлар: таълимот ва услублар, таҳлил ва хулосалар” монографиясини, 2015 йили эса “Тасаввуф атамалари” изоҳли луғатининг биринчи китобини тайёрлаб, чоп эттирди. Афсуски, улар жуда кам ададда чиққани сабаб кенг китобхонлар оммаси бундан беҳабар қолди.

Давлатимиз раҳбари олиб бораётган сиёсатда исломий меросга янги муносабат намоён бўлиб турибди. Бу тасаввуфга муносабатнинг ҳам ўзгарганидан далолат беради. Жумладан, ўтган йили 10 ноябрь куни Бухородаги Мир Араб олий мадрасаси ҳузурида Баҳоуддин Нақшбанд тасаввуф илмий мактаби очилди. Ушбу илмий мактабда тингловчиларга, асосан, нақшбандия таълимоти, шунингдек, кубравия, яссавия, қодирия тариқатлари ўргатилади.

Ислом оғочи араб диёрида илдиз отган бўлса, унинг шохлари Мовароуннаҳрда гуркираб ўсиб, мева берган, деган қараш бор. Чиндан ҳам, аждодларимиз муқаддас динимиз ривожига улкан ҳисса қўшди. Бу ўринда олти буюк муҳаддиснинг икки нафари (Имом Бухорий ва Имом Термизий) диёримиздан етишиб чиққанини эсламоқ kifоя. Нақшбандиянинг ислом оламидаги энг илғор тариқат сифатида майдонга келиши учун ҳам бизда табиий замин бор эди. Гап шундаки, бу таълимотнинг айнан Бухорода шаклланишига омил бўлган мустақкам назарий асос мавжуд эди. Баҳоуддин Нақшбанддан тўрт аср олдин яшаган Калободий Бухорий араб тилида тасаввуф назариясига бағишланган “Ат-таъарруф ли мазҳаб аҳл ат-тасаввуф” (Тасаввуф аҳли йўлини танитиш) асарини битган эди. Кўп ўтмай

унинг шогирди Мустамлий Бухорий бу асарга тожик тилида батафсил шарҳ битган. Нақшбандия амалда ана шу қарашларнинг мантикий давоми сифатида юзага келган эди. Илм аҳли келажакда нақшбандиянинг Калободий ва Мустамлий асарларида илгари сурилган нуқтаи назарлар билан алоқадорлигини теран очиб бериши керак.

– Нақшбандия асрлар мобайнида турли ўлкаларга ёйилди. Бугун ҳам дунёнинг тўрт қутбиде ушбу йўлни танлаган қанчадан-қанча мусулмон умргузаронлик қилаётир. Аммо раҳматли олимимиз Нажмиддин Комилов “Тасаввуф” номли салмоқли тадқиқотида ўзини нақшбандий деб сановчи хориждаги кўпгина солиқлар асл йўлдан узоқлашганини қайд этади. Сизнингча, мазкур таълимотнинг софлигини сақлаб қолиш учун нима қилмоқ лозим?


– Ҳозирги глобаллашув даврида тасаввуфга муносабат – ҳам нозик, ҳам қалтис, ҳам мураккаб. Ўтмишда, ислом учун дориломон бўлган замонларда ҳам жамиятнинг сўфийларни қабул қилиши осон кечмаган. Акс ҳолда, Мансур Ҳаллож, Мажидиддин Бағдодий, Шамсиддин Табризий, Имоиддин Насимий, Бобораҳим Машраб ва бошқалар қатл этилармиди! Сирасини айтганда, тарихда жамият билан тасаввуф ўртасида кўп бора зиддиятлар юз берган.

Негаки, тасаввуф ғоясини ҳар ким ҳам тушунавермаган. Хос кишилар, яъни озчиликнинг ҳаёт тарзи бўлган тасаввуфни кўпчилик, яъни омма тўғри қабул қилмаган. Масжид билан хонақоҳ, яъни расмий дин аҳллари билан сўфийлар ўртасида ҳам ихтилоф бўлиб турган. Боз устига, аксар шайхлар ҳукмдорларга бўйин эгишни хуш кўрмаган, чақирса, бормаган, туҳфасини олмаган, хизматига кирмаган ва ҳоказо. Айни чоқда, баъзи подшоҳлар атрофига мурид тўплаган шайхларни, одамларни чалғитади, дея, ўзга элларга бадарға қилган. Нақшбандия ана шу вазиятларни нозик ҳисобга олган ҳолда иш кўрган тариқат бўлгани учун умрбоқийлик касб этди ва бугунги кунгача яшаб келаётир.

Ислом оламида ҳозир ҳам тасаввуфга муносабат бир хил эмас. Масалан, Сауд Арабистонида тарқалган мафкура асосида таълим олган мусулмонлар учун тасаввуфнинг кўп жиҳатлари мавҳум ва тушунарсиз. Шу боис замондошимиз, суриялик олим Юсуф Хаттар Муҳаммад “Тасаввуф қомуси” деган катта китоб ёзди. Унда сўфийлик таълимотининг муҳим-муҳим жиҳатлари Қуръони карим, ҳадиси шариф ва бошқа назарий манбалар асосида тушунтириб берилган. XX аср эрон тасаввуфшуноси Саййид Жаъфар Сажжодийнинг “Тасаввуф атамалари ва иборалари луғати” эса бой меросни ҳозирги замон кишиси дунёқарашини ҳисобга олган ҳолда изоҳлагани билан қимматли. Қани эди, нашриётларимиз шу икки китобнинг ўзбекча таржимасини чоп этса. Кўпчиликни қийнаб келаётган мураккаб саволларга аниқ-тиниқ жавоблар топган бўлар эдик.

Демак, тасаввуфнинг поклигини сақлаш учун бу борадаги илмий излашларни кучайтириш зарур.

Абдул СОБИР суҳбатлашди.



Oriflar olami

Мусаввир Файзулла Аҳмадалиевнинг ижодий бисотида тасаввуф мавзусига бағишланган картиналар талайгина. Мўйқалам устаси авлиёлар, тариқат пирлари, дарвешу қаландарлар ва зоҳидлар тимсолини ўзига хос тарзда талқин этиб, таъбир жоиз бўлса, ўз орифлар оламини яратган.


Оламнинг бебақолиги ҳақидаги сўфиёна ғояни қай ранглarda ифодалаган маъкул? Ҳақ висолига етиш орзусида дунё хою хавасларидан воз кечган зоҳид тимсолини-чи? Бу борада Шарқ миниатюра санъатида анъана ва усуллар шаклланганини қайд этиш жоиз. Аммо рассом Ф.Аҳмадалиев салафлари истифода этган шаклу усулларни шунчаки такрорламайди, аксинча, янги шаклу усулларни топишга ҳаракат қилади.

“Дарвешнинг аъмоли” асарида ҳақ йўлидаги ориф тимсоли тасвирланган. Унинг қиё-

фаси, юз ифодаси аниқ кўринмайди. Бу эса унга сирлилиқ бахш этади. Расмдаги мураккаб чизиқлар ва битиклар дунёнинг адоқсиз зиддиятлари, қарама-қаршиликлари хусусида нақл қилаётгандек.

“Дарвешлар мажлиси” асарида ҳам фано ва бақо мавзуси давом эттирилган. Ўйчан қиёфадаги қаландарларнинг бири кулоҳ, бошқа бири дўппи кийган, чопонларининг ранги ҳам турлича. Бизнингча, бу орқали муаллиф тариқат йўлига кирган сўфийларнинг турфа йўлу турфа мақомига ишора этади.

“Уч дарвеш” картинаси ҳам рамзларга бой. Ойнинг хира ёруғида уч қаландар хаёл сураёттир. Улар олами кубро ва олами сурро ҳақида мушоҳада юритаётган бўлса не ажаб. Дарвешлар ботинидаги сакинат уларнинг зоҳирида ҳам тажалли этаётгандек. Ой тимсоли ҳам шунчаки поэтик маъно



1



2



3



4

1. *"...гулу лола".*
2. *"Ҳақ ошиқлари".*
3. *"Сарчашма".*
4. *"Ҳаёл – учқур от".*
5. *"Ҳазратга аталган аргумоқ".*
6. *"Бухорои шариф".*

ташимади. Самода бедор кезинган қамарни тўртинчи дарвеш деб қабул қиласиз.

Мусаввирнинг "Сув элтаётган дарвеш", "Қушлар маликаси", "Уйқудаги қаландар", "Ҳақиқат йўли", "Авлодлар", "От", "Дарвешнинг туши", "Ҳаёт карвони", "Баҳоуддин Нақшбанд" каби асарларида ҳам ҳикмату маърифат тараннум этилган. Марҳум санъатшунос Нодир Норматов ёзганидек, Файзулла Аҳмадалиев барпо этган рангасвир маконига сайр қилган санъат муҳиби миллатнинг хотираси ва этномаданиятига ошно бўлади.

Муаллифнинг шарқона мотивлар асосида чизилган ўнлаб картинаси дунёнинг машҳур музейлари фондидан ўрин олган.

Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,
санъатшунос



5



6



*Shafaqdan bir qadah
cho'g' olib ichsam...*

Олтинчи сезги

Куннинг кулгусида, ой йигисида,
Тонгнинг туркусида, шом қайгусида,
Мен уни кўрганман, уни кўрганман.

Юлдуз табассуми, сув товушида,
Дилнинг қонли хуми, жон ҳовучида
Мен уни кўрганман, уни кўрганман.

Шафақ лолазори, тун зулматида,
Хотира мазори, гунг суҳбатида
Мен уни кўрганман, уни кўрганман.

Шабнам кўзёшида, сабо оҳида,
Бир тош бардошида, бир ишқ чоҳида
Мен уни кўрганман, уни кўрганман.

Қорлар оташида, кўклам шаштида,
Видо қарашида, дийдор гаштида
Мен уни кўрганман, уни кўрганман.

Тупроқ нафасида, нурнинг сасида,
Хаёт ва ўлимнинг чегарасида
Мен уни кўрганман, уни кўрганман.

Пиёда

Кетсам... далаларни оралаб кетсам,
 Қирлар, адирлардан пиёда ўтсам,
 Уфқни кўнглимга гўшанга тутсам,
 Шафақ гулзорида мен сени кутсам...

Шамол дўстим бўлса, булут ҳамроҳим,
 Ёлғизоёқ йўлда йўлдошим – оҳим.
 Жунжикса ҳисларим, совқотса руҳим,
 Шафақдан бир қадаҳ чўғ олиб ичсам...

Кетсам... кетаверсам... тугамаса йўл,
 Кун – қуёш, тун – ойга бериб юрсам қўл,
 Далалар кўзимдай шудрингларга мўл,
 Кўнглим дафтарини шамолга очсам...

Бу шеър тугамаса... йўл ҳам беадоқ...
 Бир ёни майсазор, бир ён қизгалдоқ,
 Юракка айланиб кетгунча оёқ
 Кетсам... далаларни оралаб кетсам...

Юнус Эмрога

Зангори воҳаларда хаёлим кетмогдадир,
 Қутбларни оралаб шамолим ўтмогдадир.
 Камолим қаёғда-ю, уволим қаёғдадир?
 Хоки тан буюғда-ю, руҳи шаън уёғдадир.

Заволдан гул ундирдим заволли дунёларда,
 Ризвон бўйини сездим ёнарқум саҳроларда,
 Оқар тоғларни кўрдим мен оққан дарёларда,
 Сайри жон буюғда-ю, сайри онг уёғдадир,
 Сайри шом буюғда-ю, сайри тонг уёғдадир.

Йўл аро йўл бўлибман, дил ичра дилман яна,
 Гулга зор гулзор ичра гул узор гилман яна,
 Ўзимдан Худогача узанган йўлман яна,
 Хоки тан буюғда-ю, руҳи шаън уёғдадир!



Мутолаа ёхуд рақамли шеър

“Ер” деган 2 товушли сўзни
Ўқишга 30 йил керак бўлар-ов.
“Она” деган 3 товушли сўзни
Ўқишга 50 йил камлик қилар-ов.
“Ватан” – бу сўздаги 5та товушни
5-авлодинг ўқий олар-ов.

Муҳаббат ҳижрати

Саргайган бир китоб ичида
Хазонли бог бўйлаб бораётгандай
Саҳифалар оралаб борар эканман,
Ногаҳон мен сени учратдим...

Ҳарфлар орасидан кулиб турардинг,
Жаннат ифор сочар табассумингда,
Ҳаводай эрирди метин жумлалар.

Саргайган бир китоб ичида
Кеч кузги далада бораётгандай
Кўнглимни оралаб борар эканман,
Ногаҳон мен сени учратдим...

Дунёдан топмадим – минг йил изладим,
Ҳаётдан, ўлимдан топмадим сени...
Шодликдан, қайғудан топмадим сени...
Саргайган бир китоб ичидан топдим.

Энди мен кўнглимнинг кўчини олиб,
Кўчиб ўтмоқдаман ўша китобга...

Саволдаги жавоб

Эй чапак тиланчиси,
чалпакларга етдингми?
Эй қорин эланчиси,
кепакларга етдингми?
Эй кўпик тиланчиси,
Пуфакларга етдингми?
Эй тупук булганчиси,
Тувакларга етдингми?

Эй дунё бузгунчиси,
 Кўппакларга етдингми?
 Эй ҳаё бузгунчиси,
 Қарсақларга етдингми?
 Қарсақларга етдингми,
 Эй ҳаё бузгунчиси?

Бош ҳарфсиз исмлар

Фожиа устида рақсга тушувчи,
 Аза чоғи ялла айтиб жўшувчи,
 Ўз севгисин ўзгаларга қўшувчи...
 Уларнинг исми не десам, дедилар:
тушувчи жўшувчи қўшувчи

Онасин кафанин пуллаб сотувчи,
 Қулбозорда тили туллаб ётувчи,
 Ўз номусин манглайдан отувчи...
 Уларнинг насли не десам, дедилар:
сотувчи ётувчи отувчи

Етимлар нонини туя қилганлар,
 Кўзёшлар устида мастон кулганлар,
 Ўлимга етмасдан тирик ўлганлар...
 Уларнинг асли не десам, дедилар:
қилганлар кулганлар ўлганлар

Қассоб ва капалак

Ховлида қўй сўяётган қассоб
 Хоридими.. бир муддат тинди.
 Бир капалак учиб келди-да, шу тоб
 Қассобнинг қон қўлига қўнди.
 Қассоб ҳайрон эди...қимирласа бас,
 Учиб кетар эди шундай мўъжиза.
 Шу лаҳзада асло у қассоб эмас,
 Гулми, капалакми эди ўзича.
 Тош қотиб турарди қассоб жонсарақ,
 Кўнглидан не кечар, бошидан не ўй?
 Қўлида адашиб қўнган капалак,
 Бир қадам нарида бўғизланган қўй.

Шом ҳикмати

Бахмал чимилдиққа қуёш ҳам кирди,
Шом босиб келарди адирлар томон...

Ногаҳон кўзларим уфқида кўрдим:
Бир чолни етаклаб борарди Имон.

Кузги туйгуларин йўлларга тўшаб,
Куз каби мункиллаб борар эди у.

Кўп хокисор эди отамга ўхшаб
Ва отамга ўхшаб йиғлар эди у.

Шафақларга туташ кимсасиз йўлда
Бир чолни етаклаб борарди Имон.

Йўл узра сочилган излари гуллаб,
Сингиб борардилар шафақлар томон.

Қандай хуш манзара: чол билан Имон
Етаклашиб борар мовий эшикка.
Охир манзилларда ҳеч кимни, Раҳмон,
Еталатма қилма, ит ё эшакка.

Дунё йўлларида кўп йиллар юрдим,
Не сирлар кўрсатар Ер ила Осмон.
Ногаҳон кўзларим уфқида кўрдим:
Бир чолни етаклаб борарди Имон.

Чайладаги тун

Даши осмони.. олтин чечаклар..
Фалак нурли гулларга тўлган.
Тогдан қорлар исин етаклаб,
Шабадалар меҳмонга келган.

Бир пайтлар шу ерда тунаган отам...

Ҳеч сезилмас дунё торлиги,
Кўнгил ҳам кенг, даши ҳам беадоқ.
Бу дунёда товуш борлигин
Эсга солар фақат чирилдоқ.

Шу ерларда мени соғинган отам...

Олма бўйли муаттар ҳаво,
Уфқларда теран хўрсиниқ..
Териб юрар ой нурун сабо,
Хотиралар ётади синиб.

Шу ерда йўлимга қараган отам..
Бир пайтлар шу ерда тунаган отам...

Вақт

Танишай дегандим Оқарсув билан,
Фурсат тополмасдан шошди-да, кетди.
Дардлашай дегандим Хуришамол билан,
Тоқат қилолмасдан қочди-да, кетди.

Оқарсув орқага қайтмайди энди,
Хуришамол ҳам қайта ўтмайди энди.

Учрашай дегандим Гулчақмоқ билан
Бир табассум қилиб, сўнди-да, кетди.
Дўстлашай дегандим Дуришабнам билан
Кипригимга ёшдай қўнди-да, кетди.


Гулчақмоқ фалакка тушарми қайта,
Дуришабнам менга гап қўшарми қайта?

Уларга йўл бўлсин, менга йўл бўлсин,
Кундузлар оралаб, оралаб тунлар!
Дақиқалар сайин, соатлар сайин
Олислаб боради биздан бу кунлар.

Бў кунлар ортига қайтарми энди,
Бу ойлар кўнгилга ботарми энди?

Ҳаводай ҳаваслар

Умр ўтиб, аслимга қайтайми, болам,
Сенга ҳавасимни айттайми, болам:
Мен ҳам садарайҳон бўлсам эди,
Атиргулдай порлаб кулолсам эди.
Сўзимни тошларга ўяйми, болам,
Дардимни бошларга қўяйми, болам...
Намозшомгул баҳрин ололсам эди,
Ҳамал тоқларидай йиғлолсам эди.
Зангор кенгликларга тўшалсам, дейман,
Минг йиллик орзудай ушалсам, дейман.
Сенга юрагимни очайми, болам,
Тушларимни сувга сочайми, болам?..
Бўлсам... қизгалдоқдай бўлсам эди,
Ўлсам... ялпизлардай ўлолсам эди.



Аҳмаджон МЕЛИБОВ

CHINGIZ – DENGIZ DEMAK



1974 йили Тошкент давлат – ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетини битираётиб, Фрунзе (ҳозирги Бишкек) шаҳрида машҳур адиб Чингиз Айтматов билан учрашишга муяссар бўлганман. Чингиз оға республиканинг бош кутубхонаси раҳбарларига “Ушул жигитге жардам қилингиз” деган мазмунда хат ёзиб берди. Икки ҳафта столдан бош кўтармай, ёзувчининг маҳаллий газеталарда рус ва қирғиз тилларида эълон қилинган мақолаю суҳбатларини ўқиб чиқдим, керакли маълумотларни тўплادим. Ишим битгач, ийманибгина у кишининг идорасига бордим. Чингиз оғанинг ёрдамчиси шоир Жўлон Мамитов адиб билан яна бир бор кўришимга кўмаклашди. Минг хижолат билан ичкарига кирдим. Чингиз оға муқовасига “Бунин” деб ёзиб қўйилган китобни ўқиб ўтирган экан.

– Хўш, жигит, ишларинг битдими, маға қандай суроо бар? – деди мен билан сўрашар экан. Биринчи учрашувимизда қирғиз тилида сўзлашишга озроқ ҳаракат қилганимдан хурсанд бўлиб, “Тил билуу абдан жақши”, дея янги китобига “Иним Аҳматжан Мелибаевга журналистик майданда ийгилик тилеймин” деб дастхат ёзиб берди.

Саволларим кўп эди. Ҳаяжон босиб турибди. “Правда” газетасида эълон қилинган

“Бу сизнинг айбингиз, ҳамқишлоқлар” фельетонидаги жабрдийда Асилгулни эсладим, унинг кейинги тақдирига қизиқдим. Чингиз оға бўлган воқеани гапириб берди. Асилгул ҳозир овулда яхши яшаётгани, яқинда ундан мактуб олганини айтди.

– “Сарвқомат дилбарим”даги Асал образининг прототиби шу Асилгул бўлса керак, – деб сўрадим.

– Асал тўқима образ, аммо сен тўғри пайқабсан, Асилгулнинг Асалга ўхшаган жойлари бор, – деди Чингиз оға.

Бу гапдан сўнг бир оз дадиллашдим: “Момо ер”даги Тўлғаной очеркингиз қаҳрамони Телегей Алмамбетовнага ўхшаб кетади...

– Буни-да яхши пайқабсан.

Ёзувчи ёндафтаримга фикрларини ёза бошлаганимни кўриб, тушунтира кетди:

– Сен жигит, яхши билишинг керак, ёзувчи бадий асар устида иш бошлар экан, ҳаётда бўлиб ўтган, ўзи гувоҳ бўлган воқеалар, одамлар тақдири, қийинчиликлар, адолатсизликлар кўз ўнгидан ўтади. Асар сюжетини ишларда шу воқеаларнинг таъсири бўлади, албатта. Ойбек, Абдулла Қаҳҳор ёзган китобларни ўқиган бўлсанг керак, уларнинг энг йирик полотнолари тўғридан-тўғри ҳаётдан олинган. Тошкентга борганимда Ойбек менга

Алишер Навоий тўғрисида роман ёзишдан аввал бу генийнинг ҳаётини чуқур ўргангани, илмий мақолалар ёзганини айтиб берган. Менда ҳам шундай бўлган, буни тўғри сезибсан. Лекин бундан бадиий асарда фақатгина ҳаётда юз берган воқеалар акс этади, асар қаҳрамонларининг жонли прототиплари бўлади, деган фикр келиб чиқмайди. Бу тўғрида олимларнинг фикри бошқача бўлиши мумкин, бироқ, менинг ўйимча, бадиий асар ёзувчи ички сезимининг меваси.

– Яхши журналист бўлиш учун нима қилиш керак? – деб сўрадим суҳбат якунланган ётганини сезиб.

– Ой, бунинг “правиласи” йўқ. Бироқ, сенга айтарим шуки, журналист кўп ўқиши, эл орасида юриши, дардини билиши, кувончларига шерик бўлиши керак. Устюртда мухбирлик қилиб юрганымда, газчиларнинг ҳаётини ўргандим, абдан қийин, унча-мунча одам дош бера олмайдиган иш. Шу ерда газ қувури портлагани, еру осмон қўшилиб ёна бошлагани, темир платформалар саригёғдай эриганини кўрдим. Тасаввур қиласанми: ажал олови аждаҳодай ҳамла қилиб турибди, яқинига йўлатмайди. Жаҳаннамнинг ўзи дейсан, ундан-да хатарли. Шунда ҳам азамат кончилар, ўт ўчирувчилар, мутахассислар ҳаётини таҳликага солиб, юз-кўзлари қизариб-қорайиб, кийимларига ўт илашганига ҳам қарамай, жон ҳолатда у ёқдан бу ёққа чошиб ишламоқда, оловни ўчиришга уринмоқда. Мана буни қаҳрамонлик деса бўлади. Пахта ҳақида ёзган мақоламни ўқиган бўлсанг керак (“Правда” газетасида 1964 йили эълон қилинган “Пахтанинг ойдin йўли” мақоласи кўзда тутилмоқда – **А.М.**), уни ёзиш учун, билсанг, о-ойй, Мирзачўлни бошдан оёқ кезиб чиқдим, Тошкент, Андижон, Бухорою Самарқандда бўлдим, кино архивида ишладим, тарихий обидаларни кўрдим, ноёб ҳужжатларни кўздан кечирдим. Таниқли одамлар билан суҳбатлашдим. Ойдin кечаларда тележжалар турнақатор бўлиб, ўзбек деҳқонлари етиштирган ҳосилни пахта омборларига ташиётгани, бу иш одамларнинг қон-қонига сингиб кетгани мени илҳомлантирди. Пахта етиштириш нақадар машаққатли иш эканини ҳис қилибгина қўлимга қалам

олганман. Зарафшон дарёси тошиб, қирғоқларини ювиб, атрофга гўлгула солганини ҳам кўрганман. Жувалида буғдой ўрими кузатганман. Биз нон ҳиди деймиз, аммо буғдой ҳиди демаймиз. Ҳозиргина комбайн бункеридан тўкилган



буғдойни кафтингга олиб, унинг ҳеч нарсага қиёслаб бўлмайдиган ҳидини туйганмисан, буғдой доналарининг олтиндай товланишини-чи, кўрганмисан? Бир ҳовуч буғдой унидириш учун қанча меҳнат сарф бўлишини ўйлаб кўрганмисан? Мана, яхши журналист бўлишнинг сири қаерда, иним. Агар мен бу воқеаларни ўз кўзим билан кўрмаганимда, таҳликали пайтларда одамлар ўзини қандай тутишига гувоҳ бўлмаганимда, қанча ёзмайин, мақтовни келиштирмайин, чиройли сўзларни маржондай тизмайин, журналистлик бурчимни бажара олмаган бўлардим. Бизда мухбирлар кўпинча хоналарида чойнакнинг қопқоғини ўйнаб ўтириб, ичидан тўқиб-чатиб ёзади. Мақолага, у катта бўладими, кичикми, ёлғон қўшилмаслиги керак...

Ҳар гал қўлимга қалам олганимда адибнинг шу сўзлари ёдимга тушади. Маркесни эслайман: “Журналистика ялқовликни унутишга ёрдам беради. Журналистика мени елиб-югуришга ундайди, ёзув столига ўтирғизиб, ёзишга мажбурлайди, қандай шароит, қанақа муҳит, ҳатто меҳмонхонада бўлсам ҳам... Журналистиканинг ёзувчига берадиган кўмаги ишдаги жонли мисоллардангина иборат эмас. У сўз билан доимий алоқада бўлишга кўмаклашади”.

Чингиз Айтматов ижодининг ўзига хос жиҳатларидан бири шуки, у дастлаб газеталарда эълон қилинган танқидий-таҳлилий мақолалари билан эътиборга тушди. Болалиги уруш йилларида тўғри келган, ҳаётнинг не-не синовларини бошдан ўтказган, хуш-нохуш воқеаларга гувоҳ бўлган, эл-юрт кезиб

чарчамаган Айтматов қаламига мансуб мақолаларда ҳаётнинг аниқ-тиниқ манзаралари, реал тақдирларга, бизга худди аввалдан таниш одамларга (Илёс, Танабой, Сеит, биринчи муаллим, Олтиной) дуч келамиз, юзаки, ҳиссиз фикр-мулоҳазалар, куруқ баёнчилик учрамайди, аксинча, муаммолар ошқора кўрсатилади, йўл кўйилаётган камчиликлар рўй-рост таҳлил этилади. Журналист Айтматовнинг қаҳрамонлари – оддий одамлар, аммо уларнинг ҳар бири ўз оламига, бошқаларникига ўхшамаган тақдирига эга. Жонли ва содда тилда ёзилган, миллий туйғу билан суғорилган, чуқур лирик кечинмалар, романтик бўёқларга бой “Газетачи Дзюйдо”, “Ашим”, “Қизил олма”, “Сепоячи”, “Оқ ёмғир”, “Рақиблар”, “Байдамтол соҳилларида” каби ҳикоялари, “Жамила”, “Юзма-юз”, “Сарвқомат дилбарим”, “Бўтакўз” қиссаларида буни аниқ сезиш мумкин. Адиб уларда инсон ҳаётига доир муҳим ижтимоий-маънавий муаммоларни қирғиз адабиётида (бошқа миллий адабиётларда ҳам) шу кунгача устунлик қилиб келган анъанавий талқин усулларидан тамомила бошқача тарзда кўтариб чиқишга журъат этди. Бу – қирғиз адабиёти остонасида янги истеъдод соҳиби турганидан далолат эди. Чиндан ҳам дастлабки китоби – “Тоғ ва дашт қиссалари” Айтматовни машҳурлик чўққиси сари етаклади. Тадқиқотчилардан бири “Қирғиз халқи жаҳон маданияти хазинасига “Манас” эпосини, энди эса Чингиз Айтматовни бердики, бу икки буюк ҳодиса ушбу халқ тўғрисидаги тасаввуримизни янада бойитди” деб ёзган, қирғиз адиби Мар Бойжиев эса “Чингиз Айтматовнинг миллий мавзуда асар ёзиш маҳорати бизга халал беради. У бу ишни шу қадар баланд чўққига кўтариб кўйдик, эндиликда биз бу мавзуга қўл урадиган бўлсак, Айтматовдан ўтказиб ёзишимиз керак. Бунинг сира иложи йўқ”, деган эди. Адиб кичик бир миллат мисолида ҳам бутун инсониятга тегишли муаммоларни кўтариб чиқиш мумкинлигини исботлади.

Айтматов ижоди, Асил Рашидов таъкидлаганидек, “ўз-ўзидан, куппа-қуруқ заминда юзага келмади. Аксинча, бир халқ иккинчидан, ёш авлод кекса авлоддан, бир ёзувчи иккинчи ёзувчидан сабоқ ўрганиб келгани

сингари, унинг ноёб истеъдоди ҳам мавжуд ижтимоий шароитда ва янги тарихий заминда юзага келди ва тез суръатлар билан равнақ топа билди”. Айтматов сўз санъатига қирғиз адабиётидаги, бу қадим тупроққа ёндош бошқа миллий адабиётлардаги илғор тажрибаларни чуқур ўзлаштирган, мағиз-моҳиятини чаққан ҳолда кириб келди, десак хато бўлмайди. Муҳими шундаки, Чингиз оға собиқ тузумнинг қон-қонимизга, онг-шууримизга сингиб кетган мафкуравий қадриятларидан воз кечиш пайти келганини бошқалардан кўра эртароқ сезди. Бу сезимини дастлаб танқидий мақолаларида, сўнг бадиий асарларида баён эта олди. Танқидчи Қ.Бобулов айтганидай, “Айтматов ўзидан олдинги касбдош оғларнинг юмшоқ бешигида улғайган бўлса-да, ижодкор сифатида бундан буён бу бешиқда бамайлихотир ётавериш мумкин эмаслигини пайқаган эди”. Адабиётшунос К.Асаналиев Айтматов ижодидаги бир хусусиятни бундай изоҳлайди: “Чингиз Айтматов ўз сўзига, ижодига ёлғон аралаштирмаган, ҳақиқат қанчалик аччиқ бўлмасин, уни бутунича, таг-туғича айта олган ёзувчилар сирасига киради. Шу жиҳатдан олиб қараганда, у аёвсиз чинчи (ҳақиқатчи), ростгўй ёзувчи. Қаҳрамонларига нисбатан аёвсизлиги ёзувчига хос оқ ниятдан, турмушда учраб турадиган зиддиятларни суваб-сийпаламай, тараб-бутамай асл ҳолича айтиш мақсадидан келиб чиқади”.

“Жамила” қиссаси муаллифни оламаро машҳур қилди. Бу тўғрида кўп ва ҳўб ёзилган. Аммо айна шу асари учун муаллиф эшитмаган танбеҳ қолмаган. “Жамила” чоп этилганида ўзимизнинг туппа-тузук ёзувчимиз бирдан унга ёпишиб қолди, – дея хотирлайди адиб. – Қиссани фирқа мажлисида, жамоатчилик кўз ўнгида ер билан яксон қилди. У ўзининг қиссага қўйган айбларида бадиий ижодда маъно ва мазмун партия сиёсатига уйғун бўлиши, ижодкор социалистик реализмдан чекинмаслиги, идеологиянинг бошқа қатъий талаблари ҳақида узоқ сафсата сотиб, охири оиланинг бузилиши коммунистик ахлоқ принципларида катта зарба эканини таъкидлади. Оила бирлиги ва аҳиллиги партия ва жамиятнинг асосини ушлаб турган муҳим таянч эканини урғулаб,

ниҳоят, менинг қиссам ана шу ғояларга мос келмаган сюжет асосида ёзилганини “фош” этди”. (Айтматов Ч. “Болалигим”. Фафур Фулом номидаги нашриёт-ижодий матбаа уйи. Тошкент, 2008. 71-73-бетлар).

Айтиш зарурки, бундай эътирозларнинг ўзига яраша “сабаблари” бор эди. Жамила урушда қон кечиб юрган эрини ташлаб, бошқа биров билан, яна денг, қайниси Сеит хайрихоҳлигида қочиб кетади. “Бўтакўз” ҳикояси қаҳрамонларига эътибор беринг: “академик” лақабини олган, “ҳозиргача араванинг шотисини ҳам, бўйинтуруқни ҳам ушлаб кўрмаган” Камолнинг сўзлари: “Нега таҳқирланган, хўрланган мен бу аччиқ шувоқзор, шўр босиб ётган кенгликларни кезиб чиқишим керак экан? Қаёққа назар ташлама – куп-қуруқ, жонсиз биёбон, яйдоқ дала. Бу ерда одамзод учун нима бор? Унинг яшаши учун бошқа жой қуриганми?”

Шу ҳикоядаги Абубакирнинг таърифи: “Мунча баджаҳл, мунча заҳар бўлмаса. Юзи анча хунук, ёноқ суяклари бўртиб чиққан, қўллари арслон панжасидай бақувват, аммо ўзи анча хушқомат, кўзлари бўлса важоҳатли, совуқ, сал нарсага қонга тўлади. Жони бўғзига келади. Бундай пайтларда эҳтиёт бўлмасанг ғажиб ташлайди.”

Садабекнинг хотини Алдей (Садабек билан Абубакир уришиб қолганда Абубакирга): “Қани, тегиб кўр-чи! Кўзларингни ўйиб олайки, ўзингни ўзинг танимай қолгин.”

Сақмончи қиз: “Ўзимнинг ҳам оқин сувларни кўргим келиб кетди. Кўзиларим ҳам зилол сув қанақа бўлишини билсин дедим! Кўзиларни боқиб, катта қилиб чўпонга топшираман, кейин университетга ўқишга кетаман...” Камол: “Вақти-соати етса, мен ҳам ўқимоқчиман. Бироқ мен механизация мактабига кираман...”

Бир қарашда, Чингиз Айтматов ҳақиқатан ҳам адабиётда ўша йилларга хос аъналардан четга чиқаётгандай, уларни менсимайётгандай. Ахир, қаёқдан келиб қолди бунақа “дурагай” қаҳрамонлар – ўзи қирғиз бўлса, овулда яшаса-ю, шу чоққача бўйинтуруқни билмаса? Қачондан бери яйдоқ дала, шувоқзору янтоқзорлар унга бегона бўлиб қолди? Қаёққа кетмоқчи? Ҳамма кетаверса, ҳамма университетда, механизация мактабида ўқи-

са, яйловда ким қолади, чорвани ким боқадди? Бу ҳам майли, қирғизлар шунақами – заҳар, баджаҳл, кўзлари важоҳатли, сал нарсага қонга тўлади. Аёл киши “кўзингни ўйиб оламан” деб турибди. Жамила куппа-кундузи қочиб кетди, Алиман бировдан ҳомиладор бўлиб қолди. Қайнонаси Тўлғаной бир нима деяётгани йўқ. Урушдан қочиб келган биринчи киши қирғиз бўлиб чиқди. Бу нима? Миллат шаънини ерга уриш эмасми?

Ўтган асрнинг етмишинчи йиллари Чингиз Айтматов ҳар чорраҳада, ҳар йиғинда айна шу саволларга, таъсирчан “ғоявий зарба”ларга дуч келар эди. Адибнинг уларга жавоби танқидга учраган асарларининг мағзидан келиб чиқади: ҳаёт, одамлар, турмуш тарзи ўзгармоқда. Дунёвий воқеа-ҳодисалар онг-шуримизда ўз ифодасини топаётир. Инсоният тақдири ягоналик томон юз бурмоқда. Буни англамаслик мумкин эмас. Ҳар бир миллий адабиёт олдида умуминсоний, умумбашарий вазифалар билан бирга, фақат шу адабиётга хос бўлган миллий вазифа ҳам туради. Аммо “миллийлик” тушунчасини тўғри англамоқ лозим: “миллий вазифа” замирига “миллий маҳдудлик” тушунчасини сингдириш, бир миллатнинг иккинчи бир миллатдан улуғлигини исботлашга уриниш каби ҳаракатларни оқлаб бўлмайди. Бундай ҳаракатлар, охир-оқибат, маънавий қашшоқликка олиб келади. Борди-ю, гап бирор миллатнинг қадим мозийдан то шу кунларгача етиб келган урф-одатлари, маънавий-ахлоқий қадриятлари, айна шу халққа, шу миллатга мансуб турмуш тарзи, таомиллар, тил, имон-эътиқод ва сажия, яъники миллий ўзига хосликни сақлаб қолиш ҳақида бораётган бўлса, бу ҳаракатни умуминсоний тараққиёт манфаатларига мос келмаслик деб баҳолаш мутлақо ўринсиз.

Айтматов адабиётга соф миллий ёзувчи сифатида кириб келди ва узоқ йиллар айна шу позицияда қатъий турди. Унинг ҳар бир асари адабиёт ихлосмандлари билан бирга, бошқа касб эгаларини ҳам оҳанрабодек ўзига тартади. Бунинг боиси, ёзувчи қаламига мансуб роман ва қиссалар, ўткир мушоҳадали публицистик мақолалар, нуфузли анжуманлардаги мағзи тўқ маърузалар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди, негаки, уларда наинки

бугуннинг, айна чоқда эртанинг, яқин келгусининг, бир миллат ёки мамлакатга эмас, бутун инсониятга, Ер юзида тинч-тотув ҳаётни сақлаб қолишга бевосита тааллуқли ҳақиқатлар, бошқалар айтишга журъат эта олмаётган муаммолар куюнчаклик ва журъат билан тадқиқ этилади.

1990 йили Ўш ва Ўзганда қонли қирғин содир бўлганида Чингиз Айтматов шу чоққача минбарларни бўшатмай келаётган айрим адаблар сингари ўзини четга олмади. Мажародан жафо чеккан ҳар икки томоннинг дардига дарддош, қайғусига қайғудош бўлиб, улар ёнида турди. Икки туркий қавмни тўқнаштириш аслида кимларга керак бўлиб қолганини куюниб, ички бир изтироб билан тушунтирди, телевидениеда чиқиш қилди, матбуот саҳифаларида мақолалар ёзди.

“Известия” газетасининг 1991 йил 189-сониде эълон қилинган “Жаҳаннам узра қарғалар фарёди” (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1991 йил 9 август) сарлавҳали эссе фикр қамровига кўра бадиий асар даражасида ёзилган десак муболаға бўлмайди. “Мен учун бу мақолани ёзиш осон бўлмади, бундан кўра бошқа бир мавзуда йирик полотно яратишим осонроқ бўларди, – деган эди Чингиз Айтматов ушбу сатрлар муаллифининг саволига жавоб бериб. – Аммо менга, балки янада каттароқ шон-шуҳрат келтириши, баҳс-мунозара туғдириши мумкин бўлган навбатдаги китобимдан кўра, шу мақолани ёзиш зарурроқ эди. Қўлимга қалам олишим билан кўз ўнгимда Ўш воқеалари, юзидан қон қочган, кўзлари ола-кула, нигоҳида мубҳам алам қотиб қолган... одамлар гавдаланади. Қулоқларимда қарғаларнинг нолали фарёди акс садо бераётгандай бўлади. Қаламни суриб кўяй, бошқа мавзуга ўтай десам, Ўшда кўрганларим ёзувчилик виждонимни дўзах азоби янглиғ қийноққа солади. “Ёзишим керак, бевовта юрагимни бўшатишим керак, мен айтишим керак бўлган гапларни икки томон бирдек кутиб турибди, жабрдийдаларнинг нигоҳи менга қаратилган. Менинг нима дейишим, фожиа илдизини қандай очишим, кимнидир балки айблашим ва бу хунрезликдан қандай хулосага келишимга кўп нарса, чунончи, Ўшдаги ҳаётнинг бундан кейинги

тақдири ҳам боғлиқ, ҳиссиётга берилиш мумкин эмас, мутлақо мумкин эмас, дейман-да, озгин-тўзгин жумлалар туза бошлайман. Худди бошловчи қаламкашдек, ёзаман, ўчираман, ёзаман, ўчираман. Асабим дош бера олмаган эди ўшанда...”

Эссе шундай бошланади: “Олис ўсмирлик чоғим – қирқ иккинчи йилнинг кўкламида бир куни каллаи саҳарлаб қарғалар бевовта қағиллаб фарёд кўтарди. Улар овул атрофида шанғиллаб айланарди. Ёнбағирдаги чуқур жарликка тоғ сурон солиб қулаган, одатда шу яқин атрофдаги болалар ўйнаб юрадиган жойни бутунлай босган эди. Эрталабдан бу ерга кўйларини ҳайдаб чиққан подачи бола билан унинг кўйлари ер тағида кўмилиб қолиб кетган эди. Қушлар ва одамларни ана шу фалокат даҳшатга солган эди... Ўша дамда нималарни бошдан кечирганим, қанчалар ларзага тушганим ҳамон ёдимда: кўзлари ола-кула бўлиб кетган хотинлар сочларини юлиб, телбанамо қичқиришар, тоғнинг худди асов отдай жаҳаннамга қулаши яхшилиқдан дарак бермайди, худонинг қаҳри келди, қиёмат қоим бўлди, деб уввос солишарди... Қарғалар ҳам уларнинг бошларида тинмай чарх урар, тинимсиз қағиллаб, нола қилиб, юракларни ўртар эди... Неча ўнлаб йиллар ўтгач, бу даҳшатли нолалар яна қайта аламли садо берди. Ўтган кулфатзада йилнинг (1990) июнь ойи бошларида Ўшда бўлганимда, ўша ноумид нола қилган қарғалар тушимга кириб чиқди. Москвадан Тошкентга, Тошкентдан Ўшга оғир ўйлар ичра учи келган, кутилмаганда бир зум кўзимни уйқу босганида, назаримда, мен қағ-қағ қилиб, оламни бузаётган қарғалар билан бирга ер узра чарх уриб учаётгандай, аламимдан хўнграб йиғлаётгандай, жон ҳолатда қичқираётгандай эдим. Пастда эса гўё тоғни ўз қаърига ютган ер ҳамон кўкка тўзон кўтариб, тўзгиниб, гувраниб ётарди. Бошланг аёллар сочларини юлар, дод-фарёд кўтарар эди. Ўша олис йилларда бўлиб ўтгани каби, юрагим алам ва оғриқдан санчар, тун зулмати мени бўғарди... Ўқ овозлари, бақирган-чақирган товушлар эшитилар, ҳаммаёқдан кўнги-роқ қилишар – теварақда, шаҳар атрофларида, туманларда, айниқса, Ўзганда ўлганлар

ва ярадор бўлганлар кўп, ҳаммаёқда ёнгин, босқин, одамлар жонини қутқариш учун қочиб борардилар... Тарихдан “Варфоломей кечаси” ҳақида ўқиганмиз, бу – ўзбеклар билан қирғизлар ўртасидаги “Варфоломей кечаси”, яъни қирғин-чопқин кечаси, қисматимизнинг қора туни эди...”

Бу “қора тун” ҳақида жуда кўп ёзилди, мишмишлар баланд тоғ чўққиларидан ҳам ошиб кетди, ростга ёлғон аралашди, аҳвол шу даражага етиб бордики, жабрдийдалардан кўра бу хунрезликни ташкил этганларга ён босувчилар ҳам топилди. Фикри тиниқ, идрок кўзи тийрақлар учун ҳам Ўш воқеаларини туб илдизигача тушуниб етиш учун вақт керак бўлди. Товламачилар, сиёсий найрангбозлар, буюртмачилар бундан фойдаланиб қолди. Чингиз Айтматов фикр айтишга шовилмади. У роса бир йилдан кейингина сўз олди: “Ниҳоят, мана, бир йил ҳам ўтди. Қирғизлару ўзбекларни қўшиб ҳисоблаганда бугун Ўш халқи мана шунчалик қонли фожиаларни бошдан кечириб, оғриқ, аламларни ичига ютиб, мурсою мадора йўлига ўтганда ва, шу билан бирга, туркигўй Фарғонанинг қадим марказида тоғликлар ва водийликлар ўртасида азалдан мавжуд бўлган шу халқларга хос тарихий бирлиكنинг моҳиятига кўра ягона асрий анъаналарини тиклаётган бир пайтда, ўзбеклару қирғизлар бир-бирлари билан борди-келди қилаётган, бир ёқадан бош чиқариб, ўч, қасос олиш каби ибтидоий истакларни энгиб ўтиб, бу йўлдан воз кечиб, вайрона деворларни биргаликда тиклаётган бир маҳалда эски яраларни тирнагиси келмайди одамнинг...”

Ўтган йилнинг аламли воқеалари ҳақида рости ҳам, ёлғони ҳам, яхшиси ҳам, ёмони ҳам етарлича айтилди. Бемаъни зиёнкорлик селининг дами қирқилди... Зимистон кунлардан, ҳар икки халқ азоб-уқубатларидан сабоқ чиқариб ўйлайдиган, тавба-тазарру қиладиган фурсат етди. Шунга имкон туғилганининг ўзида биз учун халоскорлик бор, қайнаб турган қаҳр-ғазаб, ваҳшиёна қасос туйғуларини энгиб ўтиб, ақл-идрок йўлини танлашда биз учун халоскорлик бор... Буларни англамаслик ёхуд уларга менсимай қараш, боз устига, одамларни яна кин-адоват чоҳига ташлашга

уриниш эндиликда нақадар хатарлидир. Бу – насл-наслларимизнинг қарғишига қолиш билан тенг. Шу маънода мен қаламкаш дўстларим, ўзбек ёзувчилари – Пиримқул Қодиров ва Одил Ёқубов билан ўз ватандошларимиз тақдиридан ташвишланиб Ўшга шовилган ўша оғир, хафагазак кунларда бошдан кечирганларимиз ҳақида ўртоқлашмоқчиман. Эҳтимол, бизнинг тажрибамиз миллий зилзилалар алғов-далғов қилиб турган мамлакатимизда жанжалли вазиятларни англашда кўл келар. Зиёлиларга қарата буни яна бир бор айтаяпманки, улар кўп ҳолларда шундай вазиятларни зўрайтирувчи ва жунбушга келтирувчи куч сифатида юзага чиқмоқдалар; бу куч эса васваса, қутқуга солувчи иблисона қувват касб этиши ёхуд фойдали томонга – бирлаштирувчи инсонийлик қувватига эга бўлиши ҳам мумкин. Жойлардаги ватанпарвар ғояларнинг эгалари кўпмиллатли ҳамжамият кучоғида миллий ўзликни англашни юқори ўринга кўтариш мутлақо тарихий эҳтиёждан келиб чиқади, деб эълон қилган қайта қуриш сиёсати тафаккуридаги нозик бир жиҳатни илғаб олиб, ўз давраларида қандай бўлмасин, бир халқнинг иккинчи халқдан гўёки азалий устунлиги, гўёки баланд мавқеи ҳақида тўхтовсиз сафсата сўқиб юрар эканлар, вазиятдан фойдаланиб, низо оловини ёқиш, худбин манфаатларини кўзлашга уринардилар ва бу, охир-оқибатда, аввал Ўш, сўнг бутун вилоятда табақалараро тўқнашувларга олиб келди, вилоят ерларига бир-бирлари билан жиққамушт қилиб қўйилган қирғизлару ўзбекларнинг қони тўкилди. Ўрмонга ўт кетди, ҳўл-қуруқ баравар ёнди”.

Собиқ тузум инқирозга юз тутгач, иттифоқдош республикаларда миллий ўзликни англаш, миллий ва диний қадриятларни тиклаш, сохталаштирилган тарихни тозалаш ҳаракатлари бошланди. Бу ҳаракатларни миллатчилик деб баҳолаб, бир мамлакатда, бир жойда муқим яшаётган турли миллат ва элат вакиллари орасига низо солишга уринишлар авж олди. Бу жуда хатарли эди. “Миллий низолар шуниси билан кўрқинчлики, ҳар бир тараф одамлар бошдан кечираётган азоб-уқубатларни фақат миллий белгига, ўз йўқотишлари ва даъволарига

кўра қабул қилади ва шу боис, кўр-кўрона ўч олиш истаги ўз-ўзидан жўш уради, – деб ёзади Чингиз Айтматов. – Бу истак даҳшатли юқумли касаллик – нафрат вабосини урчилади. Нафрат вабо каби урчиганидан сўнг, худди тоғдан тушиб келаётган сел оқими каби бир зумда асрлар давомида шаклланган ақл-идрокни босиб-янчиб, суриб кетади. Халқнинг фожиаси шунда. Бундай ҳолатда қасос олишга интилган тарафлар ўртасига тушган ҳар ким, улар учун ҳам, булар учун ҳам душманга чиқади. Яраштирувчининг фожиаси шунда”.

Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари ўрталарида қирғиз матбуотида Чингиз Айтматовнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти хусусида танқидий мулоҳазалар ҳам билдирила бошланди, бу баъзан беодоблик даражасигача етиб борди. Адиб ўзига хос вазминлик билан уларга жавоб қайтарди: “Ҳа, менга нисбатан саволлар ҳам чиқиб қолди. “Айтматов коммунист бўлган, коммунистик тузумга садоқат билан хизмат қилган, Горбачёвни қўллаган...” ва ҳоказолар. Нима дейишим мумкин? Бизнинг авлод совет замонида туғилиб, шу замоннинг мафкураси таъсирида вояга етди. Шу замоннинг мактабларида ўқидик, китобларидан таълим олдик. Бизни танқид қиладиган, ўша йиллари ёзган у-бу сўзларимизни бугун юзимишга солаётган айрим синчилар ўттизинчи, эллигинчи йилларнинг даҳшатли суронлари ортада қолганидан кейин туғилган. Бу – уларнинг бахти. Сиёсат одамнинг қон-қонига сингиб кетган эди. Партиянинг ҳар бир сўзи бутун эл учун, жамият учун ўзгармас қоида бўлган. Бошқача яшаш, ҳаёт деганлари бундан айричароқ ҳам бўлиши мумкинлигини жуда оз киши ўйлаган. Шунга қарамай, бугун ўзини қаҳрамон қилиб кўрсатаётганлар оз эмас. Майли, бу уларнинг виждонига ҳавола. Менга келсак, сизлар публицистика деб атайдиган кўплаб мақолаларим Москва газеталарида босилган. Битта мен эмас, эл-юртнинг кўз ўнгида бўлганларнинг ҳаммаси шундай қилган. Буни инкор этиб бўлмайди. Бугун мен ўзимга нисбатан айтиладиган кинояларга жавобан: “Қалп (ёлғон) сўйлаб қўйган эканман, кечириб қўясизлар, оғайнилар”, десам, кулгили аҳволга тушиб қоли-

шим мумкин, бу билан бирор нима ўзгармайди ҳам. Совет даври менга тенгдош авлод ёзувчилари ҳаётининг бир қисми, уни иста-санг ҳам, истамасанг ҳам умр баёнингдан ўчириб ташлай олмайсан. Тарихда содир бўлган ҳеч бир воқеа орқага қайтмайди. Биз бўлсак, одам боласимиз, ахир. Одам боласи бўлганидан кейин янглишасан, баъзан ҳис-ҳаяжонга бериласан, тўғрими? Сиёсат парҳез таом эмас, жуда чигал нарса. Менинг ўйимча, буни алоҳида урғулаб айтмоқчиман: янглишиб, сўраб-суриштириб, онг-сезим билан ҳам ҳақиқатга етиб борса бўлади. Гап одамнинг кўз қарашлари бир жойда қотиб турибдими ё атрофида, жамиятда, дунё кенгликларига содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар таъсирида ўзига аён бўлмаган нарсаларни, янги билимларни эгаллашга ҳаракат қилмоқдами – мана шунда! Тарихда бунга мисоллар кўп. Коммунистик мафкура нима-лигини тушуниб етиш учун етмиш йил керак бўлди. Ҳаммасини вақтнинг ўзи ҳал қилди. Менинг айтарим шуки, бизнинг бу сохта замондан, сохта иттифокдан, унинг ғоявий тушовларидан инсоний кадр-қимматимизни йўқотмай, имонимиздан айрилмай, эл-юрт назаридан қолмай чиқиб олганимиз чўнг ғалаба, жуда чўнг ийгилик (ютук)”.

Чингиз Айтматовнинг сўнги ийгирма йиллик умри Европада ўтди. “Касандра тамғаси”, “Қулаётган тоғлар” асарлари шу йиллари ёзилди, қайта-қайта нашр этилди, саҳна асарларига айланди, шу билан бирга, жиддий мунозараларга сабаб ҳам бўлди. “Касандра тамғаси”ни мен Европада яшаётганимда, “қайта қуриш” даврини ўтаб бўлганимизда ёздим, – дейди адиб. – Шунданмикан, билмадим, ҳарқалай бу романда умуминсоний йўналиш мавжуд. Унда бирор халққа бевосита дахлдор бўлган муҳит, тарих қатламлари йўқ. Мен инсоният учун мос келадиган умум бир бадиий шакл топишга интилдим. Мақсадимга етдимми, йўқми – китобхонга ҳавола. Лекин шундай изланиш бўлди. Бу жараён осон кечмади. Асар мавзуи, воқеалар тизмаси ва уларнинг китобдаги талқини умуминсоний масалалар билан боғлиқ. Шу боис, бу асарнинг мухлислари камроқ бўлиши ҳам мумкин. Лекин мен учун бу асар бир

босқич сифатида зарур бўлди. Бу асардан кейин она замин мавзуга қайтиш зарурлигини тушуниб етдим”.

Танқидчилар қитъа адабиётида бугун ғоят урф бўлган саргузашт-фантастик ифода услубини адиб ижодининг янги қирраси дея баҳолади. Бу фикрга қўшилиш ҳам, қўшилмаслик ҳам мумкин. Аммо бир вақтлар қалбимизга қўшиқдай ёқимли синган соф миллий қиссалар муаллифи Айтматов билан янги аср бошларида Европа бағрига анча чуқур сингиб кетган, ўз юртида меҳмон ҳам бўлиб қолган Айтматовнинг наинки бадиий ифода тарзи, балки фикрлашида ҳам жиддий фарқ борлиги аниқ. Бу адибнинг ўзига ҳам маълум хусусият эди. У миллий туйғулардан узоқлашаётганини англаб, бу соҳилга яқинлашишга имкон қадар уринар, аммо вақт ўз ишини бажариб бўлган эди. Ҳаётининг сўнгги йилларидаги суҳбатларидан бирида, кутилмаганда, яқин-яқингача миллий республикаларда вилоят, шаҳар ва туман фирқа кўмиталарининг иккинчи котиблари маҳаллий миллат вакилларидан эмас, бошқа миллатга мансуб кишилардан тайинлангани, бу эса жуда тўғри ва адолатли иш бўлганини таъкидлайди. Яқин ўтмишимизга назар ташласак, айтиш мумкин “иккинчи”ларнинг аксарияти маҳаллий халқ тили, урф-одати, миллий ва диний қадриятларига беписандлик билан қаради, калондимоглик қилди, чексиз-чегарасиз ваколатларидан худбинларча фойдаланиб, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш ишини бутунлай барбод қилди.

Ўзбекистонда ўтган асрнинг саксонинчи йиллари ўрталарида кўплаб атоқли олимлар, маданият ва санъат арбоблари тазйиқ остига олиниб, раҳбарлик лавозимларидан, илмий-ижодий фаолиятдан четлаштирилди, уларнинг ўрнини ўша “иккинчи”ларнинг яқин гумашталари эгаллади. Айтматовнинг бундан беҳабарлигига ишониб қийин. “Дунёдаги кўпгина пойтахтларда ўрнатилган ҳайкалларга қаранг: ҳарбий саркардалар от устида савлат тўкиб турибди... Бугунги замонавийликка асосланиш ўрнига, бутун эътибор ўтмишга қаратилмоқда”, дейди бошқа бир суҳбатида.

Яна бир фикри: “Тақдир шундай кечдики, менинг асрим совет замонида тўғри кел-

ди. Бизнинг бу замондаги ҳаётимиз анча чекланган эди. Бу даврда ҳатто эътиқодимизда ҳам маълум чекланиш мавжуд бўлиб, ҳамма ҳақиқат фақат бизнинг тарафда деб ҳисоблар эдик. Бугун менда совет замонида биз нималарга эришганимиз билан дунёда нималар мавжудлигини ўзаро қоғиштириш имконияти мавжуд. Англаш ва тушуниш диапазони, табиийки, кенгайди. Бу кенгайишнинг инсонга кераги борми? Бор, албатта! Айниқса ижодкор одамга... Шундай бир шароитда ҳам мен миллий туйғулардан узоқлашиб кетаётганим йўқ. Европа нечоғли яхши бўлмаган, қалбим, айниқса, Москвада бўлганимда, иссиқ бир ҳарорат билан қопланади. Шу босидан ҳам, мен Евроосиё – бизнинг қитъамиз деганимда, тушуниш ва ҳис этишнинг умумийлигини кўзда тутаман...”

Бу фикрларни шарҳлашга ҳожат йўқ. Уларнинг ўзи шарҳсиз ҳам кўп нарсани айтиб, англаб турибди. Айтматов адиб сифатида ўткир қалами, зукко нигоҳи, онг-тафактури билан бир ижодкор эришиши мумкин бўлган жамики марҳаматларга эришди, бу ёруғ оламнинг кенг ва равон, тош ва чағир, ойдин ва зулумотли йўлларида, ҳавас ва ҳасад кўчаларида, мартаба ва улуғворлик мавзеларида унинг қутлуғ излари қолди. Тоғ ва даштдан бошланган ижоди Иссиқкўлда, Устюртда, Анорхойда, Жувалида, Мирзачўлда, Париж ва Брюсселда давом этди, ижодий маҳорат бобида фазовий кенгликлар қадар юксакликка кўтарилди, икки туркий қавм устига қонли тоғ ўпирилиб, “қарғалар жаҳаннам узра чарх урганида” имон ва виждони синовдан ўтди, собиқ империя тутдай тўкилиб, ота юрти сиёсий талотўплар исканжасида қолганини, ўзи меҳр қўйган Горбачев жанобларининг “қайта қуриш”, “жадаллаштириш” сиёсати чок-чокидан сўкилиб кетганини афсус-надомат билан узо-оқроқдан кузатиб турди. Аммо, нима бўлганда ҳам, беадоқ ифтихоримиз шундаки, тақдир бизни бу улуғ мутафаккир билан замондош бўлиш, унга эргашиш бахтига муяссар этди. Ўкинчимиз шундаки, “Мангу қайлик” асари “Қулаётган тоғлар” деб ҳам номлангани маъносини бир оз кеч, адибнинг ўзи ҳам тоғ каби қулаганидан кейингина тушуниб етдик.

Муслимбек ЙЎЛДОШЕВ



DARYOSINI YO'QOTGAN QIRG'OQ

“Худо ҳар бир замонда Ердан ниманидир кўтаради: бир гал баракани, яна бир сафар хотиржамликни...” дердилар бувим. Ўша кезлар ҳали ёш, гўр эдим. Табиийки, теран фалсафа яширинган бу фикрни тузукроқ англамаганман. Аммо ҳаётнинг паст-баланд довонларидан ошиб, соч-соқолга қиров ина бошлаган бугунги кунда ўша нақл бот-бот ёдимга тушади.

Хўш, Яратган Эгам бизни ҳозир қай йўл билан синамоқда экан? Замондошларимиз нимадан Мосуво этилган экан? Назаримда, бугун орамиздан мантиқ кўтарилганга ўхшайди. Зеро, турмушимиз, тутумимизда мантиқ мезонларига тўғри келмайдиган жиҳатлар кўп, жуда кўп...

Яқин-яқингача уйларимиз девори сувоқ қилиниб, устидан одми гулбезак бериларди. Улфатлар билан гап-гаштак қилгимиз келса, уларни хонадонимизга чақирардик. Бақадриҳол дастурхон тузаб, дилдан сўхбат қулардик. Бугун-чи, уйларимиз икки-уч қаватли, кенг, баланд. Нақ беш юлдузли меҳмонхона-дек! Бироқ меҳмон аталмиш атои Худо камдан-кам остона ҳатлайди: нозик кўноқларни ҳам чойхонаю ресторанда кутамиз. Нега, ким учун қурдик ўзи ўша қўшошиёнли саройни?!

Бир танишим Пайғамбар ёшига тўлгани шукронасига дастурхон ёзди. Каминани ўша маросим бошловчилигига таклиф қилди. Эрталаб элга ош тортилди. Кечқурун эса... Очиғи, кечки зиёфатга бориб, ҳайронлар қолдим. Мезбон акамиз Пайғамбар ёши дастурхонини мусалласу шаробнинг ҳар тури билан тўлдириб ташлабди. Ишонаверинг, мантиқ чамбарагим чирпирак бўлиб кетди!

Бизнинг авлод яхши хотирлайди, 1990 йилларда шаҳар телефони жуда кам хонадонда бўларди. Телефон тушириш учун йиллаб навбат кутишингиз, иш жойингиздан тавсифномаю мақтовнома келтиришингиз, гоҳида таниш-билишни ишга солишингиз талаб этиларди. Бир хонадондаги телефон эса бутун кўчага хизмат қиларди. Энди-чи? Етти ёшдан етмиш ёшгача – барчамизда қўлтеелефон бор. Бу арзанда матоҳнинг нарх-навосини айтинг – битта смартфоннинг пулига уч-тўртта кўй беради! Шунга қарамай, айрим ҳотамтойлар биринчи синфга қатнайдиган боласига ҳам энг қимматидан олиб берган. Чапдастроқ замондошларимиз эса учталаб телефон кўтариб юради денг. Лекин кўнғироқ қилсангиз, бирорта телефонига жавоб бермайди. Вой, мантигингдан

айланай!.. Шунча ҳашамат, шунча харажат билан нимани дўндирияпмиз?

Автомобилнинг йўриғи ҳам ана шундай. Отанинг ўз маркаби, онанинг ўз машинаси, ўғил-қизларнинг ўз "тачка"си бор! Яна денг, меҳмонга боргани алоҳида, бозор-ўчарга алоҳида, ишга қатнагани яна алоҳида машина! "Қутуриб кетманглар!" дердилар онам, салгина ўзимиздан кетсак...

Бойлик ҳам бир неъмат-да. Илгари тўй қиламиз, машина оламиз, деб пул тўплардик. Ҳозир айрим замондошларимизнинг давлати юзта тўйга етади. Бола-чақадан ҳам тинчиган. Лекин тиним билмайди боёқиш, бойлик кетидан югургани югурган. Фикру хаёли – юзни минг, мингни туман қилишда. Соғлиғидан кечиб, умрини гаровга қўйиб, озодлигини тикиб бўлса ҳам ақча топади! Пул керак, қанча кўп бўлса шунча яхши! Вассалом! Аммо замонамиз қорунлари ўз ортидан бор давлатини қолдириб, недир хасталиқдан ўлиб кетаётгани кўзимизни очмайди. Эсиз умр, дейсиз беихтиёр. Нима, меъёр, чегара дегани йўқми бойлик тўплашда?

Йигитлик давримиз бутун бир шаҳарда тўрт-бешта чойхона бўларди. Улфатлар йиғилиб қолсак, дастурхоннинг доғию кўрпачанинг ямоғи билан ҳеч кимнинг иши йўқ, алламаҳалгача чақчақлашиб ўтирардик. Бугун эса серҳашам чойхоналарда гап-гаштак қиламиз. Илгари ош-овқатимизни ўзимиз пиширардик. Энди эса ошпазу оёқ-қўли чаққон дастёр йигитлар хизматингизда. Аммо даврандан файз қочган. Баъзи дўстлар тинимсиз телефонда сўзлашади, яна баъзиси бош кўтармай ижтимоий тармоқ "кезади". Разм солиб қарасангиз, ўша давра, ўша улфатлар. Қачон, нега бунчалик ўзгариб кетдик?..

Эски ҳовлимиз ошхонаси ҳеч кўз олдимдан кетмайди. Катта ва кичик қозонга мўлжалланган қўш ўчоқ. Сомонсувоқ қилиниб, оҳак билан оқланган. Қишда айвонда, баҳор-ёзда эса азим ўрик тагидаги супада тўқис-туғал жам бўлиб, онам пиширган тотли овқатларни тановул қилардик. Бугун уйимизда бир эмас, икки ошхона бор. Аммо дастурхон атрофида бутун оила камдан-кам жам бўлади. Унис ишда, буниси сафарда, камина хизматда.

Дабдабаю асъаса билан қурилган ошхонада мантик пишяпти-ю, мантик пишиб етилма-япти-да!

Болаларимиз коллежу институтни битирияпти, лекин кўпчилиги таҳсил кўрган соҳаси қолиб, бошқа кўчаларда тирикчилик қилиб юрибди.


Бизга фалон жойни тамомлагани тўғрисида бир парча ҳужжат бўлса бас-да! Ўз оиламдан мисол, ўғлим Техника университетининг малайзияликлар очган факультетида ўқиб, иқтисодчи бўлиб етишди. Лекин энергетика соҳасидаги бир ширкатнинг ходимлар бўлимида ишлаб юрди. Шу бўлимда ишлаши керак бўлган мутахассислар эса... ёқилғи қуёш шахобчасида жавлон уради!

Эл хизматида, тўй-ҳашамда кўп бўламан. Бу мавзуда ёзаман десам, гапим тугамаса керак. Одамларнинг исрофгарлигини кўриб ёқа ушлайсиз. Либос, таом, видео-фото, безак харажатларини хомчўт қилиб, ақлингиз шошади. Давлатмандлар биргина безак учун сарфлаган пулга камбағал оила бадастир тўй ўтказиши мумкин...

Қўлтелефонимга жума куни табриклар ёғилади. Шунчаки қўтловлар эмас, юрагингни эритувчи битиклар. Ўзини художўй деб билган танишларим кўз олдимдан ўтади шундай вақтлар. Намозни қолдирмайди, аммо ғийбату ёлғон, бидъату хурофотдан парҳез қилмайди. Юртни чақириб эҳсон дастурхони ёзади, аммо дасти калта дўстидан ўн йил аввал олган қарзини қайтаришни пайсалга солади. Луқмаи ҳалол ҳақида ваъз ўқийди, аммо иш битирмоқ учун пора кистиришдан тап тортмайди. Қани соғлом мантик, дея узоқ хаёлга толаман. Худди дарёсини йўқотган қирғоқдекмиз...

Биродарлар, агар эътиқодимизгаки шубҳа-гумон аралашган экан, вақтида этакни йиғиштириб, ўзимизни тафтиш қилмасак бўлмайди чоғи...





NEVA UZRA BALQIGAN HILOL

Раҳматли падарим – журналист ва ёзувчи Нусратилло Наимов вафоти олдидан буюк маърифатпарвар Аҳмад Дониш ҳаёти ва ижодига доир талай маълумотлар йиғди. Шу мақсадда у 2008 йили Москва ва Санкт-Петербург шаҳарларига ижодий сафар қилди. Аҳмад Дониш фаолияти тўғрисида Россия манбаларидан маълумот излар экан, тадқиқотчи назарини Бухоро амирлиги Санкт-Петербургда барпо қилган муҳташам масжидга доир ҳужжатлар ҳам ўзига тортади. Тақдирни қарангки, отам тўплаган материалларни мақола шаклида қоғозга тушириш каминага nasib этди.

Аҳмад Дониш 1869 йил кузида котиб сифатида Бухоро элчилари билан Санкт-Петербургга сафар қилди. Бунга Русия императори Александр Иккинчи ўз қизини турмушга узатиши асосий сабаб бўлди. Айтиш мумкин, Бухоро-Русия савдо-саноат алоқаларини ривожлантириш юзасидан музокаралар олиб бориш ҳам кўзда тутилган эди.

Амир Музаффархон фармойиши билан Бухоро элчилари келин-куёвга кўпдан-кўп совға билан рус пойтахти сари йўлга чиқади. Музаффархон ўз элчилари орқали йўллаган мактубида Александр Иккинчидан ўғли Абдулаҳад тўрани саройга олиб, рус муаллимларидан таҳсил кўришига рухсат этишини ҳам сўраган эди.

Бухоро элчиларига Абулқосимбий раҳбар этиб тайинланади. Делегация таркибида ҳукмдорнинг ўғли Мирсайид Абдулфаттоҳ ва кекса амакиси ҳам бор эди. Улар 18 октябрь куни почта кареталарида Оренбургга етиб келиб, бир неча кун ҳордиқ чиқаргач, поездда Русия пойтахтига жўнайдди.

Рус маъмурлари бухоролик меҳмонларни октябрнинг сўнги кунларида Санкт-Петербурзнинг Николаев темир йўл вокзалида тантанали кутиб олади. Уларга Нева бўйидаги муҳташам меҳмонхоналарнинг биридан саккизта хона ажратилади. Шу орада Ташқи ишлар вазирлигининг Шарқ департаментидан Қозимбек деган хушсурат кавказлик форс йигити келиб, бухоролик элчиларга тилмоч қилиб бириктирилганини маълум қилади.

Бу воқеани Аҳмад Дониш “Бухородан Петербургга сафар” хотираларида қуйидагича тасвирлайди: “Қозимбек араб ёзувида чиройли ҳуснихат эгаси бўлган йигит эди. Шу боис дўстлашиб қолдик. Кунларнинг бирида у яқинда Петербургга мен каби шоиртабиат Кошғар элчиси келиб-кетганини айтиб қолди.

– Ушанда мен унга Петербургни таърифлаб, бир неча байт ёзишни таклиф қилдим. У рози бўлди. Мен у ёзган байтларни рус тилига таржима қилиб, подшоҳ ҳазратларига етказдим. Байтлар жаноби олийларига маъқул тушиб, кошғарлик элчининг барча муаммосини ҳал қилиб берди. Мен сизга ҳам келин-куёв тўғрисида байт битиш-

ни таклиф қилман. Бу келгусида олиб борадиган музокараларингизда ёрдам берди. Подшоҳ қизининг исми – Мария, куёв эса – Англия қироличаси Викториянинг ўғли Альфред.

Шундан кейин мен тўққиз байт ёзиб, ҳар бир мисрани келин ва куёв исмидан бир ҳарф билан мувашшаҳ тарзида бошладим ва уларнинг никоҳ санасини ҳам байтлар мазмунига киритдим. Қозимбек байтларни дарров рус тилига таржима қилиб, Осиё департаменти бошлиғи Стремоухов жаноблари орқали рус подшосига етказди.

Байтлар жаноби олийларига маъқул тушиб, у муаллифга ўз номидан ўттиз тўртта олмостош билан безатилган, вазни уч мисқолик тилла узук тақдим этиб, тўй тантанасига таклиф қилишга ҳам фармойиш берибди.

Қишки саройда бўлиб ўтган тўй тантанасига элчи билан бордик. Саройга мулозимлари қуршовида кириб келган император менга яқинлашиб, мулозамат ила саломлашди.

– Мен сиз ёзган байтларни мароқ билан ўқидим, – деди у. – Улар чуқур мазмунга эга. Афсуски, биз тилингизни билмаймиз, шу сабаб байтларнинг бадиий қийматини тўлиқ англай олмаймиз!

– Сўзлар – мазмуннинг ифодаси, – деб жавоб бердим мен. – Агар тилимиз гўзал бўлмаса, мазмун чуқур бўлармиди!

– Менга сизни билимдон, ўлкамизда икки ёҳуд уч маротаба узоқ муддат бўлган киши сифатида таърифлашди, – дея давом этди подшоҳ. – Ундай бўлса нима учун тилимизни ўрганмадингиз?

– Ҳар гал юртингизга келганимда, мени кеча-кундуз шаҳар бўйлаб айлантиришади, театрлар, корхоналарга олиб боришади. Бу томошаларга берилиб кетаману алифбонгизни ўрганишга вақтим бўлмайди. Балким бу сўнги марта пойтахтингизга келишимдир,



деб ўйлаб, бошқа бундай ғаройиботларни кўра олмаслигимдан мудом таҳликадаман!

– Сиз учун пойтахтимиз дарвозалари доимо очиқ, – деди жавобдан мамнун бўлган подшоҳ ва Ташқи ишлар вазири Горчаковга элчиликнинг барча масалаларини ижобий ҳал қилишни буюриб, биздан узоқлашди. Шундан кейинги тантаналарда бизга подшоҳ билан ёнма-ён курсилардан жой беришди...”

Донишнинг эслашича, ўшандан кейин подшоҳ кўча-кўйда ёхуд бирор маросимда у билан рўпара келса, албатта саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрар экан.

Айнан шу подшоҳ даврида Русия империяси чегаралари кенгайиб, Туркия билан урушда ғалаба қозонди ва Болқон мамлакатларини тасарруфига киритди. Туркистонни забт этиб, Каттақўрғонгача бўлган ҳудудни босиб олди ҳамда алоҳида губерния сифатида салтанатига қўшди. Бундай аҳволдан хавотирга тушган Буюк Британия ҳукумати ўша вақтда ўз мустамлакаси бўлган Ҳиндистонни ҳарбий тажовузидан асраш мақсадида Русия ҳукумати билан музокара бошлади. Ушбу музокарада икки буюк мамлакатнинг мустамлака ҳудудлари ўртасида дахлсиз минтақа сифатида Бухоро амирлиги танланди. Иккала томон Бухоро амирлигига тажовуз қилмаслик тўғрисида келишиб олди. Мазкур шартномани қариндош-уруғчилик ришталари билан мустаҳкамлаш учун инглиз шаҳзодаси рус маликасига уйланадиган бўлди. Рус императори тўйга Бухоро элчиларини ҳам таклиф қилиб, уларга алоҳида мулозамат кўрсатди. У энди Бухоро амирлигини босиб ололмас, ўзига муте қилиб сақлаши мумкин эди, холос. Бунинг учун олдин қатор имтиёзлар билан бухориликлар оғзини мойлаш, кейин эса аста-секинлик билан жиловни қўлга олиш лозим эди.

Тўй тантанасидан сўнг икки давлат вакиллари ўртасида музокара бошланди. Бухорилик элчилар рус маъмурларидан йирик шаҳарларнинг савдо марказларида ўзбек тижоратчилари учун дўконлар сонини кўпайтириш, уларга рус фуқаролари ҳуқуқларини бериб, божхона тўловларини пасайтириш каби имтиёзларни сўради.

– Яна бир муаммо бор, – деди пировардида Аҳмад Дониш, – мен элчиликнинг на-

фақат котиби, балки сафардаги имом-хатиби ҳам ҳисобланаман. Пойтахтингизда масжид бўлмагани учун намозни меҳмонхонада жамоа бўлиб ўқишга мажбурмиз. Ваҳоланки, шаҳрингизга мусулмон мамлакатларидан юзлаб меҳмон ва тижоратчилар келиб, тоат-ибодатларини рисоладагидек бажара олмапти. Қолаверса, шаҳарда мусулмон динига мансуб кавказликлар, татар фуқаролари ҳам оз эмас. Улар учун масжид қурилса, айни муддао бўлур эди.

Музокарада қатнашган Ташқи ишлар вазири князь Горчаков рус ҳукумати барча масалаларни ижобий ҳал қилишига ишонтирди. Абдулаҳад тўра подшоҳ саройидаги кадетлар корпусига ўқишга қабул қилиниши учун Санкт-Петербургга келиб, Александр Иккинчи билан суҳбат қилиши лозимлиги қайд этилди. Масжид қурилиши масаласини эса император олий ҳазратларига етказишга ваъда берилди.

Аҳмад Донишнинг рус маъмурлари билан музокарада ташаббусни ўз қўлига олгани, оқпошшонинг алоҳида ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлгани элчи Абулқосимбийнинг нафсониятига теғди. У тўнини тескари кийиб олиб, Аҳмад Донишнинг Санкт-Петербургдаги театрларга бориши, тараққийпарвар рус зиёлилари билан учрашишига монелик қила бошлади. Абулқосимбий рус ўлкасида қиш бошланаётганига қарамай, баҳорни кутмай Бухорога тез қайтишни талаб қилди. Улар рус пойтахтида бир ярим ой тургач, ноилож йўлга чиқишди.

Ўша кезларда Русиядан Туркистонга темир йўл ўтказилмаган эди. Оренбурггача поездда келиб, бу ердан яна почта кареталарига ўтирган элчилар йўлда изғирин совуққа бардош беролмай хасталанди ва рус шаҳарларининг биридаги шифохонада анча вақт даволаниб, айни баҳор фаслида Бухорога етиб келди.

Абулқосимбий Музаффархон ҳузурига кириб, Мирзо Аҳмад қилмишларидан шикоят этди. Унинг Санкт-Петербургда давлат думаси йиғилишларига боргани, театрма-театр, музейма-музей, корхонама-корхона кезгани, музокараларда бўлмағур таклифлар билан чиққанини “дастурхон қилди”.

Дарғазаб бўлган Музаффархон Мирзо Аҳмад Донишни дарҳол ҳузурига олиб ке-

лишни буюрди. Лекин ундан сафар тафсилотларини эшитгач, хатти-ҳаракатида ишқал тополмай, аксинча, маъқуллади. Дониш ҳам фурсатдан фойдаланиб, рус императори унга тақдим этган олмос тошли тилла узукни амирга топширди. Совға ҳукмдорга ёқиб, унга “Ўроқ” унвонини берди ва кўнгли истаган лавозимни танлашни таклиф қилди.

– Менга китобдорлик вазифасини берсангиз кифоя, – дея миннатдорлик билдирди Мирзо Аҳмад таъзим билан. – Ҳозирда Русияга қилган сафарларим асосида салтанатингизда ислохотлар ўтказиш бўйича таклифларимни қогозга туширмоқдаман. Улар жаноби олийларига маъқул тушади, деган умиддаман.

Аҳмад Дониш бир неча ой бетиним меҳнат қилиб, “Рисола дар назми тамаддун ва таовун” номли асар яратди, унда рус давлатидан андоза олиб, амирлик бошқарув тизимини қайта қуришга доир ўз таклифларини баён қилди. Кейинчалик бу рисола унинг машҳур “Наводир ул-вақое” китобига алоҳида бўлим сифатида киритилди. Бироқ асар билан танишган Музаффархоннинг тепа сочи тикка бўлди. Чунки муаллиф рисолада адолатли амир масаласини ўртага қўйиб, Музаффархонни амалда мутлақ ҳукмдор мавқеидан маҳрум қилиш, аркони давлатни қандайдир оқсоқоллар кенгашига топширишнинг таклиф этмоқда эди.

– Мирзо Аҳмадни Русияга юборсам, у қайтиб келиб, менга салтанатимни қандай бошқариш ҳақида ақл ўргатапти, – деди Музаффархон машваратларнинг бирида қуюқ қошларини чимириб. – Энди у рус ўлкасига бошқа бормайди!

Шундан кейин Музаффархон Аҳмад Донишни китобдор вазифасидан четлаштириб, Ғузур туманига қози қилиб жўнатди. Шу чоққача у Донишнинг мунажжимлик санъати боис саройда хизмат қилишига чидаб юрган эди. Ҳар гал мамлакатда чигал вазият юзага келганида ҳукмдор унга мурожаат қилар ва сайёраларнинг ўзаро мувозанатига қараб, маслаҳатлар олар эди. Аммо унинг сўнги таклифлари ҳукмдорнинг сабр косасини тўлдирди.

Кўп ўтмай Абдулаҳад тўрани рус подшоҳи ҳузурига жўнатиш учун сафарга тайёрлай бошладилар. Тўрага сафарда Остонақул

қушбеги, ҳарбий вазир Исомиддин тўқсабо ҳамроҳлик қилди.

Абдулаҳад тўра отасидан тахт вориси сифатида барча ваколатларни олиб Петербургда бормоқда эди. У рус императори қабулида бўлиб, кадетлар корпусига қабул қилинган, Русия ва Бухоро ўртасида ҳамкорлик шартномаси тайёрланиб, бу ҳужжат ташқи сиёсат бобида ҳали ғўр бўлган Абдулаҳад тўрага маъқуллатилади. Император олий ҳазратларининг ўзи кўплаб хорижий элчилар ҳозир бўлган бир нуфузли йиғинда йигирма бир банддан иборат мазкур шартномани Абдулаҳад тўрага имзолатиб, муҳрини бостиради. Унда Бухоро амирлиги билан Русияни боғловчи темир йўл ва телеграф алоқасини барпо этиш, рус тижоратчиларига амирлик ҳудудидан экинзор ва боғлар, шунингдек, биноларни сотиб олиш ҳуқуқини бериш, рус савдогарлари ва ҳарбийлари тоат-ибодати учун черков қуриш ва яна кўпдан-кўп имтиёзлар назарда тутилган эди. Мазкур шартнома сабаб Бухоро амири оқпошшонинг узил-кесил қарамига айланди.

Элчилар Бухорога қайтганидан сўнг Музаффархон шартнома билан танишиб, аламдан бошини чангаллади, Абдулаҳад тўрадан газабланиб, уни бир неча кун ҳузурига киритмади. Аҳмад Дониш элчилар сафида бўлганида бундай шартнома имзоланишига балки йўл қўймасмиди?! Афсуски, Музаффархон унинг кадрига етмади, хатосини эса кеч англади.

* * *

Хўш, Аҳмад Дониш таклифи ила Петербургда қурилажак масжид тақдири нима бўлди? Шартномада бу масала ҳам назарда тутилган эса-да, қурилишга қачон киришилиши номаълум эди. Абдулаҳад тўра бир неча йил император олий ҳазратларининг кадетлар корпусида таълим олди, ўқишни тугатиб Бухорога қайтган эса кўп ўтмай Музаффархон вафот этиб, тахт унга насиб қилди.

Абдулаҳадхон ҳукмронлиги йилларида Русия Бухоро амирлигидаги мавқеини батамом мустаҳкамлаб, уни ўз қўғирчоғига айлантирди. Руслар бу вақтга келиб Туркистонга элтадиган темир йўлни “Буюк пахта йўли” деб атаган ва ўлка бойликларини арзонгаров олиб кетмоқда эди. Александр Иккин-

чи тавсияси билан Абдулахадхон ўгли Мир Олим тўрани ҳам кадетлар корпусига ўқишга юборди. Мир Олим тўра бу ерда рус императорининг ўгли Николай Александрович билан бирга таҳсил кўрди.

1881 йили Александр Иккинчи суиқасд оқибатида ҳалок бўлиб, тахтга ўгли Николай ўтирди. Шундан сўнг Русия-Бухоро алоқалари янада “мустаққамланиб”, амирлик рус империясининг норасмий ҳудудига айланди.

Шундай бир вақтда Абдулахадхон Петербургдаги масжид қурилишини эсга олиб, рус императорига мурожаат этади. Император эса унга рус пойтахтининг ўзи хоҳлаган жойидан масжид учун ер сотиб олишга рухсат беради. Бухоро амири вакиллари бир неча йил Санкт-Петербург марказидан масжид учун қулай жой излайди. Ниҳоят, 1907 йили Абдулахадхон Бухоро хазинасидан 312 минг рус рубли тўлаб, муҳандис И.Долоцкийнинг хусусий мулки бўлган катта ёғоч уйни атрофидagi ер майдони билан сотиб олади.

Таниқли олим ва ёзувчи, рус мусулмонларининг “Нур” газетаси бош муҳаррири А. Боязитов ташаббуси ва рус императорининг қўллаб-қувватлаши билан Санкт-Петербургдаги мусулмон жамоаси орасидан масжид қурилиши бўйича қўмита тузилди. Унинг таркибига петербурглик 20 нафар фаол мусулмон киритилиб, полковник Давлетшин раҳбар этиб сайланди. Қўмита рус меъморлари ўртасида масжид лойиҳаси учун танлов ўтказди. Лойиҳа шарқона услубда яратилиши, бинонинг таши мрамр билан безатилиши, масжидда гумбаз ва иккита минора бўлиши, масжидни безашда тирик жонзот расми бўлмаслиги шарт қилиб қўйилди.

Қўллаб таниқли рус меъморлари иштирок этган танлов натижалари 1908 йил 11 мартда кўриб чиқилди. Танловда 45 та лойиҳа орасидан таниқли рус меъморлари Н.Васильев, М.Лялевич, М.Перетятков муаллифи бўлган лойиҳалар ғолиб деб топилди. Уларнинг ҳар бирига 3 минг рублдан мукофот берилди, қурилишга асос қилиб эса Н.Васильев лойиҳаси танланди.

Лойиҳага биноан масжид биноси гранит тошлардан барпо қилиниши, девор ва гумбазлари шарқона услубда кошинлар билан

қопланиши лозим эди. Шу мақсадда расом П.Максимов Самарқанд ва Бухорога сафарга жўнатилиб, бу ердаги масжидларнинг безатилиш услубларидан нусха олди. Шундан кейин лойиҳани рус императори шахсан маъқуллади.

Энди қурилишга киришса ҳам бўлар эди. Бироқ император бадий академияси масжид қурилиши учун рус пойтахтининг қоқ маркази – Петропавловск қалъаси, Буюк Пётр уй-музейи ва Муқаддас Троица черкови оралиғидан жой танланганига эътироз билдирди. Академиклар масжиднинг муҳташам биноси мазкур иншоотлар кўркига соя солади, деб ҳисоблар эди. Уларнинг арзи рус императоригача етиб борса-да, Бухоро амири Абдулахадхон талаби билан масжид жойи ўзгаришсиз қолдирилди.

Ниҳоят, қурилиш бошланадиган бўлди. Аммо бунинг учун камида 500 минг рубль маблағ зарур эди. Масжид қурилиши бўйича қўмитага император олий ҳазратлари рухсати билан бинокорлик харажатлари учун Русия ҳудудидаги мусулмон жамоаларидан 750 минг рубль хайрия маблағини ўн йил ичида тўплаб олишга ижозат этилди. Масжидга тамал тошини қўйиш Бухоро амири Абдулахадхон ўз ҳукмронлигининг 25 йиллиги муносабати билан рус пойтахтига ташриф буюриши санасига белгиланди.

Санкт-Петербургда келган Абдулахадхон 1909 йил 10 февралда чор ҳукумати раҳбарлари, Москва, Кронштадт, Кавказ мусулмонлари жамоалари, пойтахт жамоатчилиги вакиллари иштирокида масжид пойдеворига илк мрамр ғишларни қўйиб, улар устини кумуш белкуракча билан сувади. Шундан кейин А.Боязитов сўз олиб, Санкт-Петербургдаги масжид Лондон ва Париждаги саждагоҳлардан ҳам маҳобатли бўлишига амирни ишонтирди. Бухоро ҳукмдори ва рус мусулмон жамоалари аъзолари бўлажак масжид майдонига ташланган жойнамозлар устида чўккалаб, шукрона намозини ўқиди. Тантана иштирокчилари шарафига зиёфат берилди.

Абдулахадхон Бухорога қайтгач, кўп ўтмай вафот этиб, Санкт-Петербургда таълим олган ўгли Мирсайид Олимхон тахтга кўтарилди. У ҳам масжид қурилишини доимий назорат

қилиб турди. Изгирин қишда кўтарилаётган деворларни тез қуришиш учун иссиқлик кондиционерлари ишлатилди. 1911 йил февралда масжид деворлари кўтарилиб, томи ёпилди ва кошнлаш ишлари қилинди. Кошинлар тайёрлаш учун Гатчина яқинида махсус устакона қурилиб, рассом М.Максимов ва кошнкор П.Ваулин раҳбарлигида Самарқанддаги Жомеъ масжиди ва Гўри Мир мақбарасини безатишда ишлатилган кошнлар махсус хумдонларда пиширилди. 1913 йил аввалида бино ташини кошнлар билан безатиш поёнига етиб, масжидда иситиш тармоғи ҳам ишга солинди. Рус ҳукумати гарчи пардозлаш ишлари ҳали поёнига етмаган бўлса-да, Романовлар сулоласи ҳукмронлигининг 300 йиллиги тантаналарига келаётган Бухоро ва Хива ҳукмдорлари, бошқа мусулмон мамлакатлари вакиллари иштирокида масжиднинг очилиш маросимини ўтказишга қарор қилди. 1913 йил 21 февралда Бухоронинг Санкт-Петербургдаги масжидида Амир Олимхон иштирокида жума намози ўқилди. Бухоро ҳукмдори масжид қурилишига ҳомийлик қилгани учун рус императорига миннатдорлик изҳор этди.

Россия Фанлар академияси Дин тарихи бўлимидаги ҳужжатларнинг далолат беришича, масжид биносини безатиш ҳамда уни жиҳозлаш ишлари 1917 йил октябрдаги рус инқилоби вақтида ва ундан кейин ҳам давом этган. Шўро ҳокимияти 1920 йил баҳорида Рамазон ойи муносабати билан масжидни ибодат учун очишга рухсат берган. Бундан хабар топган Бухоро амири Саййид Олимхон масжиднинг марказий ибодатхона зали учун 400 квадрат метрлик қадимий гиламни жўнади. Амир Олимхон тўрт ой ўтар-ўтмас худди шу ҳокимият Бухорони босиб олиб, уни дарбадар қилишини билмас эди, албатта.

Петербурглик мусулмонларнинг масжиддаги тоат-ибодатлари узоққа чўзилмади. 1923 йил кузида масжиднинг фаол аъзоларидан бир гуруҳи қамоққа олиниб, отиб ташланди, унинг мулки ҳисобланган қимматбаҳо жиҳозлар эса мусодара этилди. Шундан сўнг кўпчилик мусулмонлар ўз ҳаётини хавф остида сезиб, масжиддан оёқ узди. 1940 йил ёзида масжид ёпилди ва унинг биноси тиббий ускуналар сақланувчи омборхона сифатида

Ленинград шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси ихтиёрига ўтказилди.

Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан сўнг Ленинградлик мусулмонлар масжидни қайтадан очишни сўраб, шўро ҳокимиятига кўп маротаба мурожаат этди. Охири бу масалани ҳал қилишга халқаро жамоатчилик ҳам аралашди. Ўтган асрнинг 50-йилларида совет ҳокимияти олдида катта обрў-эътиборга эга Ҳиндистон бош вазири Жаваҳарлал Неру, Индонезия Президенти, доктор Сукарно ушбу масала юзасидан Никита Хрушчевга мурожаат этди. Шундан сўнг масжид яна очилиб, Петербург мусулмонлари ихтиёрига топширилди. Бироқ Бухоро амири совғаси бўлган улкан гилам ва бошқа ноёб ашёлар қайтариб берилмади.

Падари бузрукворим шу воқеадан ярим аср ўтгач (2008 йил июнь ойида) Санкт-Петербургда қилган сафарини ушбу табаррук даргоҳдан бошлаган. Эрта тонгда поездан тушиб Нева дарёси бўйига шошилганида, Троицк кўпригининг ўнг томонида зангор кошнли гумбазу миноралари куёшнинг илк нурларида жилва қилаётган сервиқор масжид кўприкнинг чап қанотидаги Петропавловск собори билан бўй таллашиб турган эди.

Масжиднинг қиблага қараган дарвозаси пештоқидаги нақшу нигорлар Самарқанддаги Шоҳи Зинда хазираларига жуда ўхшаш. Гумбазу эса Гўри Мир мақбарасидан нухса олиб тикланган. Мармар тошлардан кўтарилган деворлари ва улардаги улкан деразалар Адриатикадаги саждагоҳларга ғоятда монанд. Масжид узра мағрур қад ростлаган миноралар эса Туркия масжидларини эсга солади.

Масжид ҳовлисидан ер остидаги залга ҳам, марказий хонақоҳ бўлмасига ҳам, иккинчи қаватдаги хотин-қизлар залига ҳам кириш мумкин. Уларнинг бари кошнкор безаклар билан пардозланган. Барча заллардаги қандилларга тилла суви югуртирилган. Хотин-қизлар бўлмаси бежирим ёғоч панжара билан бегона назарлардан пана қилинган.

Қани энди масжид деворига мармар лавҳа осилиб, унинг қурилиши тарихи қисқача баён этилса...



ШОҲСАНАМ

OLGA CHEHOVA KIM EDI

Ростдан ҳам, ким эди бу аёл? Буюк Антон Чеховга нима алоқаси бор ёки улар шунчаки фамилиядошми? Эҳтимол, мартаба-мавқега эришиш учун шу шарафли номдан фойдалангандир? Хўш, алалоқибат бу номни қанчалик оқлади у?

Ольга Константиновна Чехова – ўтган асрнинг биринчи ярмида Олмонияда донг таратган актриса. Яна ҳам аниқроғи, ўттизинчи-қирқинчи йилларда Учинчи рейхнинг порлоқ “юлдузи”. Ўша кезлар у ҳақда “шахсан рейхсканцлер Гитлернинг эркатойи” деган мишмишлар ҳам тарқалган. Буниси камдек, советларнинг жосуси деган тахмин ҳам бор эди. Бу аёлнинг феъл-атворидан тортиб туриш-турмушигача Мария Закревская-Будбергни (“Жумбоқ хоним” деб номланган мақоламиз қаҳрамони) ёдга солади. Ольга ҳам у сингари ўзи тўғрисида шунча гап-сўз урчиганига қарамай пинак бузмаган, бундай “айблов”ларни асло бўйнига олмаган. У ҳам кексайган чоғи ёзган хотираномасида барчани қизиқтирган ушбу мавзунини усталлик билан четлаб ўтади. Аксинча, Гитлер билан у қадар ош-қатиқ бўлмаганини қайта-қайта таъкидлайди, советларга жосуслик қилган деган гапдан эса ошқора таажжубга тушади. 1945 йил бошларида уни нацистлар СССРнинг айғоқчиси дея ҳибс қилмоқчи бўлган, орадан бир фурсат ўтиб эса советлар гестапога сотилганликда айблаган. Ажабланарлиси, пешонаси ярақлаган бу хоним ҳар икки қалтис вазиятда ҳам сувдан қуруқ чиқиб кетади. Бешафқат эсэсчилару кимсага раҳм этмаган советларнинг махсус хизмати нечук бу аёлга қолганда кўнгли бўшлик қилди экан? Чиройли қош-кўзини дебми ёки Чехова деган фамилиянинг шарофатиданми?..

Дарвоқе, Чехова фамилияси...

Кенжатой Ольга

Қаҳрамонимиз Антон Чеховга бегона эмас, албатта – адибнинг рафиқаси Ольга Книппер-Чехованинг жияни, акасининг қизи. Боз устига, Чеховларга келин, яъни Антон Павловичнинг акаси Александрнинг ўғли Михаил билан турмуш қилган. Шу тариқа жиян ҳам аммаси Ольга Книппер каби Чехова

бўлади-қолади. Миша билан Оля ҳам гўё Антон Чехов ва Ольга Книппернинг йўлини тутати: бировга айтмай яширинча никоҳдан ўтади. “Катталар” шовқин-суронли тўйдан қочиб шу тарзда оила қурган эди, ёшлар эса ҳар иккаловининг ота-онаси бу никоҳга қарши эканлиги учун шундай ўзбошимчалик қилади. Ольганинг эътирофича, у ёшгина қизалоқ чоғиданоқ бўлғуси эри Мишага кўнгли қўйган. Ўн олтига тўлганида қизнинг айна кўнглидаги иш бўлади: отаси уни Петербургдан Москвага – аммаси Ольга Книппер-Чехова қарамоғига юборади. Қиз аммаси етакчи актриса саналмиш Москва Бадий театри қошидаги Станиславский студия-мактабида актёрлик маҳоратини ўргана бошлайди. Ким билсин, балки аммасидек машҳур актриса бўлмоққа ҳавас уни бу мактабга етаклагандир, лекин Ольгани театрсиз, саҳнасиз яшай олмайди деб бўлмасди. У ҳар қандай касб-ҳунарни дарҳол ўзлаштириб оладиган уқувли қизлар сирасидан эди. Айна чоқда унинг фикри-хаёли театрнинг пешқадам актёри Михаил Чеховда эди. Йигирма уч ёшли Миша аллақачон Петербургу Москвада, бу дегани бутун Россияда ном қозониб улгурган, мухлисларининг саноғи йўқ, айниқса, ёш ойимчалар унинг ортидан чопгани чопган эди. “Қизалоқ” Ольгага эса у бир гўдак деб қарарди, холос.

Саҳна санъатида амма каби зўр истеъдод насиб этмаган эса-да, хусн-жозоба бобида худо жиянни ярлақанган эди. Бунинг устига, ўткир зеҳн-фаросат, уддабуронлик, ҳар қандай йигитни бир зумда ўзига мафтун этиш қобилияти бор эди унинг. Негадир Миша Чеховга қолганда бу “ҳунари”ни ишга солмай хуноб бўларди қизгина. Аммо бир тасодиф сабаб унинг дилидаги орзу ижобат бўлади-қолади. Аллақандай хайрия томошасида улар бирга спектаклда чиқади: Миша – Гамлет, Ольга Офелия бўлиб. Қиз томошабинлардан ҳам кўра Мишанинг эътиборини қозонишга уринади – ролни қойилмақом қилиб ижро этади. Гулдурос қарсақлар остида икковлон қўл ушлашиб саҳнани тарк этадилар. Парда ортига ўтгач, Гамлет Офелияни белидан маҳкам қучиб бағрига босадию лабидан бўса олади. Қиз бир зум ўзини йўқотиб қўяди. Кейин эса уни ваҳм чулғайди: менга ҳали бирон эркак қўл теккизмаган, бообрў хонадон қизиман; у эса театрнинг кўзга кўринган актёрию режиссёри, бунинг устига, ўтакетган “донжуан” бўлса! Ольга ўзига анча пишиқ-пухта кўрингани билан ҳали хийла гўл, ростдан ҳам гўдакроқ эди. “Ҳомиладор бўлиб қолсам-а!” деб ўйлайди у. Бу ўйдан қизариб, терлаб-пишиб кетадию қаршисида жилмайиб турган “донжуан”га “Энди менга уйланмасанг бўлмайди, Миша”, дейди йиғламсираб. Йигитнинг эса оғзи қулоғида: “О, бундан ортиқ нима ҳам тилардим, бош устига!”.

Демак, у ҳам менга бефарқ эмас экан-да, дея ичига сиғмай кетади қиз. Аммо эр саналмишнинг зах, нимқоронғи, пиёздоғ ҳиди аримайдиган уч хонали каталагига қадам қўйиши ҳамоно ширин хаёллари тумандек тарқаб кетади. Рўпарасида бир эмас, икки кекса аёл унга ўқрайиб турарди: бири Мишанинг онаси, иккинчиси – энагаси. Улар илк кунданоқ келинчакни хушламайди: шу тантиқ бойвуччага Мишамизни бериб қўямизми, анойинг йўқ!



Оля тез фурсатда бўйида бўлиб қолганини сезади. Эрига билдирса, у боқи-беғамларча елка қисадию кўчага шошади. Қизининг ўзбошимчалик билан эрга текканидан хабар топибоқ Петербургдан етиб келган онаси унга қаттиқ танбех бермаган, фақатгина ётиғи билан насиҳат қилган эди: “Бир аҳмоқлик қилибсан, начора, аммо энди қулоғингга қуйиб ол, қиз: дарров бола кўтаришга ошиқма, аввал эр-хотин бир-бирингизни яхшироқ билиб олинглар”. Қиз эса ёшлигига борибми, она ўғитини унутади. Бу орада эри билан муносабати чигаллашади, ўртага қора мушук оралайди. Мишанинг ошиғи олчи эди, у ҳар кун спектаклдан сўнг бўкиб ичиб, тап тортмай маъшуқаларини уйга етаклаб келадиган одат чиқаради. Иззат-нафси топталган келинчагимизнинг тишини тишига босишдан бошқа чораси йўқ эди.

Қизи туғилгач, Оля уйда ўтириб қолмаслик учун рассомлик, ҳайкалта-рошлик ва меъморлик ўқишига киради, шу билан бирга, малака ошириш ниятида актёрлик дарсларига ҳам қатнай бошлайди. Аммо ўйлаб ўйига етолмас, ич-этини егани еган эди: нима хато қилдим экан? Наҳотки, мен ўлгудек севган Мишанинг аҳволи шу бўлса? Нега у мени бунчалик хўрлайди, азоблайди?

Аслида Миша Оляни аввалгидан кам кўрмасди, лекин у эрта келган шон-шухратдан сармаст, боз устига, араққа қул бўлиб қолган эди. Ниҳоят, тоқати тоқ бўлган Оля қизини кўтариб жўнайди – кетмоқчи. “Қаёққа?” дейди бирдан сергак тортган эр. Оля унинг ёнига боради-да, юзларини силай туриб “Бунча совуқ экансан-а... Хай, омон бўл”, дейдию кўчага отилади. Бор аламини шу бир оғиз сўз билан ифодалайди-қўяди.

Ольга Михаил Чеховнинг уйда кечган шу уч-тўрт йиллик умрини худди қўрқинчли тушдек эслаб юради. Аммо собиқ эрига кек сақламайди, 1929 йили (бу вақтда у олмон юртида киноактриса сифатида анча-мунча ном таратиб улгурган эди) унинг Олмонияга келишига кўмаклашади, унга ҳатто ижарага уй ва иш топиб беради. Ольганинг соясида собиқ эр немис фильмида бош ролни ижро этади. Ўша кино муваффақият қозонган, актёрга бошқа режиссёрлардан ҳам таклифлар тушганига қарамай, Михаил Чехов Олмонияда узоқ қолмайди, АҚШга кетади. У Ҳолливудда фавқулудда шухрат топиб, рус театр санъатининг маҳорат мактабини яратади. Ольга кейинчалик яна оила қурган эса-да, донгдор фамилиядан воз кечмайди.

Олмонияга “ҳижрат”, кино билан танишув

Хотираномасида ёзишича, Ольга Чехова биринчи турмушидан куйгач, не-не оғиз солганларнинг барига рад жавоб беради, қайтиб эр қилмасликка қарор этади. Аммо баъзи биографлар унинг Михаил Чеховни ташлаб кетишига венгриялик собиқ ҳарбий, ўктам, келишган йигит – Фридрих Яроши сабабчи бўлган деб айтади. Олмонияга кетиш фикри ҳам эҳтимол ана шу иккинчи турмушидан сўнг қатъийлашган; балки узоқни кўзлаган Ольга айнан хорижга чиқиб кетиш учунгина эрга теккан бўлса ажаб эмас. Фридрих билан ҳам муносабати узоққа бормагани учунмикан, у ҳақда актриса хотираларида лом-мим дейилмайди.

Шундай қилиб, 1921 йили йигирма тўрт яшар Ольга Чехова бир сидра кийим-боши солинган эски жомадонни кўтариб хорижга отланади. Ҳали

Россияда фуқаролар уруши тугаб битмаган, мамлакатдан чиқиб кетиш қийин эди. Ольга неча ой ҳукумат идораларига чопа-чопа, ниҳоят, хорижга чиқиш рухсатномасини қўлга киритади. Шахсан маориф халқ комиссари Луначарский тақдим этган бир ярим ой муддатга берилган ушбу ҳужжатда “саломатлигини тиклаш ва театр санъати борасидаги таълимини давом эттириш учун” деган изоҳ бор эди. Берилган муҳлат тугагач эса у ортга қайтишни хаёлига ҳам келтирмайди, аксинча, тарихий ватанида (Книпперлар авлоди асли олмон) муқим яшаб қолмоқ, иложини топса, ота-онасию қизини ҳам ёнига чақириб олмоқни мўлжаллайди. Чунки ўзига тўқ хонадонда ўсиб-улғайган қиз қисқа фурсат мобайнида оилавий бахтсизликни ҳам, очлик-юпунлигу йўқчиликни ҳам бошдан кечириб, обдон абгор бўлган эди-да. Уруш вайронага айлантирган рус ўлкасида кечган сўнги уч-тўрт йиллик турмушига солиштирганда Олмониядаги ҳаёти нақд жаннат бўлиб туюларди унга.

Австриялик йигитга эрга тегиб икки йил аввал Олмонияга кўчиб келган мактабдош дугонасига орқа қилиб чўнтаги бир чақасиз, бор-йўқ бойлиги – олмос кўзли узугига ишониб (шугина пул Берлинда иш топгунча яшаб туришига асқатади) бегона юртга қадам қўйган Ольганинг келгусида шу мамлакатнинг машхур кино юлдузига айланишини ким билибди дейсиз! Даствлаб қоғоздан шахмат доналари, гилдан ҳайкалча ясаб ва шуни сотиб кун кўриб юрган Ольга дугонасию Олмониядаги рус муҳожирлари ёрдамида янгидан-янги танишлар орттиради. Фамилиясидан воз кечмай у тўғри қилган экан – ҳарҳолда, Чехов номи бу ерда унча-мунча қўл келади. Ўша кезлар олмон саҳналарида Чехов пьесалари пайдар-пай ўйналарди. Санъат, киною театрга алоқадор даврларда Ольга бемалол мен машхур ёзувчи Антон Чеховнинг жияниман, Россиядаги энг пешқадам театрнинг олд актрисаларидан бўлганман, Станиславскийнинг шогирдиман, деб лоф ураверарди.

Бир гал киночилар зиёфатида таниқли кинопродюсер Эрих Поммер Ольгага “Кинода ҳам ўйнаганмисиз? Янги фильмимга бош ролга муносиб актриса излаяпман”, деб қолади. Ольга умри бино бўлиб биронта кино кўрмаган эсада, сир бой бермайди, “О, нимасини айтасиз, жаноб, кино жуда ажойиб нарса-да!” дейди жилмайиб. Эртасидан бошлаб шаҳардаги кинотеатрларга кетма-кет тушиб, бир қанча фильм томоша қилади. “Нима бу ўзи? – дейди у кўрганларидан кўнгли тўлмай. – Бари ҳаётда қандай бўлса худди шундай экранга кўчган, на бир кечинма, на бир ҳиссиёт бор! Театр – бошқа, театр ҳақиқий санъат майдони! Аммо бугун кинопинг ошиғи олчи эканми, демак, бу борада ҳам ўзимни синаб кўришим керак”.

Айнан ана шу – Эрих Поммернинг “Фогелёд қалъаси” фильми Ольга Чеховага кино санъати эшикларини ланг очади. Қарабсизки, тез орада у олмон синемасининг кўзга суртган “юлдузи”га айланади. Бир йилда етти-саккизта-лаб фильмда суратга туша бошлайди. “Мулен Руж” фильми эса (1928 йили) уни бутун дунёга танитади. Ольга Чехова Ҳолливудга ҳам таклиф қилинади, у ерда актриса бир қанча фильмларда роль ўйнайди. Киноартист зоти борки, Ҳолливудга интилади, йўлини топса, ўша ерда қолиб шуҳрат қозониш пайида бўлади. Ана шундай имконияти бўлатуриб, Ольга ортга – Германияга қайтади. Ҳарҳолда у илк бор шу ерда танилди, шу ерда обрў-этибор топди. Унинг

Ҳолливудда бутунлай қолмаганини аксар тадқиқотчилар Америка киносанъатининг Грета Гарбо, Марлен Дитрих каби юлдузлари билан рақобат қила оладиган даражада иқтидорли эмаслиги билан изоҳлайди. Бўлса бордир. Лекин у кинодаги фаолияти давомида нақд 132та фильмда роль ижро этиб, ўша “юлдуз”лардан кам эътибор қозонмаган.

Фюрернинг арзандаси – Сталиннинг жосуси(ми?)

Нацистлар ҳокимият тепасига келган кезлар (1933 йил) Ольга Чехова нафақат Олмония, балки дунёга ҳам ном таратиб улгурган эди. Янги ҳукумат тез кунда уни йўқлайди – зиёфат маросимида таклиф этади. Шу базмда у илк бор рейхсканцлер Адольф Гитлер, маориф ва тарғибот рейхсминистри Геббельс, шунингдек, Учинчи рейхнинг Гиммлер, Геринг, Борман каби бошқа арбоблари билан танишади. Гитлер Ольганинг экранларга янги чиққан фильмидан сўз очиб, уни мақтовларга кўмиб ташлайди. Юқорида тилга олганимиз хотира асарида Ольга фюрер ҳақидаги дастлабки таассуротини бундай ифодалаган: “Тортинчоқ, бир оз кўпол, аммо хонимларга илтифот кўрсатишга уста экан”.



Ушбу зиёфатдан сўнг актриса фюрер иштирок этадиган барча тадбирларга чорланадиган бўлади. 1936 йили Гитлер севимли актрисасини “кино ва театр санъатига қўшган ҳиссаси учун” Давлат артисти деган юксак унвон ила сийлайди. Байрамларда у Ольгани шахсан олқишлар, совға-салом жўнатишни қанда қилмас эди. Аксар йирик маросимларда фақат Ольга унга ҳамроҳлик қилиш шарафига ноил кўриларди. Фюрернинг меҳри тушгач, Чехова хоним ўйнаган фильмлар мисли кўрилмаган муваффақият билан намойиш этиладиган, матбуот у ҳақда мақолалару суратларини чоп қилиб чарчамайдиган даражага этади. Бутун Олмония маданий жамоатчилигининг тилида Ольга Чехова, санъат шинавандалари у ҳақдаги мишмишларни эшитавериб тўймади гўё.

Тез орада Ольга Рейхнинг олиймақом хонимлари – Ева Браун (Гитлернинг маъшуқаси), Магда Геббельс, Лени Рифеншталь (нацистларнинг хос режиссёри) ва Энни Зоннерман (Герингнинг рафиқаси) билан танишиб, дугона тутинади.

Уруш йиллари у кам эмас, қирқтача фильмда суратга тушади. Немис аскарларининг руҳини кўтариш, уларга далда бериш мақсадида концерт дастурлари билан фронт майдонларигача боради. Учувчилар, зобитлар, оддий аскарлар – барча-барчаси кўкрак чўнтагида айнан унинг фотосуратини олиб юрадиган бўлади.

Амакиваччаси Владимир Книппернинг шоҳидлик қилишича, 1945 йил январига келиб арзанда актрисанинг бошида қора булутлар айланиб қолади. Анчадан буён унга қарши тиш қайраб юрган Гиммлер актрисанинг пайини қирқмоқчи бўлади (мишмишларга кўра, Ольга унинг илтифотларини назар-писанд этмаган). “Совет жосуси” деган ваҳимали ордер билан ҳибс этмоқ ниятида эрталабдан “рейх қироличаси”нинг эшигини қоқади. Ольга очиқ чеҳра ила уни ичкарига бошлайди: “Марҳамат, жаноб, аввал менинг кўлимдан қаҳва ичинг”. Шаҳд билан кирган рейхсминистр ҳайкалдек қотиб қолади: хона тўрида шахсан рейхсканц-

лер, қўлида финжон, оёқ чалиштириб ўтирибди! Ким билсин, қайдан ис олди экан, уddaбурон Ольга кимсан Гиммлерни ана шу тариқа доғда қолдиради.

Шу ўринда савол туғилади: Гитлер нега ўзининг содиқ мулозимига эмас, рақиб мамлакатдан бўлмиш бир актрисага бу қадар ишонади, марҳамат кўрсатади? Ольга-чи, нима қилиб қудратли фюрернинг ишонч ва меҳрини қозонган? Булари – жумбоқ...

Советлар Берлинни забт этгач, 1945 йил апрелининг сўнги кунлари Ольга Чехова СМЕРШ ("Смерть шпионам" – "Айғоқчиларга – ўлим") ташкилоти томонидан ҳарбий самолётда тўппа-тўғри Москвага олиб кетилади. Бу Россияни тарк этгач илк ва сўнги бор ватанига қадам босиши эди унинг. Актрисанинг ўзи ушбу "саргузашт"ни бундай хотирлайди: "Мен тўғримда болалаб кетган узунқулоқ гаплар бир романга тафсилот бўлгулик! Билишимча, советлар мени Гитлер билан ўта яқин муносабатда бўлган, деган маълумот олган. Тавба, шу гапни эшитиб роса кулганман. Бундай бўҳтонни ким, нима мақсадда тўқиб чиқарди экан? Куракда турмайдиган ёлғон-ку бу, ахир! Виждони тоза бўлса, одам нимадан кўрқсин?! Бор гапни чўчимай айта олганга не етсин?! Менга ишонишадими-йўқми – вақт ҳакам..." Қисмати қил устида турган одам шундай дадил эътирофларга бора оладими? Ахир, Сталин давридаги даҳшатли "махсус идора" қўлидан омон чиқиш амримаҳол эканини ким билмайди дейсиз! Эҳтимол, "ўз одами" экани учунгина советлар Ольга Чеховани аяган, сўроқ тугагач, эҳтиром билан кузатиб юборгандир? Эндигина урушдан чиққан вайрона мамлакатда одамлар бир бурда нонга зор ўтирган бир пайтда Ольга Чехова Москвадаги уч хонали шинам хонадонда икки ойдан зиёд "азиз меҳмон" бўлгани-чи! Ҳарҳолда, унинг ўзи шундай ёзади: "Мени бу ерда обдон сийлашаётир, ниманики истасам зумда ижобат топаётир. Қўлигул бир сартарош бот-бот келиб турибди; шароб дейсизми, икраю лимонми, бари муҳайё... Бир оғизгина Берлинда қизимнинг ҳоли не кечди экан, оч қолиб кетмадимикан, дейишим ҳамано бу муаммо ҳал этилди-қўйилди. Хонамда радиоприёмник, зерикмайман, энг сара китоблар, гуллар, атир-упа..." Бу эътирофлар тўрт девор ичида эртанги кунини ўйлаб юрак ҳовучлаб ўтирган асиранинг эмас, обод бир масканда бамайлихотир ҳордиқ чиқараётган одамнинг кундалигига ўхшайди.

Уни СМЕРШ контрразведка ташкилотининг раҳбари Виктор Абакумов шахсан сўроқ қилади. Архив ҳужжатларидан хабардор тадқиқотчилар фикрича, Ольга Чехова "нацист арбобларининг шоҳона турмуш тарзю базму зиёфатлари" тўғрисида ҳикоя қилиб бериш учунгина олиб келингандек таассурот уйғотади. Нацист саркорлар батамом маҳв этилиб, Олмония деярли қўлга кириб турган бир вақтда бу маълумотларнинг нима қизиғи бор экан, дея таажжубланишингиз турган гап. Ёки бу ҳужжатлар одатдагидек хўжакўрсинга (советларга хос усул) тайёрланган, асосий савол-жавоб эса хатга тушмагандир. Биз ҳам Ольга Чехова ростдан русларнинг жосуси бўлган, аммо советлар уни гестапо билан ҳам ҳамкорлик қилган деган шубҳага борган ва ушбу тахминни тасдиқлаш асноси уни икки-уч ой махсус квартирада ушлаб турган дея тусмол қилишимиз мумкин.

1945 йил 22 ноябрь санаси қўйилган бир ҳужжатда Лаврентий Берия "Ўрт. Абакумов, Чехова масаласини нима қилдингиз?" деб сўрайди. Жавоб эса қуйидагича ҳисобот тарзда маълум қилинади: "Чехованинг илтимосига кўра, қисман

уйи, шунингдек, иккита автомашинаси таъмирлаб берилди; ҳозирча икки ойга етадиган озиқ-овқат захираси, машиналари ёнилғи билан таъминланган; оила аъзоларининг барчасига озиқ-овқат карточкаси берилди; доимий сут етказиб турилибди; уйини иситиш учун ўтин-кўмир етарли; қўлида беш минг марка пули бор; уч кишидан иборат кўриқлов хизмати бириктирилган. Чехова бундай эътибор ва ғамхўрлигимиздан беҳад миннатдор эканини изҳор қилди”.

Демак, Москвадан қайтгач Ольга Берлинда илгаригидек бамайлихотир умргузаронлик қилаверади: гастролларга боради, киною театрда роль ижро этади. Таажжуб, ватанидан 20-25 йиллар бурун бош олиб кетган, боз устига, советларнинг ашаддий душмани Гитлер пинжида, унинг ҳомийлигидан чандон баҳраманд бўлиб юрган бир актрисага шунчалик меҳрибонлик кўрсатилишини қандай изоҳламоқ мумкин? Дунёга танилган актриса бўлгани учунмикан? Ундай десак, СССРда у қатнашган бирорта фильм намойиш этилмаган, қолаверса, уни бу ерда саноклигина киши танирди. Демак, шўро жосуси бўлгани бор гап шекилли...

Совет махсус хизматларининг жосуслик фаолиятини миридан-сиригача билган генерал Павел Судоплатов, шунингдек, Лаврентий Бериянинг ўғли Серго Гегечкори ёзган хотира китобларида Ольга Чехованинг жосус бўлгани камоли ишонч ила таъкидланади. Уни айнан Берия ёллаган экан. Бугун энди Иккинчи жаҳон уруши йиллари ва ундан илгари ҳам Бериянинг чет элларда юзлаб махфий айғоқчилари фаолият юритгани сир бўлмай қолди. Эҳтимол, Ольга Чехова ҳам ана ўшалардан биридир. Яъни, жайдаричасига айтганда, булар шунчаки “қулоқ”. Хужжатларга номлари расман тиркалмагани эса уларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаган, холос. Табиийки, Ольгадан муҳимдан-муҳим махфий ҳарбий сирларни билиб бериш талаб этилмаган. У асосан рейх арбобларининг турмуш тарзи, аҳвол-руҳияси, оиласи, ожиз жиҳатлари ҳақида маълумот етказиб турган бўлса ажаб эмас.

Ольга Чехова икки-уч ойлик “сафар”дан сўнг Германияга қайтгач, Лондондаги “Пипл” журналида унинг айғоқчи эканлиги ҳақида илк хабар тарқалади. Унда “Актриса Сталинга ишлаганми ёки Гитлерга, ё бўлмаса, ҳар иккала томонга баробар жосуслик қилганми?” деган савол илгари сурилади. Шундан сўнг Чехова кунда-кунора таҳдидли хатлар ола бошлайди. Буниси камдек, садоқатли хизмати учун Сталин уни Ленин ордени билан тақдирлабди, деган миш-миш ҳам тарқалади. Кўча-кўйда уни хоин дея қўлини бигиз қилиб кўрсатадиган одамлар кўпаяди. Ҳатто ёшгина бир қиз келиб юзига тупуриб ҳам кетади: мана сенга, ватанфуруш! Олмониядаги йирик бир газета эса унинг совет нишонини ушлаб турган ҳолатдаги расмини (ўша кезлар ҳам уддабуронлар фотомонтаж усулининг уддасидан чиққан экан, қаранг!) эълон қилади. Тагида изоҳ: “Садоқатли жосус Ольга Чехова Ленин ордени билан тақдирланди”. Актриса ўша газетани судга бериб, ютиб чиқади. Хуллас, қаҳрамонимиз ана шундай “синов”ларни ҳам енгиб ўтади.

Тўғри, актриса кейинчалик кино ва театр санъатидаги хизматлари учун бир неча бор тақдирланади, лекин СССР эмас, ГФР томонидан. 1962 йили кекса актрисанинг олмон кино санъатига қўшган ҳиссаси юксак баҳоланади. Орадан ўн йил ўтиб, ГФР канцлери Ольга Чеховага “Хизматлари учун” хоч нишонини топширади.

Нафақадаги ишбилармон хоним

1955 йили Ольга Чехова сўнги бор кинода роль ижро этади ва бу соҳани тарк этажагини эълон қилади. Орадан ўн йил ўтиб, ёлғиз қизи Ада фожиона ҳалок бўлгач, театрдан ҳам кетади.

“Нимаям қилардинг, – дейди у ўзига ўзи, – обрўнг борида этакни ёпиб энди сахнадан кетганинг дуруст. Қачон кекса қаҳрамон ролига талаб чиқаркан деб кутиб ўтирасанми? Йўқ, буниси сенга тўғри келмайди”.


Қариган чоғида фақирона умр кечиришни у хаёлига ҳам келтиролмасди. Демак, шу ёшда барини бошдан бошламоғи керак. Аввал китоб ёзади: ихчамгина, ўзи яхши билган пардоз-андоз борасида. Илк адади бирпасда сотилиб кетади. Лекин шу орада уни қайта чоп этмоқчи бўлган нашриёт касодга учрайди. Қаҳрамонимиз тагин таваккал қилади, бу гал ўзи яхши билган соҳага қўл уради – киностудия очади. Бироқ энди замон ўзгарган, кинога бўлган талаблар ҳам ўзгача эди. Учта фильм суратга олингач, ишлар орқага кетади. Кетма-кет келган омадсизликлардан ҳам шашти қайтмаган ҳаваскор ишбилармон Берлиндаги уй-жойини сотиб Мюнхенга кўчиб боради. Шаҳарнинг қоқ марказида пардоз-андоз салонини очади. Олтмиш ёшида ҳам юзига ажин из сололмаган актрисага ихлосманд мижозлар оқиб кела бошлайди. Ишбилармон хоним биологу кимёгарларни ҳам ишга жалб қилади, тажрибахонада ўзи бош бўлиб юз териси парваришига мўлжалланган янги-янги ёғупаю малҳам-ниқоблар ишлаб чиқаришни йўлга қўяди. Пардоз моллари яхши сотилади, талаб ортгандан ортади. Шу тариқа “Ольга Чехова косметикаси” аталмиш машҳур фирмага асос солинади. Берлин ва Миланда унинг филиаллари очилади. Аксарият нафақага чиқиб, қарилик гаштини сурадиган бир паллада тиниб-тинчимас “фрау Ольга” бойвуччага айланиб умрининг охиригача корхонани ўзи бошқаради.



Бир вақтлар, турмушлари бузилганда Михаил Чехов алам билан бундай деган эди: “Кетишга-ку кетди, лекин донгдор фамилиядан воз кечмади. Мен билан шуҳрат талашмоқ бўлди чоғи”. Кейинчалик Олмонияда ном таратган Ольга Чехова “Мана, ўзим ҳам ўша донгдор фамилияга муносиб бўлдим шекилли” дейди. Чиндан-да, эътибор қозониш борасида у собиқ эридан асло қолишмаган. Унинг номи нафақат актриса, балки жосус ва ишбилармон сифатида ҳам тарихга муҳрланиб қолди.

Бу аёлнинг шахсий ҳаёти сир-асрорга бой эди, умрининг сўнгигача ҳеч бировга “ёрилмади”. Эҳтимол, арзирли гап ҳам йўқдир, бари тўқиб чиқарилган сафсатадир, аммо бунга ҳам ишониш қийин-да. Шуниси ойдек равшанки, Ольга Чехова бор аёллик макрини ишга сола билган: советлар тарафида бўладими ёки нацистлар, бундан қатъи назар, шахсий манфаат йўлида ҳеч нимадан тап тортмаган; имкон берилибдими – фойдаланиб қол!

Ажаб фалсафа.



QAYDASAN, MO'JIZA?

Iqbol QO'SHSHAYEVA
mutolaa qiladi



ЮЛДУЗЛАРГА ТЕРМУЛГАН САНЪАТКОР

Сергей Б о н д а р ч у к. Мўъжиза истаб. Тошкент, Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.

Ҳали “Қайсар чумчуқ” эртақлар тўплами таъсирдан чиқиб улгурмаган кезлар кафтдек келадиган шу китоб қўлимга тушдию “чиroyли амаки”нинг турфа қиёфадаги суратларини томоша қилиш мен учун одатга айланди-қолди. Ҳатто ичимдан “Шундоқ бобонг бўлса-я”, деган кулгили истак ўтарди. Хаёлимда бир дунё яратиб олган эдим. Унда менинг икки бобом бор эди – бири ўзимизнинг Ойбек, иккинчиси ўрис амаки “Ҳазрати Сергей”. Нима дейсиз энди, хаёл ўз номи билан хаёл-да. Истараси иссиқ, донишманднамо қиёфа ортида ким турибди? Ким ўзи бу одам? Шу саволлар етовиди китобни ўқимоққа тутиндим. “Мўъжиза истаб” – мўъжиза излаб мутолаа қилган илк китобларимдан бири бўлди.

Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари аввали. Рус инқилоби миллатимиз бошига солган савдолар ҳақида кўп гапириладиган кезлар. Бу – болалик чопқиллаб ўтаётган, ўр ўсмирлик ўзига имлаётган дамларга тўғри келган эди. Оиладаги адабий-сиёсий суҳбатларнинг таъсирими, ўша кезлар “миллий ғурур”им алангаланиб кетса денг. Ғариб тасаввуримнинг ғўр муштумчаси “инқилоб”га эмас, “рус” сўзига ўқталган. Ўзимча исён қилиб, рус тили дарсига киришдан бош тортдим. Бу гўё миллатимга садоқат намоиши эди. “Мўъжиза истаб” китоби эса “ғурурча”ми синдирди-қўйди.

Сергей Бондарчук менга адабиёт моҳиятини танитди. “Отелло Ягога ишониб, Дездемонани эмас, балки разиллик, сотқинлик дунёсини жазолайди. У

Ўз жинояти билан эмас, балки разолат, ифлослик қай бир ниқоб ортига яширинмасин, у билан аёвсиз курашга тайёр экани билан улугдир”, “Чирой бу фариштадек қиёфа, шамшоддек қомат эмас. Наташада униси ҳам, буниси ҳам йўқ. Оғзи катта, елка суяклари чиқик, деб таърифлайди уни Толстой. Айни вақтда у беқиёс гўзал. Чирой ниқоб эмас, балки бутун борлиғидир”. Бирам бошқача, бирам бошқача! Ҳатто акаларимнинг дарслигидаям учратмаганман бундай фикрларни.

Шекспир, Толстой, Чехов, Блок, Шолохов, Шукшин, Хачатурян олами... Соколов, Ҳазрат Сергей, Пьер Безухов, князь Андрей, Наташа Ростова, Арбенин, Наполеон дунёси... Булар билан танишимиз шарт эди! Ўқидиму ўзгардим. Санъат дунёси сирли-сехрли қитъа бўлиб туюлди. Бадиий адабиётни кино ва мусиқа каби санъат ҳодисаси сифатида англай бошладим.

Миядаги зиндонча ҳам кенгайди, маҳдуд ақидалардан қандай халос бўлганимни сезмай қолдим. Миллат бошқа, сиёсат бошқа экан. Мўмин билан мунофиқнинг ўртасидаги девор қанчалик қалин бўлса, санъат билан сиёсат ўртасидаги жарлик ҳам шу қадар улкан. Инсон қалби – сиёсий мафкура тарозисида ўлчаб бўлмайдиган нодир ҳодиса. Ясама, таги пуч ғоялар билан эса инсон моҳиятига етиб бўлмайди.

Бугун ҳам, “мустабид тузум” тарихини унуттирмақ қасдида совет даври дурдоналарини мутаассибларча қатагон этишга бел боғлаганларни кўриб, ҳайронлар қоламан. Асос-моҳиятида инсон турган санъат манфаатлар ўйини – сиёсатдан айро эканини англаш шунчалар қийинми? Ахир, Ленин дегани Бондарчук дегани эмас-ку! Сталин юрагингизда қанчалар кучли жароҳат қолдирган бўлса, Тенгиз Абуладзе кўксидаги дард ҳам сизникидан кам эмас. Йўқса, у “Тазарру” этмас эди. Қабих Гдлянга бўлган нафратни деб, Хачатурянининг “Маскарад”ини эшитишдан воз кечиш бориб турган тентаклик-ку! Уларнинг қисмат битиги бошқа-бошқа, ахир.

Муаллиф қай бир мавзуда қалам тебратмасин, ҳар бир сатр ортида юксак дидли мутафаккир турганини илғайсиз. Масалан, Арам Хачатурян ҳақидаги мақолада бундай ёзади: *“Менинг тасаввуримча, ҳаёт оҳанглари уни ўзида акс эттирувчи мусиқа бор ҳамда коинот мутаносиблиги, уйғунликни, бошқача айтганда, инсоннинг ички олами, ҳиссиёт дунёси гармониясини ифода этувчи яна бошқа бир мусиқа бор. Олмон олими Лейбниц мусиқа... ўз кучидан беҳабар ниҳоясиз шодлик, дейди. Улуғ ижодкорлар мусиқа санъатининг ана шу фазилати – гармония нафосатини айрича қадрлайдилар. Бу борада Лев Толстой Ҳайднни, Эйнштейн Моцартни юқори ўринга қўяди”*.

Ҳар гал олий уйғунликни кўмсаганимда, инсон ҳиссиётини инжалик билан, гард юқтирмай ифодалашда санъатнинг ҳеч бир тури мусиқанинг яқинига йўлай олмаслигига амин бўламан. Ва мусиқий илмим ғариблигидан ўкинман ҳам. Шундай нозик кечинмалар борки, уларни ифодалашда сўз дағаллик қилиб қолади гўё. Қалбингизни сўзга ишониб топширолмайсиз. Хоҳлайсизми-йўқми, сўз юракни бир қадар яланғочлайди-да. Куй эса қалбингиздан қуюлиб келаётган нолани бегонага ошкор этмайди, уни фақат хослар англайди...

Ўтган йиллар давомида интеллектуал кино даргалари – Микеланжело Антониони, Ингмар Бергман, Андрей Тарковскийнинг мемуарларини ҳижжаладим.



Уларнинг ёзмишлари Бондарчукнинг қайдларидан кескинроқ, фикрлар салмоқлироқ. Муаллифлар ўзига ҳам, жамиятга ҳам беаёв. Ҳар бир икродда пешонаси тиришган ҳақиқатни кўрасиз гўё. Маълум муддат улар таъсирида юрдим. “Воҳ, мана буни мемуар дейдилар! Мана сенга икром!” деб тасаннолар ҳам ўқидим. Лекин бугун кўнгил негадир бир замонлар ўқиганим “Мўъжиза истаб” томон талпинади. Нега? Ўзимча англашга ҳаракат қиламан. Гап шундаки, Бондарчук мулоҳазалари инсонийлиги билан ажралиб туради. “Мўъжиза истаб” – товони замин тафтини сезиб турган донишманднинг самимий ўй-кечинмалари жамланган китоб. Англаганим шуки, осмоний ҳайрат Ер фарзанди – инсонга тўқас таскин-тасалли беролмас экан.

Бондарчук салафлари каби борлиқни тафтишчи тафаккури билан эмас, хайрихоҳ қалб ила ўрганади, баҳолайди. Юрак ҳароратига йўғрилган фикрлар эса фақат ақлни чархлаб қолмай, кўнгилга ҳам ёруғлик индиради.

“Уруш ва тинчлик” фильмида кўзда ёш билан олис юлдузларга термулган Безухов – Бондарчукни эсланг! “Уруш ва тинчлик” ва “Дашт” фильмлари хотимасидаги заминну осмон висолини эсланг! Бирида осмон юксаклик надимаси – заминнинг бардошига таъзим этса, иккинчисида замин осмонга – кенгликка табассум ҳада қилади. Бу гўзал уйғунлик кўксига эса инсон юраги урмоқда! Сергей Бондарчук заминни ҳам, осмонни ҳам инсонни тинглагандек тинглайди.

ЗАМОҶДОШИМ МЕНИНГ ЖАНОБ РАСТОПЧИН

Лев Толстой. Уруш ва тинчлик. Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2016.



- Сен бизнинг, Жазоиримизнинг фожиаси ҳақида ёз.
- Мен кўп ва ҳўб ёздим, аммо эвазига эшитганим фақат ҳақорат бўлди.
- Мен газетбоп мақола ё эсселарни эмас, романи назарда тутяпман. Ҳақиқат адабиётда гавдаланади. Ҳақиқий Русияни тарихчиларнинг китобидан эмас, Достоевский ва Толстой романларидан топасан.

Альбер Камю асари асосида суратга олинган “Биринчи одам” фильмидан.

Нега ўтмишни тарихий манбалардан эмас, тасаввур маҳсули бўлмиш бадий адабиётдан излаш керак? Нега? Назаримда, ҳокимият соясида битилган солнома ҳақиқатга ўқилган жаноза кабидир. Дунё дунё бўлибдики, салтанат сарварлари марҳаматига кўз тиккан муаррих салламнодан бошқасига ярамайди. Бундай ёлғон тарихнинг ташхисини эса Лев Николаевич “Уруш ва тинчлик” романида аллақачон кўйиб бўлган: “Факт билан тарихий тасвирлар орасида зиддиятларнинг вужудга келишига сабаб, ҳодисаларни тасвирлаган тарихчилар воқеаларнинг тарихини эмас, балки олий рутбали генералларнинг чиройли туйғулари ва оташин нутқларини баён қилган. Уларга генералларнинг олган мукофоти мароқлироқ кўринган. Бироқ госпиталь ва қабристонларда қолиб кетган эплик минг кишининг тақдири уларни қизиқтирмаган. Тарихдаги яна бир хато – бир шахс, бир шоҳ, бир саркарданинг фаолиятини одамларнинг истак-орзулари йиғиндиси деб билишдир. Ваҳоланки, одамлар истагининг йиғиндиси ҳеч қачон бир та-

рихий шахснинг фаолиятида ифода топган эмас. ...Ҳамма одамларнинг истак-орзулари биргина тарихий шахс фаолиятида акс этади, деб ўйлаш тамомила янглиш фикрدير”.

“Уруш ва тинчлик” романини уч бора хатм қилдим. Биринчи марта ўқиганимда ўй-хаёлимни князь Андрей Болконскийнинг ҳаёт ва ўлим, муҳаббат ва аламга доир ахлоқий қарашлари банд этди. Бир мuddат фикрчан йигитнинг мураккаб руҳий оламида яшадим ҳам. Кейин Пьер Безуховнинг маънавий дунёсига кўчдим. Болконскийда ҳаёт ҳақиқатига тик боқадиган жўмард адиб чўрткесарлигини кўрсам, Безуховда Инсон деган ҳодисани коинот миқёсида англаётган дарднок донишманд ҳалимлигини кўраман. Файласуф ва инсоншунос Толстойнинг ўй-қарашлари фикрингизга қанот бериб, қалбингизга буюк бир таскинни жойласа, жамиятшунос ва тарихчи Толстойнинг ҳукм-хулосалари виждонингизни турткилайди, уни бедор этади.

Бородино жангида турланиб-тусланган аъёнлар ҳақидаги аччиқ ҳақиқатлар, “Энди чегарадан ўтиб урушни давом эттириш бефойда ва кони зарар”, деб куюнган Кутузов атрофида кечган ўйинлар асносида туғилган фикрларга кунда-кунора тўқнашаман. Ёзувчи фавқулodда одиллик билан Русия кечмишидан умуминсоний хулосалар чиқаради. Агар муаллиф Буюк Бородино жанги баҳонасида ўзи мансуб миллатни улуғлаб, унга мадҳия ўқиганида, “Уруш ва тинчлик” эҳтимол бугун унутилиб кетган бўларди, Толстой ТОЛСТОЙ бўла олмасди. Адиб рус аркони давлати манфаат кўйида фотиҳ французлардан-да тубан кетганини тарихий шахсларнинг (тўқима образлар эмас!) қилмиши орқали ишонarli тасвирлайди. “Французлар мағлубияти муқаррар, душман қочиб бормoқда, уларни юртдан чиқиб кетгунча таъқиб этиш керак... Лекин генераллар ўзларини кўрсатиш, кимларнидир қойил қолдириш илинжида жанглари ҳамон давом эттирар, бирор герцог ёки қиролни асир олиш учун қанчадан-қанча қон тўкар эдилар. Уруш, қиргин, одам ўлдириш мунофиқлик, разилликка айланган бир дамни айни қаҳрамонлик кўрсатадиган пайт деб тушунишарди”.

Ўн тўққизинчи аср русининг дарди йигирма биринчи аср ўзбеги учун ҳам бегона эмас. Ҳақиқат каби, тубанлик ҳам миллат танламайди. Бородино ҳар бир тузумда турлича ном билан аталади. Ҳар бир давлатнинг ёнаётган Москваси – кулга айланган виждони бор. Ҳар бир миллатнинг ерга урилган юксаклиги – Кутузови бор. Биргина шиорбоз Растопчин отлиқ тарихий нусханинг қиёфасида мен ўнлаб замондошларимни кўраман. Улар – менинг шуҳратсевар миллатдошим, ҳақиқатфуруш ҳамкасбим, ватанбоз шоириму амалпараст арбобим.

“Растопчин афиша ёзиш билан халқни ҳаяжонлантирмоқчи бўлди. У гарчи ватанпарварлик туйғусига эга бўлса ҳам, идора қилмоқчи бўлган халқни ҳақида тариқча тасавури йўқ эди. ...Назарида Москва аҳолисининг фақат зоҳирий фаолиятига эмас, балки ўз хитобнома ва афишалари орқали унинг ички туйғусига ҳам раҳбарлик қилаётгандай эди. Ваҳоланки, афишалар бемаъни тилда ёзилган бўлиб, халқ ўз даврасида бу тилни масҳара қиларди...”


Бугунги журналистлару аҳли шуарога ҳам ушбу иллат бегона эмас. Ахир, биз ҳам хоҳ “дилбузар”да бўлсин, хоҳ матбуотда одам боласи гапирмайдиган чулчит тилда халқ онгини тизгинлашга уринмадикми? Растопчиннинг “Хоинлар!” деган маломати хорчиларимизнинг нақоратига айланмадикми? Рус арбобининг ёш йигит Верещагинни оломон ҳукмига топшираётганда-

ги ҳайқиригини бир дунё ҳасрат ила ўқийман: “Уринглар бунини! Хоин ўлсин, лекин рус номини булғамасин!.. Бу одам ўз подшоҳига, ўз Ватанига хиёнат қилди. Чолиб ташланглар!” ...Верешчагиннинг “Граф, теламизда Худо бор!” деган сўзи эсига тушди ва эти жимирлаб кетди. Бироқ бу ҳол бир лаҳзагина давом этди, холос. У тиржайиб ўзидан кулди: “Менинг бурчим халойиқни тинчитмоқ эди. Халқ бахт-саодати йўлида бунақанги қурбонлар кўп бўлган ва бўлади”. Аслида, бу мўйсафид тарих учун янгилик эмас, Растопчиннинг “салаф”лари ҳам шундай дея ўзига таскин берган. “Ҳам халойиқни тинчитиш учун уни қурбон қилдим, ҳам жинояткорни жазоладим”. “Жамияти фароғати учун” деган шиор гоҳида одамни тубанликнинг қоқ тубига итқитади. “Ахир, мен бу ишни ўзим учун қилганим йўқ-ку”. Бу гапни айтиш учун албатта Растопчин деб аталмоқ, Москванинг бош қўмондони бўлмоқ шарт эмас... Замон ва макон чегараларидан ошган мутафаккир даҳоси қаршида бош эгаман.

Толстой бобо билан бу галги суҳбатдан чиқарган хулосам шуки, тамагиру хушомадгүй кимсадан улуғлик излаб овора бўлмаган маъқул...

БАЛОИ ИШҚНИНГ ЧАҚМОҒИ

Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. Шайх Санъон ҳикояти. Ташкент, Ғафур Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.



“Лисон ут-тайр” – бало дашти ичра танҳо парвоз қилган Қақнуснинг видолашув ноласи. “Лисон ут-тайр” – бутун башар истиғфорини айтиб ўтган умрнинг хулосаси. Китоб устига мук тушганда, чиндан ҳам “Инсон – коинотнинг гултожи”, деб тасанно ўқийсиз. Лекин ҳаёт кафтида туриб “сайраш”га тўғри келганда Дарвин назарияси ҳам ҳайф деган шаккокона ўйларга борасиз. Нега деганда, китоб ўқиганда санъонларга ҳамдард бўламиниз-у, аммо ҳаётда Шайхни масхаралаган бутпараст кофирга айланиб қоламиз.

Тасаввуфшунослигу навоийшунослик илмидан анча йироқман. Бу борада орзумандлигим ҳам йўқ. Оддий ўқувчи сифатида кўнглимда уйғонган ўйларни баён этаётирманки, хато қилсам маъзур тутгайсиз.

Шайх Санъон қисмати Навоийга қадар ҳам, ундан кейин ҳам кўпларни ўйлатган. Ўйлатишга ўйлатган-у, лекин унинг ҳақиқатига кимлар ета олган – ёлғиз Ўзига аён.

Шайх Санъон – шайхлар пешвоси! Ҳар бири Боязид Бистомий даражасидаги тўрт юз муриднинг муршиди! Тақвода у зот билан тенглаша оладиган мардум топилмас эди. Издиҳом унинг бир оғиз сўзига илҳақ. Не тонгики, унинг бошига савдо тушди. Инсонни расвои жаҳон этадиган ишқ савдоси! Бу ғавво уни не кўйларга солмади. Бир умрлик илму амалини ҳабада этиб, дину имонига ўт қўйди. Зуннор боғлади, чўчқа боқди, оташгоҳ ўтининг парвонаси бўлди, Каломуллоҳни оловга ташлади... Мўмин учун неки нораво бўлса барини қилди. Хўш, Навоий унинг ҳолини баён этмоқдан нени кўзлаган эди?

Ботиний билимга етишмоқнинг энг ишончли йўли – Ишқ йўлидир. Фақат ишқ такаббур МЕННИ синдириб, хокитуроб айлайди. Ичдаги деворларни, тўсиқларни қулатади. Ва фақат ишқ бани одамни малоикалар сажда қиладиган мақомга кўтаради.

Шайх чўчкабоқарлик қилди. Зеро, ҳар бир инсон ичида тубан ҳайвон бор. У ўзидаги “тубан”ни таниб-билиб олди. Инсон гуноҳни таний бошлаган ондан эса ундан халос бўлишга чоғланади.

Умри ибодат ичра ўтган шайх Қуръони каримни ўтга ташлади. Бу эса “Анал Ҳақ” деган Мансур Ҳаллож ёки севгилиси Лайлига ёзган мактубларни йиртиб ташлаган Мажнун қилмишини ёдга солади. Каломуллоҳ – Оллоҳнинг сўзи акс этган китоб. Ошиқ учун эса унинг акси эмас, ЎЗИ муҳим. Аслида, илоҳий каломнинг маскани китоб саҳифалари эмас, балки мўминнинг қалбидир.

Белига зуннор боғлади. Энди унинг учун одамлар мўмину кофирга, гуноҳкору бегуноҳга тоифаланмайди. Муслмон каби кофир ҳам унинг жондоши. У учун на Машриқ қолди, на Мағриб. Олам маҳшаргоҳга айланди.

Оташгоҳда ўт ёқди. Бу иши билан ўша кезгача эришган мартабаю мақомига ўт кўйди. Демак, обрў-иззат ғавғосидан халос бўлди.

Бир дебким: “Чун машойихқа бу иш –

Етса, бизга етгай асру сарзаниш.

Шайх дебким: “Йўқ, апар бирла ишим

Ким харобот ичрадур истар кишим”.

Бу синов Худонинг унга юборган кулфати эмас, қилган амалларига ажру мукофотидир. Ҳақ уни шу йўл билан йўлдан озган азозилнинг қаро қисматидан қутқарди. Шайх моддият билан ўлчанадиган барча даъволардан озод бўлиб ОЛИЙ ҲЕЧЛИКка мушарраф бўлди. Таъбир жоиз бўлса, шайхул машойихлик мақомининг ўзи ҳам бир занжир эди. “Ўз нуқсонини исбот қила олган кишигина ҳақиқий комилдир. Зеро, қуёш ҳам туш пайтида ўзини баркамол кўриб, энг юксак нуқтага кўтарилдим деб ўйлайди, аммо шу ондаёқ унга завол юзланади. Яъни у пастга қараб бота бошлайди. Негаки, унинг чиндан ҳам камолоти бор эди, аммо уни кўрган заҳотиёқ заволга юз тутди”.

Балки гапларим кимгадир эриш туюлар, хоҳ ҳаётда бўлсин, хоҳ телевизорда айрим уламоларимизнинг (улар кам эмас!) нигоҳидан ҳамдарадлик излайман, нур қидираман, аммо топа олмайман! Ингмар Бергман фильмларидаги руҳонийларни кўргандек бўламан. Ўша ҳукмфармо авзо, ўша ўғай нигоҳ. “Илоҳ бу йўлда фақат ўзини ўйлаб, манманликка берилишдан ҳам ортиқроқ гуноҳ йўқ деб ҳисоблайди”. Бергманнинг – протестант, Толстойнинг проваслав руҳонийлари ҳақидаги дардли ўйлари менинг уламоларимга ҳам тааллуқли, деган саркаш хаёлга бораман. Дину мазҳаб ўзга, бироқ моҳияту маҳрумият битта!

Юксакдаги муршид Шайх Санъоннинг собит эътиқоди билан жунун саҳросини кезиб ҲЕЧ КИМлигини англаган савдойи Санъоннинг ҳақиқатига қиёс топила-лармикан?! “Қиёматда намозни, рўзани, садақани... ҳамма-ҳаммасини тарозига кўярлар, фақат муҳаббат тарозига сиғмайди”, дейди Мавлоно Румий. Ишқ изтироблари кечирилмас гуноҳ – кибрни илдизи билан кўпориб ташлайди. У шуниси билан ҳам улуғ туйғу. Озурда қалбга эса Расулulloҳнинг (с.а.в.) ўзлари мададкор бўлади: “К-эй муршиди соҳиб вусул, / Муждаки, бўлди мададкоринг расул!”

Туйғу қанча қудратли бўлса, маҳбуба кўнглини ҳам шунча тез маҳв этади, уни ҳам оташ домига тортади. Муҳаббат биргаликда ҳайрат туйиб, биргаликда фарёд уришдир. Балои ишқнинг чақмоғи куфр санамининг бошида ҳам чақди. Тарсо қизи Шайх кезган биёбонда саросар тентиради. Унинг ғурури чил-чил синди. Аввалги таманнодан асар ҳам қолмади. Маҳбубининг ҳақиқатига етмок учун ўтинчу надомат ила пойи пиёда йўлга тушди...

“ХУКМ СОАТИ ЕТДИ...”

Михаил Л е р м о н т о в. Демон. Танланган асарлар. Икки жилдлик, I жилд. Тошкент, Ўзбекистон ССР давлат нашриёти, 1955.

Оламда изтироб кўп. Ҳар бирининг ўз юки-залвори бор. Изтироб ичидаги одам ҳасрат чекаётган бошқа бировга “Менинг дардим сеникидан энгилроқ”, демайди. Бахтсизлик қай йўсинда келмасин, ўз номи билан бахтсизлик. Бироқ оламда бир қайғу борки, унда замин зулмати мужассамдир. Бу – Иблисининг қайғуси. Мағлубиятлар ичида энг машъуми кибрнинг мағлубияти бўлса ажаб эмас. Кибр нима? Ўз бўйидан баланд юксакликни қабул қила олмаслик. “Мен ҳаммадан аъломан”, деган дардга мубталолик. Ҳамма бало шундаки, мутақаббир Иблис одамни Ҳазрати Инсонга айлантирадиган фазилатларни яхши билади. Мангу лаънатга дучор бу қувғинди руҳ найрангларидан ҳар қанча огоҳ этилмасин, барибир унинг муқомларига алданиш, аламига гирифтор бўлиш Одам болаларининг ёзуғи экан. Ким билсин, аламзада Иблис уларни қурол қилиб ҲАҚқа “ҳақ” лигини исботламоқчи бўлар, “Халифа деб яратганинг – одамнинг аҳволини кўр”, дея.

Кўп ўйлайман, одамларни ортидан эргаштиришга қодир ёки туйғу-фикри билан ажралиб турган хосларнинг феъли-хўйи ва ҳаётидаги ноодатий қирраларни мамарайимчасига қаричлаш тўғримики? Шундоғам уларнинг умри беомон тўлқинлар гирдобиди кечади-ку...

Михаил Лермонтовнинг “Демон” поэмаси мутолаасига шўнгиған ўқувчи қора қайғу – Иблис қайғусининг маҳобатини идрок этади.

Не ажабки, “жаҳон дашти ичра беватан” тентираб юрган Иблисининг кўзи тонг поклиги – Тамарага тушиб қолади!

*Ёху! Иблис қизни пайқади,
Ўша замон севди ҳаяжон:
Ширин бир куй гўё биёбон –
Даштдай кўнгли ичра тарқади.*

Гўзал хилқат олий даргоҳдан қувилган иблисга масъуд онларини, ким эди-ю, ким бўлиб қолганини эслатади. Хувиллаган кўнглига оний ҳайрат – нурни солади. “Эслаб кетиб ўтмишини, ёлғиз / Бир оҳ тортиб нафас оларди”. Ўтмишини унутмайди. Унута олмайди!

*Шунда Иблис энг биринчи бор
Муҳаббатнинг дардини туйди...
Нола чекиб дили зору зор,
Ишқ ўтида ловиллаб куйди.
Қўрқиб, жилмоқ бўлди бу ердан...
Қанотини кўтаролмади!
Ажаб! Қуруқ кўзидан бирдан
Ёши оқди... Ҳеч чидолмади...
Ўша жойда ҳалига қадар
Одам ёши эмас, ўша ёш,
Ўша ўтдек ёш куйдирган тош,
Якка, қора, куйган тош ётар...*

Гарчи кўзидан оққан ёш тошни куйдирса-да, муҳаббат – Иблис эмас, у – Тамара! Чунки муҳаббат адашар, хато қилар, гуноҳ қилар, лекин зулм қилмайди. Қилса ҳам, ўзгага эмас, фақат ўзига қилади. Муҳаббат тугаган жойда шайтон муқоми-макри бошланади.

Поэмада алам, ёлғизлик, ҳасад ва дарбадарликка маҳкум саркаш руҳнинг бутун драмаси Иблис кечмишида намоён бўлса, мудом шафқатга муҳтож муҳаббатнинг фожеий моҳияти, рангу рафтори Тамара қисматида кўринади. Тамара, Соња Мармеладова, Настасья Филипповна, Анна Каренина, Лара Антипова, Маргарита, ҳатто жиноятчи Катя Маслованинг кўргилиги – софликка тоқати йўқ Иблиснинг тантанасидир! Бу малъун уларни ўзи учун заррача қимматсиз бўлган чўчқабоқар дулсенияларнинг оёғи остига ташламагунча тинчимайди. Софликнинг бадалини бадномлик ила тўлаттиради. Ахир, Пастернак Ларани табиатнинг энг тоза хилқати бўлишга муносиб аёл деб бежиз куюнмайди. Ёки Толстой ўзи яратган қаҳрамонга ўзи маҳлиё бўлиб, Аннага шафқатсиз муносабатда бўлганини бежиз тан олмайди. Лекин бир таскин бор. Йигирма беш ёшли йигитча идрок этган буюк бир шафқат – ҳарҳолда, фалакда ўлчовлар бошқача бўлса керак деган хаёлга ундайди. Балки, адабиёт – ер юзида чумоли каби гимирлаб юрган қадрсиз инсоннинг мусибатларига кўкнинг кўзи билан, илоҳий ҳамдардлик билан қарашга даъватдир.

...Фаришта гуноҳкор жон – Тамарани бағрига босганча бу дунёдан олиб кетар эди. Шу он дўзахий руҳ пайдо бўлиб, азалий такаббурлик билан “Қиз меники! Йўқол сен!” дейди. Бу гал осмон элчиси қатъий жавоб беради:

*Етар шунча тантана кўрдинг,
Етар шунча сен йўлдан урдинг;
Энди ҳукм соати етди,
Парвардигор қатъий амр этди!
Ўтди унга синов кунлари,
Ўтди унга азоб тунлари,
Ернинг фоний кийими билан
Зулм занжири ечилди ундан.*

Нега? Нега зулм занжири ечилади? Ахир, у осийлик қилди-ку. Билатуриб шайтонга кўнгил берди-ку! Нега жаннатга кетар экан? Чунки “**У қийналди, севди**”. Неки ўтса ўзидан ўтди. Шунинг учун ҳам жаннат эшиклари унга очик. Бўлди, бас! Севган кўнгилга, мазлум қалбга ҳукм ўқишга шошманг! Бу туйғунинг мудҳиш оқибатини ҳеч ким аёлнинг ўзича англамаган. У бекорга сўнги нажотни фариштадан изламайди, Парвардигор элчиси бағрига талпинмайди. Бироқ аёл муҳаббати, қурбонлиги ҳам Иблисни мангу тамғадан – тавқи лаънатдан озод эта олмади. У ҳамон беадоқ саволлар исканжасида ўша кибр, ўша таъна билан замин узра тентираб юрибди.





Nitshe falsafasi: turfa talqinlar

Жаҳон фалсафасида ижоди Фридрих Нитше каби турли, кўп ҳолларда зиддиятли талқинларга сабаб бўлган сиймони учратиш қийин. “Янги давр пайгамбари”, “тафаккур Дон-Жуани”, “минг йиллик қадриятларни вайрон этувчи” – бу унга берилган баҳо ва таърифларнинг бир қисми, холос. Бундай хилма-хил талқинларнинг сабаби, албатта, Нитше асарларида мужжасам. “Бугун тирик бўлган ва ўтиб кетган барча европаликлар – Платон, Вольтер, Гёте – орасида мен қалби энг кенгиман. Мен Европанинг Буддаси бўлишим мумкин эди”. Нитшенинг бундай даъволари ҳар қандай одамни лол қолдиради. Аммо минг йиллар давомида шаклланган ва одамлар онгига сингиб кетган, туриш-турмуши, дунёқараши, воқеликка муносабатини белгилаб берган ақида ва қадриятларни қайта кўриб чиқишга, тафтиш ва инкор этишга бел боғлаган киши ўзини одамларга шундай тақдим этмасдан иложи йўқ эди. “Ўзгаларнинг сени тушунишларига эришиш оғир... ҳар бир ҳаракатинг бузиб талқин этилган”да ўзинг учун фақат бир йўл қолади: “Тинимсиз турткилаб, чормихга осмасликлари учун, ниқобларни ғамлаб қўймоқ керак”.

Ф.Нитше нима учун минг йиллик қадриятларни қайта кўриб чиқишга, уларни инкор этишга жазм қилган? Ниқоб ортида ким турибди? Буни тушунмоқ учун унинг сўзларига қулоқ тутайлик: “Ҳа, мен ахлоқнинг моҳиятини англаб етдим; у сохта, унинг асосида ўша ахлоқийликдан ўзга ҳар нарса бор: манманлик, мансабпарастлик қасоскорлик оломон кайфияти ифодасидир, буларга асосланиб мен ҳақимда ҳукм чиқарманг, зеро мен, Фридрих Нитше, бу қондани умуман тасдиқлайдиган улкан истисноман... Мен одамларга атайин ёмонлик қилмайман, мен ҳақиқат маҳкамаси олдида ёлғон сўзламаганман, одам ўлдирмаганман, алдамаганман, Худолар сиймосини ҳақоратламаганман, ўзгаларнинг хотинларини йўлдан урмаганман, гўдаклар оғзидаги сутни тортиб олмаганман, муқаддас қушларнинг инини бузмаганман... Мен покизаман!

Мен покизаман! Мен покизаман – шунинг учун менга ишонишни ва қандай бўлсам, шундайлигимча қолишимга, юнон тили ва адабиётидан сабоқ бериш ва бир вақтнинг ўзида “кучли одам” ва “адабий қайтиш”дан дарс ўтишга имкон берилишини сўрайман”.

Нитше номи билан боғлиқ англашилмовчилик ва мишмишларнинг сабабини, бир қарашда, зиддиятли бўлиб туюлган фикрлардан изламоқ керак. Европанинг (инсоният) икки ярим минг йиллик ахлоқий-маънавий тарихи муаммоларини ўз дардига, шахсий муаммосига айлантирган Нитше эҳтиросга берилиши табиий ҳол эди. Аммо файласуфнинг фожиаси шундан иборатки, унинг фикр-мулоҳазалари, яратган асарлари ғайриинсоний вайронкор ғояларни тарғиб этишда назарий асос сифатида хизмат қилган. Масалан, фашизм мафкурасининг Нитше ғояларидан озиклангани маълум.

Нитше фалсафасини одатий тушунчалар ёрдамида талқин этиб бўлмайди, зеро бунда унинг кўп нозик жиҳатлари эътибордан четда қолади. Файласуф назарида, инсон маънавий камолоти унинг қалби ва руҳиятида, яъни унинг ўзида, ботиний оламида кечади. Бироқ, инсон сифатида шаклланиши унинг ўз иштирокисиз рўй бергани ва у бу жараёндан беҳабар қолганини англаб етади. Бу жараён унинг гўдаклигидан бошлаб анъанавий одат, қадрият, қонун-қоидалар (тарбия, таълим, ахлоқ, дин, илм-фан) таъсирида амалга ошган ва вақти келиб у таъсирининг оғир юкни ҳис этиб, қарши исён кўтарган. Исёнга, кишини занжирбанд этиб, танбаллаштирадиган ақидаларга қарши курашга эса “ҳақиқий инсон”, “кучли одам”, “исёнкор шахс”гина қодир. Ўзини ахлоқ ва маънавият ҳимоячиси санаганларнинг аюҳаннос солишига сабаб бўлган фикр, Нитшенинг “Заифларни туртиб юбор” деган қақриғидир. “Эзгулик”, “инсонпарварлик”, “раҳм-шафқат” каби сўзларга ўрсанган одам бу иборадан ғазабга келиши тайин. Нитше “заиф” деганда нимани назарда тутяпти? Бу – масаланинг

моҳиятини тубдан ўзгартирадиган савол. Унинг жавоби Нитшенинг ўзида, унинг мулоҳазаларида. Мана улардан бири: “Азобни, Буюк Азобни тарбиялаш, айна шундай тарбия одамнинг мавқеини юксалтириб келганини билмасмидингиз?”

Инсонда банда ва ижодкор бир бўлиб жамланган: унда синиқ парча, лой, тупроқ, маънисизлик, хаос билан бир қаторда ижодкорлик, яратувчанлик, метин ирода, илоҳий томошабин ва еттинчи кун мужассам – сиз бу зиддиятни англайсизми? Ва яна сизнинг меҳр-шафқатингиз “инсондаги ҳайвон”га, шаклга солиниши, синдирилиши, ишлов берилиши, парча-парча қилиниши, куйдирилиши, тобланиши, тозаланиши лозим бўлган, ундаги озор чеккан ва озор чекиши керак бўлган жиҳатларга қаратилганини Сиз тушунайсизми? Нитше фалсафаси – инсондаги “ҳайвон”ни, унсиз бандани йўқ қилиб “кучли одам” деб ном олган “яратувчи”, “ижодкор”ни шакллантиришга қаратилган мисли кўрилмаган ўзига хос тажриба. Бу том маънодаги эркин шахснинг ахлоқий қарашлари. Унинг “Биз ахлоқдан қутулмоғимиз керак” деган сўзларининг эътиборга олинмаган давоми шундай: “... ахлоққа таяниб яшамоққа эришишимиз учун”. Демак, Нитше танлаган йўли, тафаккур тарзини бундай ифодалаш мумкин: ҳақиқий инсон мартабасига эришмоқ учун эркин бўлмоқ керак. Бу эркинлик ахлоқдан озод бўлишдир, аммо бир пайтнинг ўзида у ахлоқ ва маънавий комиллик йўлидаги эркинликдир. Фақат ахлоқ умумқабул қилинган меъёрлар буйруқ, зўрлик орқали синдирилмасдан шахснинг эркин маънавий интилиши асосида унинг қалбида туғилмоғи даркор. Шу тариқа, Нитшенинг кескин гаплари, аслини олганда, инсонда ўз фикрига эга бўлмаган, ақидаларга сўзсиз итоаткор, пода қоидаларига унсиз бўйсунадиган кишини эмас, том маънодаги Шахсни тарбиялаш ғоясини ўзида мужассам этганини кўриш мумкин. Бошқача айтганда, Нитше ўзига хос тарзда инсонни ўзлигини англашга даъват этади. “Менинг фикрларимга хос таъриф этиб бўлмас ғалатилик ва фавуқлодда кескинлик туфайли улар узоқ вақт ўтгач, эҳтимол 1901 йилдан сўнг одамлар қулоқларига етиб боради”. Нитшенинг башорати тўғри чиқди. XX аср чинакам нитшепарастлик билан бошланди. Унинг сиймоси адабиёт, санъат, фалсафа ва сиёсатда акс этди. Бироқ тақдирнинг аччиқ ўйинини қарангки, унинг дард тўла фалсафаси бузилган, даҳшатли тарзда эврилган ҳолда талқин этилди. Муסיқадан оҳангни, эҳтиросни олиб ташланг, нима қолади? Нитше фалсафаси ҳам шундай қисматни бошдан кечирди. Ундан Нитшенинг шахсияти, эҳтироси, дарди йўқолди; қуруқ сўзлар ва ўлик ибораларгина қолди. Унинг асарлари матндан

узиб олинган ва шу туфайли асл маъноси йўқолган кўчирмалар билан алмаштирилди.

Нитшени нацистлар Германияси мафкурачилари байроқ қилиб олгани маълум. Нацистлар мафкураси эса уч асосий тамойилга – пангерманизм, антисемитизм ва славянофобликка таянган. Шу тариқа, айна шу ёрликлар Нитшега илинди. Бунинг асоссиз эканини Нитше асарларининг ўзи тасдиқлаб турибди. Пангерманизмдан бошлайлик: “Олмонларни қачонлардир мутафаккир халқ деб аташар эди; ҳозирги вақтда улар умуман фикрлашга қодирмикан?”; “Олмон руҳи оғриган ичақдан келиб чиққан”; “Бу халқ қарийб минг йил давомида ички мамнулик билан ўзини-ўзи аҳмоқ қилиб келган”, “Олмонча ўйлаш, олмонча ҳис этиш – мен ҳамма ишга қодирман, аммо булар менинг имкониятимдан ташқарида”; “Германия қаерга йўл олса, доимо маданиятни бузади”. “Мен олмон тилида ёзишга мажбур бўлганимдан азоб чекаман...” Дадил айтиш мумкинки, бундай мулоҳаза юритган Нитшени “орийлик”, “пангерманизм”да айблаш оқни қора деб ёзлон қилиш билан баробар.

Кейинги ёрлик – антисемитизм. Нитшеда яхудиёлар ҳақида шундай гапларни учратамиз: “Яхудиёлар ҳозирда Европадаги шак-шубҳасиз энг кучли, энг тиришқоқ, энг тоза ирдидир”, “Яхудиёни учратиш, агар немислар орасида яшашингни ҳисобга олсанг, омаддир”. “Антисемит бақироклар мамлакатдан қувиб солинса фикримча, фойдали ва адолатли бўларди”. Наҳотки шу сўзларни битган файласуфни ғайрияҳудиёна кайфият ва яхудиёларга қирғин келтирган фашистлар тўдасига мансублиқда айблаш мумкин бўлса?!

Ниҳоят Нитшега илинган учинчи ёрлик – славянофоблик хусусида айтиш лозимки, олим поляк миллатига мансуб бўлган ва бундан ҳаммиша мағрурланган. Қолаверса, файласуфнинг куйидаги мулоҳазасига эътибор берайлик: “Славянларнинг истеъдоди менга олмонларнинг истеъдодидан анча юқори бўлиб кўринган, мен ҳатто олмонларнинг истеъдодли миллатлар қаторига киргани сабаби – уларнинг томирида славянларнинг ҳам қони оқаётгандир деб ўйлайман”.

Бу борада ортиқча изоҳга ҳожат бўлмаса керак. Фақат вазиятни ўта нозик ҳис қилган, тарих йўллари қай томон етаклаётганини тушунган Нитшенинг оғоҳликка даъват сифатида янграган яна айрим фикрларини эслаб ўтайлик. Нитше ўз вақтида хавфли касаллик – “тобора зўрайиб бораётган ниғилизм”дан, “даҳшатли уруш, ҳалокат, портлашлар даври” яқинлашаётганидан бонг урган эди.

Қонли аср дея эътироф этилган XX аср орта қолди. Икки даҳшатли ҳаҳон урушининг яралари

битгандек. Аммо жаҳоннинг турли бурчакларида ҳамон “олийирқчилик”, “шовинизм” кайфияти қайта тикланиб, дунё тинчлигига раҳна солмоқда. Яна Нитшедан узиб олинган иборалардан байроқ тикиб, унинг остида оломонни тўплашга уринаётган кимсалар бор. “Мен инсон эмас, динамитман”, деган эди бир ўринда Нитше. Дарҳақиқат, “ёқимсиз ҳақиқатлар файласуфи”нинг фикрлари портлашга сабаб бўлиши ҳам мумкин. Аммо жиноятчи ўт кўйса, гугурт ихтиро қилганни айбдор қилмайдилар-ку! Нитше фалсафасини ва умуман ҳар қандай аллома қарашларини бузғунчи кучлардан

ҳимоя қилиш ва эзгуликка йўналтиришнинг бир чораси бор. Унинг чуқур мазмунини тўғри талқин ва таҳлил этиш, “жаҳолатга қарши маърифат” билан қуролланишдир. Бир аллома айтган экан: “Жоҳил, оми одамларнинг ҳукмидан худо асрасин”. Улуғларнинг меросини ана шундай одамлар кўлидан юлиб олиб, уларга ҳукм чиқаришга изн бермаслик лозим.

Улуғбек САИДОВ,
филология фанлари номзоди,
доцент

Asossiz iddaolar

Марказий Осиё минтақасида замонавий турдаги энг “кекса” олий таълим муассасаси Ўзбекистон Миллий университети. 1918 йил май ойида ташкил топган ушбу ўқув юрти Миллий университет деган бугунги юксак мақомга эришгунга қадар Туркистон халқ университети (1918-1923), Ўрта Осиё давлат университети (1923-1960) ва Тошкент давлат университети (1960-2000) сифатида фаолият кўрсатиб келди. Университет бағридан Марказий Осиё бўйлаб сочилаб кетган олий ўқув юртлири ва илмий тадқиқот муассасалари ўсиб чиққан, шунингдек, дорилфунун дарсхоналаридан жаҳон илм-фани тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган машҳур олимлар етишиб чиққан.

Университетнинг маърифатпарвар ҳукмдор Мирзо Улуғбек номи билан аталишида чуқур рамзий маъно мужассам. Шу ўринда ЎЗМУ ташкил топгунга қадар ўлкамизда таълим тизими қандай бўлган, унинг таркибида олий таълим мавжуд бўлганми, деган мантиқий савол туғилади.

Айрим тадқиқотчилар миллий таълим тизими илдишларини бугунги Ўзбекистон худудида эрампиздан аввалги даврдан бошлаб фаолият кўрсатган “вихара” деб номланган буддавий таълим муассасалари билан боғлайди. Ушбу илмий фараз тарафдорлари IX-X асрларда Муовароуннаҳрда ташкил топган илк мадрасалар буддавий вихарларнинг исломийлаштирилган шакли эди, деган фикрни олға суради. Мазкур фараз илмий исботланмаган бўлса-да, у ўлкамизда таълим муассасалари энг қадимий даврлардан бошлаб фаолият кўрсатганини тасдиқлайди.

Кўплаб тадқиқотчилар мадрасаларнинг пайдо бўлишини Марказий Осиё учун янги бўлган Ислом динини ёйиш ҳамда унинг ижтимоий макomini мустаҳкамлаш зарурати билан изоҳлайди. Шунингдек, мазкур воқелик араблар томонидан

истило этилган кенг худудларнинг ягона бошқарув тизимини яратиш эҳтиёжидан ҳам келиб чиққани уқтирилади. Ҳар иккала ҳолда ҳам ҳал қилувчи роль маҳаллий аҳолидан чиққан илмли кишиларга тегишли бўлгани шубҳасиз.

VIII-IX асрлардаёқ энг йирик масжидлар қошида араб тилида битилган китобларнинг жамланмалари шакллана бошлаган. Уларнинг мазмунини билишга интилиш бундай масжидлар ҳузурида “мактаб” деб номланган таълим муассасасининг пайдо бўлишига олиб келди. Мактабларнинг тадрижий такомиллашуви натижасида уларнинг хусусий ўқув даргоҳлари кўринишидаги янги шакллари пайдо бўлиб, булар ўз даврининг ўрта таълим муассасалари вазифасини бажарган. Уларда таҳсил олган ёшлар анада юқориқ таълим муассасаси бўлган мадрасаларда ўқишга тайёргарлик кўрган.

Шартли равишда замонавий олий ўқув юртлирига қиёслаш мумкин бўлган мадрасалар ҳақидаги илк маълумотлар X аср муаллифи Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарига учрайди. XI асрга келиб Марказий Осиёда ўнлаб мадрасалар мавжуд бўлган. Уларнинг аксари Мовароуннаҳрнинг асосий илмий-маданий марказлари – Самарқанд ва Бухорода фаолият кўрсатган.

Мадрасаларнинг пайдо бўлиши ва гуркираб ривожланишига IX-XII асрларда минтақада содир бўлган ва олимлар томонидан “Марказий Осиёдаги биринчи ренессанс” дея баҳоланган илмий-маданий феноменнинг узвий қисми сифатида қараш лозим. Зеро, таълим соҳаси унинг энг муҳим қирраларидан бўлганига шубҳа йўқ. Мовароуннаҳрда мадрасалар ривожига эришилган ютуқлар тадқиқотчилар учун Марказий Осиё мусулмон оламидаги илк мадрасалар пайдо бўлган макон экани ҳақидаги фикрни олға суришга асос бўлди.

Мадрасалар ўқув дастурига киритилган фанлар Қуръон, ҳадис, фикҳ, калом ва бошқа диний илмлардан ташқари, асосан, бешта гуруҳга бўлиниб, улар тилшунослик, мантик, пропедевтика, физика ва метафизика ҳамда антропологияни қамраб олган. Ҳар бир гуруҳ таркибига киритилган фанлар кўламининг кенглиги ҳатто бугунги одамларни ҳам лол қолдиради. Масалан, пропедевтика гуруҳига назарий ва амалий арифметика, геометрия, оптика, астрология, мусиқа, назм ва чолғушунослик каби йўналишлар кирган. Тилшунослик фонетика, синтаксис, грамматика, риторика, поэтика ва бошқа йўналишларни қамраб олган.

IX-X асрлар Мовароуннаҳрда мадрасалар сони кескин кўпайган давр бўлди. Бу вақтда Самарқанднинг ўзида 17 мадраса бунёд этилди. Мовароуннаҳр мадрасалари шухрати олис ўлкаларга ёйилди. Бу ҳол хорижий мамлакатлардан бу ерларга илм толиблари келиб таҳсил олишига туртки берди. Жумладан, ўспиринлик чоғи Самарқандга келган буюк математик ва адиб Умар Хайёмнинг (1048-1131) шаҳардаги мадрасалардан бирида таҳсил олгани, айнан шу ерда, тахминан 1070 йили математикага оид “Рисала фи-л-бароҳин аъла масоил ал-жабр ва-л-муқобала” (Алгебра ва тенгламалар бўйича масалаларнинг исботлари ҳақидаги рисола) асарини ёзиб, ўша вақтда шаҳар бош қозиси бўлган Абдураҳмон Алаққа бағишлагани маълум. Ушбу факт Мовароуннаҳр мадрасаларида аниқ ва табиий фанларни ўқитишга муҳим ўрин ажратилганидан далолат беради. Демак, IX-XII асрларда Мовароуннаҳрнинг ислом дунёси илмий-маданий марказлари орасидаги етакчи мақоми, бошқа омиллардан ташқари, ўз даврининг олий ўқув юртлиари бўлган мадрасаларнинг муваффақиятли фаолияти билан ҳам изоҳланади дейишга тўлиқ асос бор.

Бироқ XIII аср бошларида мўғулларнинг Марказий Осиёга босқини мадрасаларнинг жадал ривожланишига улкан ғов бўлди. Минтақа ўз тараққиётида бир ярим аср орта улоқтириб ташланди. Ўлкада янги юксалиш буюк давлат арбоби Амир Темури ҳокимиятга келгачгина, яъни XIV асрнинг иккинчи ярмидан бошланди. XV аср – унинг ворислари ҳукмронлиги остида давом этган даврни эса олимлар “Марказий Осиёдаги иккинчи ренессанс” дея тавсифлайди. Амир Темури ҳукмронлиги даврида миллий таълим тизими инфраструктурасини тўлдирган ва бойитган ажойиб мадрасалар барпо этилди. Улар ҳатто муайян соҳаларга ихтисослаша бошлаган. Масалан, Муҳаммад султон мадрасаси (1401 йил), бугунги тилда айтганда, бошқарув соҳаси бўйича, Қутбиддин садр мадрасаси – диний муассасалар учун кадрларни тайёрлаш би-

лан шугулланган. Ўқитувчилар ва бошқа соҳалар бўйича кадрлар тайёрлаш Сароймулхоним ёки Бибиҳоним, Идигу Темури ва бошқа мадрасалар фаолиятининг асосини ташкил этган.

Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги (1411-49) темурийлар салтанатида фан ва таълим соҳаларининг энг гуллаган даври бўлди. Унинг буйруғи билан Бухоро (1417), Самарқанд (1420) ва Ғиждувонда (1433) йирик мадрасалар барпо этилди. Эътиборли жиҳати, уларнинг барчаси ҳозирги кунгача сақланиб қолган. Тадқиқотчилар Улуғбекнинг Самарқанддаги мадрасасини оддий олий таълим муассасаси эмас, тўлақонли мажмуа – академия сифатида баҳолайди. Ҳукмдорнинг қомусий билимдонлиги таълим тизими ривожига алоҳида руҳий муҳит бағишлаган. У ўқитиш жараёнида шахсан иштирок этиб, дарс берар, мадрасага жалб этиладиган олимларни танлашни деярли ўзи назорат қилар эди.

Улуғбек даврида мадраса ва бошқа илмий муассасалар қошида кутубхоналар очиш, уларни қимматли манбалар билан мунтазам тўлдириб боришга алоҳида эътибор берилган. Улуғбек мадрасаси ва расадхонаси кутубхонасида турли фанларга оид 15 мингтадан зиёд қўлёзма китоб жамланган. Афсуски, турли тарихий сабабларга кўра улар бизгача етиб келмаган. Бу китобларнинг асосий қисмини Улуғбек вафотидан сўнг унинг шогирди ва илмий вориси бўлган Али Қушчи Истанбулга олиб кетган деган тахмин мавжуд. Улуғбек расадхонасининг шухрати шу даражада юксак бўлганки, Али Қушчи султон Меҳмет II томонидан дарҳол Ая Сафия масжиди қошидаги мадрасага мударрис этиб тайинланган. У Истанбулдаги атиги икки йиллик фаолияти давомида устозининг асосий асари – “Зижжи жадиди Курагоний”дан кўплаб нусхалар кўчиртиришга ҳамда уни туркий тилга таржима қилишга улгургани диққатга сазовор.

XV-XVI асрларда темурийлар давлати таркибида бўлган Ҳиротда Ғиёсия, Амир Ферузшоҳ, Амир Ғиёс Бахши, Шохруҳия, Низомия, Шифоия, Ихлосия каби машур мадрасалар фаолият кўрсатган.

XVI аср бошларида ҳукмдор Муҳаммад Шайбонийхон томонидан “мадраси олийа” деб номланган яна бир мусулмон олий ўқув юрти барпо этилган. Бу даврда Бухорода қурилган Мир Араб, Қулбобо Кўкалош, Қўшмадраса каби олий таълим муассасалари шухрати мусулмон оламнинг бошқа ҳудудларига ҳам ёйилган.

XVII асрда Самарқандда қози Соқий, Нодир Девонбеги, Шердор, Сайид Аҳмадхўжа, Тиллакори мадрасалари барпо этилди. Бухорода эса Мағоқи кўрпа, Абдулазизхон, Хиёбон, Бозори гусфанд ва Жўйборикалон каби машур мадра-

салар тикланган. Хивада Араб Муҳаммадхон ва Хўжамбердибий мадрасаси, шунингдек, Фарғона водийсида ўнлаб мадрасалар қурилган ва фаолият юритган. XVII асрда баъзи мадрасаларда талабалар сони бир неча юз кишини ташкил этган. Мазкур асрда ҳаёт кечирган Маҳмуд бин Валийнинг ибораси билан айтганда, "Мовароуннахрнинг моли"ни ҳамон илму ҳикмат ташкил этаверган.

XVIII асрда Бухорода янги – Балоховуз, Раҳмонқули, Домулла Эрناзар элчи, Домулла Турсунжон, Хивада эса Шерғозихон, Муҳаммад Амининок, Фозилбек мадрасалари қурилган.

Янги мадрасаларни бунёд этишга қаратилган фаол ҳаракат XIX асрнинг биринчи ярмида ҳам давом этган. Бу даврда Бухорода Чор минор, Самарқандда Амир Ҳайдар каби мадрасалар таъсис этилди. Хивада Эшмуродбий, Оллоҳқулихон, Арабхонсаркор, Ниёзясавулбоши, Ёқубмехтар, Мусотўра, Сайидбий, Раҳимқули, Раҳмонбердиҳон ва Муҳаммад Аминхон каби йирик мадрасалар барпо этилган. Тошкентда XIX асрда 15 мадраса фаолият кўрсатган. Уларнинг энг йирик ва нуфузлиси XVI асрда барпо этилган Бароқхон мадрасаси эди. Тошкентда асосан XIX асрда бунёд этилган Шукурхон, Эшонқули додхоҳ, Беклар беги, Дегрез мадрасалари ҳам катта эътибор қо-

зонган. Манбаларга кўра, XIX асрда Бухоро амирлиги ҳудудида юз ва қўқон хонлигида олтимишдан ортиқ мадраса фаолият юритган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистон чор Русияси томонидан босиб олиниши миллий таълим тизими тарихида бурилиш нуқта бўлди. Араб алифбосига ўлканинг метрополия таркибига тўлақонли интеграция қилинишини қийинлаштирувчи омил сифатидаги адоватли муносабат асрлар давомида фаолият юритиб келган анъанавий таълим муассасаларига салбий таъсир кўрсатди. Зикр этилган ва бошқа омиллар XIX асрнинг иккинчи ярмида миллий олий таълим тизимининг инкирозга юз тутишига олиб келди.

Баён этилган фактлардан совет ҳокимиятидан олдинги даврда юртимизда таълим тизими, жумладан, олий таълимни ривожлантириш бўйича бой тажриба тўплангани маълум бўлади. Бундан 1917 йилдаги Октябрь тўнтариси арафасида Туркистон халқларининг қоқлиги ва қарийб тўлиқ саводсиз бўлгани ҳақидаги иддаолар мутлақо асоссиз экани аёнлашади.

Зоҳидилло МУНАВВАРОВ,
сиёсий фанлар доктори,
ЎЗМУ профессори

Barbod bo'lgan missiya

XX аср бошларида дунёда юз берган тарихий эврилишлар Шарқ, чунончи, Марказий Осиё минтақаси ва унга қўшни мамлакатлар ҳаётига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. Бу, аввало, Ғарб давлатлари мустамаккачилигига қарши миллий-озодлик курашини авж олдириш, иқтисодий қоқликка барҳам бериш, замонавий давлат бошқарувини жорий этишга доир саъй-ҳаракатларда намоён бўлди. Шу даврда Бухоронинг жанубдаги қўшнисини – Афғонистонда ҳам улкан сиёсий ўзгариш юз бериб, 1919 йил 28 февралда давлат мустақиллигини қўлга киритди. Шу йилнинг май-август ойларида кечган учинчи инглиз – афғон урушидаги ғалаба эса Афғонистоннинг сиёсий мустақиллигини янада мустаҳкамлади. Ҳокимият тепасига янги келган кучлар шимолий қўшнилари – Бухоро ва РСФСР билан сиёсий муносабатлар ўрнатишга устувор вазифа деб қаради.

Ёш бухороликлардан ташкил топган БХСР ҳукумати ҳам Афғонистон билан сиёсий муносабат ўрнатишни биринчи галдаги вазифалардан деб ҳисоблади. Шу боис Бухоро Инқилобий кўмитаси 1920 йил 5 сентябрдаги ййғилишда Совет Бухо-

роси Афғонистон билан тинч қўшничилик муносабатларини ўрнатиш тарафдори эканини маълум қилиш учун бу мамлакатга зудлик билан делегация жўнатиш масаласини муҳокама қилди (*История Бухарской Народной Советской Республики (1920-1924 гг.)*. Сб. документов. Тошкент, "Фан", 1976. Стр.43). Бироқ шундай тарихий вазият юзага келдики, унинг таъсирида БХСР совет-афғон муносабатларининг таъсир доирасига тушиб қолди.

БХСР ҳукумати 1920 йил 20 сентябрда Афғонистон амира Омонуллахонга нома юбориб, Бухоро амира тахдан туширилгани ва амирлик ўрнида совет республикаси тузилгани ҳақида хабар қилди. Ушбу ҳужжатда Бухоро билан Афғонистон ўртасида тез фурсатда дипломатик алоқалар ўрнатиб бир-бирига мухтор вакиллар юбориш таклифи илгари сурилди (*Бобоҳўжаев А. Совет давлатини де-факто ва де-юре таниш даврида Ўрта Осиё ва Ўрта Шарқда инглиз антисовет сиёсатининг барбод бўлиши. Тошкент, 1959. 127-бет*).

БХСР ҳукумати 1920 йил октябрда РСФСР ҳукумати билан имзолаган шартномада Бухоро ҳарбий, иқтисодий ва молиявий муносабатларда

РСФСР билан биргаликда ҳаракат қилади, деб кўрсатилган эди (*Ишанов А. Бухарская Народная Советская Республика. Ташкент, "Ўзбекистон", 1969. Стр. 218*). Шу йилнинг 3 ноябрида Бухоро Инқилобий кўмитаси Афғонистон ҳукуматига Шарқда инглиз империализмига қарши биргаликда курашиш таклифи билан мурожаат этди.

Иқтисодий бухрон ва сиёсий-ҳарбий жараёнлар сабаб Бухоро Россиянинг ғалла, ёқилғи, тўқимачилик, ўрмон маҳсулотларини олишдан маҳрум бўлган, айна чоқда Бухоро хомашёси учун Россия бозори ҳам ёпилиб қолган эди. Бундай вазиятда Бухоро хомашёсини ташқи бозорга олиб чиқишнинг ягона йўли Афғонистон йўналиши эди.

1921 йил бошида БХСР Ташқи ишлар нозирлиги мажлисида ҳам Афғонистон билан дўстона муносабатлар масаласи яна бир бор муҳокама этилди (*ЎЗРМДА, 48-фонд, 1-рўйхат, 22-иш, 85-варақ*).

Буқроликлар Афғонистон йўналиши орқали хомашёни ташқи бозорга чиқариш имконини қўлга киритган бўлса, ўз навбатида афғон савдогарлари ҳам бу келишув сабаб Бухорога товар олиб кириш имконига эга бўлган. Лекин иқтисодий жиҳатдан қийин аҳволга тушиб қолган БХСР ҳукуматини шунинг ўзигина қаноатлангирмас эди. Бухоро бозорига саноат маҳсулотлари, бюджетга эса валюта тушуми нихоятда зарур эди. Бунинг учун Бухоро маҳсулотлари Европа бозорига кириб бориши тақозо этиларди.

Бухоро Инқилобий кўмитасининг 1921 йил 23 декабрдаги йиғилишида БХСР Савдо-саноат нозир РСФСР билан тузилган аҳдномага асосан, Афғонистон билан товар айирбошлаш юзасидан музокаралар олиб бораётгани қайд этилиб, кўшни давлатлар билан чегара ҳудудларида божхоналар тузиш, Афғонистонга товарларни Бухоро божхонаси орқали чиқариш масалалари кун тартибига қўйилди (*История Бухарской Народной Советской Республики (1920-1924гг). Сб. документов. Ташкент, "Фан", 1976. Стр. 361*).

БХСР ҳукумати Афғонистон билан савдо-социал муносабатлари борасида муайян тартибларни йўлга қўйди. Ҳукумат қарорига кўра, Афғонистон ва Эрон савдогарлари билан айирбошланадиган товарларнинг 40 фоизини тўқимачилик маҳсулотлари, 20 фоизини ипак, 10 фоизини гилам, 10 фоизини бошқа маҳсулотлар ташкил этиши белгилаб қўйилди (*ЎЗРМДА, 48-фонд, 1-рўйхат, 22-иш, 149-варақ*).

Бухоро Афғонистонда ўз дипломатик ваколатхонасини очиш тадбирини кўрди ва у 1921 йил мартдан Кобулда фаолият юрита бошлади. 1922 йил 17 апрелда БХСРнинг Афғонистондаги элчи

си Ҳошим Шойиқ икки мамлакат ўртасида ўзаро дўстлик шартномасини тузиш ҳаракатига киришди (*ЎЗР ФА ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи методик марказ архиви, 374-фонд, 28-рўйхат, 206-иш, 8-варақ*). БХСР элчихонаси зиммасига Бухоро ва Афғонистон ўртасида сиёсий ва иқтисодий муносабатларни жадал йўлга қўйиш асосий вазифа қилиб юклатилган эди.

БХСР элчихонаси РСФСРнинг мухтор ваколатхонаси назорати остида фаолият юритар, элчихонанинг Бухоро билан ахборот алмашинуви ҳам рус консуллиги таъминлар эди. РСФСР дипломатияси Бухоро ва Афғонистон ўртасида дўстлик шартномаси имзоланмаслиги учун барча зарур чораларни кўрди. Аввало, РСФСРнинг Бухородаги ваколатхонаси аралашуви билан Ҳошим Шойиқ 1922 йил 18 октябрда ҳеч бир сабабсиз Бухорога чақириб олинди. Шу йилнинг 18 декабридан БХСРнинг Афғонистондаги мухтор элчилиги мухтор вакиллик қилиб ўзгартирилди (*ўша архив, 374-фонд, 28-рўйхат, 206-иш, 9-10-варақлар*).

1922 йил декабрида Бухородан Кобулдаги элчихонага бир-бирини инкор этувчи турли хабарлар бориши ҳам дипломатик миссия фаолиятини оғирлаштирди. БХСР Марказий ижроия кўмитаси, Нозирлар шўроси, Ташқи ишлар нозирлигига Кобулдан Бухоро элчиси Мирза Муҳаммад Шариф Хўжа ва унинг маслаҳатчиси Ҳожи Мирзо Исомиддинлар юборган номада 1922 йил 26 декабрдаги ва ундан 10 кун олдинги мактублар бир-бирини инкор этишидан шикоят қилиниб, элчихона фаолиятига ташқи сиёсий найранглр жиддий тўсқинлик қилаётгани алоҳида таъкидланади.

Шунингдек, улар Кобулдаги мухтор вакиллик тушиб қолган оғир аҳвол билан Бухоро раҳбарларини 1923 йил 21 майда хабардор этади. Элчихона 1922 йил октябридан 1923 йил май охиригача ҳеч қандай маблағсиз ишлагани маълум қилинади. Кобулдаги РСФСР мухтор вакиллиги ҳам бу ҳақда расман воқиф этилади (*ўша архив, 374-фонд, 28-рўйхат, 206-иш, 14-варақ*). Охир-оқибат Бухоро элчиси 1922 йил 27 декабрда лавозимидан истеъфо беришга мажбур бўлади.

Мирзо Муҳаммад Шариф Ҳожи ва Ҳожи Мирзо Исомиддин Афғонистон ҳукумати ва бошқа давлатлар дипломатик ваколатхоналарига хабар юбориб, Афғонистондаги дипломатик миссиясини ўзидан соқит этгани ва истеъфога чиққани ҳақида уларни огоҳлантиради.

Кобулдаги РСФСР мухтор вакили Раскольников аввалроқ бир мактубида 1923 йил 1 майда БХСР элчилари ватанига жўнатилиши хабарини берган эди. Шунинг ўзиёқ БХСРнинг Афғонистон-

даги элчихонаси тақдирини РСФСР дипломатик миссияси аллақачон ҳал қилганини англатади. Бухоронинг Кобулдаги элчихонасини тугатишдан иборат ғаразли ниятига эришган РСФСР дипломатияси шу билан чекланмай, БХСРни тобора советлаштириш, унинг аксилсовет давлат арбобларини орадан кўтаришни ҳам мақсад қилган эди. РСФСРнинг Кобулдаги ваколатхонаси ходими Соловейчик бир хатида БХСРнинг Афғонистондаги элчихонаси тугатилиши Бухоронинг дунё билан алоқаларини чеклайди, бу эса уни янада советлаштиради, деб бежиз ёзмаган эди (*ўша архив, 374-фонд, 28-рўйхат, 206-иш, 7-варақ*). РСФСРнинг Бухородаги ваколатхонаси БКП Марказий Комитети котиби Позднишевга йўллаган хатида совет томони бу истеъфо юзасидан кескин чоралар кўришини ёзади. Хатда Позднишевдан уч муҳим жиҳатга жиддий эътибор қаратиш сўралади. Биринчидан, Кобулдаги элчиларнинг Бухоро ҳукуматига нома юбориб, лавозимидан истеъфо беришини давлатга хиёнат деб ҳисоблаш; иккинчидан, ушбу можарога дахлдор дея қаралаётган Бухоро раҳбарлари – Фитрат ва Отаулла Хўжаевларга нисбатан жиноий иш кўзғаш; учинчидан, Бухоро ҳукумати раисий Файзулла Хўжаев Кобул элчихонасига оид ҳужжатларни яширганини эътироф этиш.

Совет ҳукумати БХСРнинг Кобулдаги элчихонаси можаросидан бир ўқ билан икки қуённи уриш қабилида фойдаланди. Биринчидан, БХСР элчихонасининг тугатилиши Бухоронинг хорижий мамлакатлар билан муносабатларини чеклаган ва ёш республиканинг янада советлашувига имкон

яратган бўлса, иккинчидан, советлар учун ноқулай саналган бир неча БХСР раҳбарлари лавозимларидан олинди. Бутун Бухоро Марказий ижроия кўмитаси қарори билан Ташқи ишлар ноизири Отаулла Хўжаев, Халқ Хўжалик Олий Кенгаши раиси М. Аминов ишдан бўшатилиб, БКП МК ихтиёрига юборилди, Маориф ноири Абдурауф Фитрат, Молия ноири Сатторхўжа Ғаффорхўжаевлар эса мансабидан олинди, республика ҳудудидан чиқариб юборилди (*ўша архив, 374-фонд, 28-рўйхат, 206-иш, 15-варақ*).

Хуллас, БХСР ҳукумати илк кезларданоқ Афғонистон билан иқтисодий ва сиёсий муносабатлар ўрнатишга интилди. Россияда фуқаролар уруши авж олган паллада БХСР ҳукумати Афғонистон билан муносабатларни янада чуқурлаштириш йўлини тутди. Бироқ икки қўшни мамлакат ўртасидаги муносабатлар, афсуски, қизгин тус олмади. Бунга, бир томондан, большевиклар ҳукумати БХСРга тенг ҳамкор сифатида қарамагани, унинг халқаро майдонда тенг ҳуқуқли субъектга айланишига қаршилиқ кўрсатгани, қолаверса, Бухоронинг собиқ амири Саййид Олимхон ва аксилсовет куrolли гуруҳларнинг Афғонистон ҳудудиди бўлиши ўз таъсирини кўрсатди. БХСР – Афғонистон муносабатлари РСФСР манфаатларига таяниб қурилгани сабаб Бухоро ҳукумати кўзлаган натижаларига эришмади.

Турдиали НУРИДДИНОВ,
*Қўқон давлат Педагогика институтининг
катта ўқитувчиси*

Хунарли хор бо'лмас, аммо...

Хунармандлик фақат иқтисодий соҳаси эмас, унинг замирида чуқур ижтимоий муносабатлар, кўп асрлик анъаналар ҳам мужассам. Аммо шўро даврида хунармандлик фақат моддий манфаат келтирувчи соҳа деб қаралди. Умуман, ўтмиш тузум даврида ўзбек халқининг авлоддан-авлодга мерос бўлиб келаётган касб-хунар анъаналари жиддий синовдан ўтди.

Коммунистик партия ижтимоий-иқтисодий жабҳада ҳам яққахукмрон бўлишга интилди. Жамиятни “социалистик асосда” қайта қуриш асносида қишлоқ хўжалиги мажбурий жамоалаштирилди, корхоналар сунъий равишда саноатлаштирилди. Хусусий мулкчиликка барҳам берилди. Миллий

хунармандлик ҳам давлат тасарруфига олинди, унинг фаолияти устидан назорат ўрнатилди. Хунармандликни саноат тизимига ўтказиш, уста-хунармандларни уюшма, кооперация ва артелларга бирлаштириш, уларни социализм манфаатларига хизмат қилдириш учун турли мажбурий усуллар қўлланди. Жумладан, хунармандлар азалий ҳурлигидан, ўз маҳсулотини эркин сотиш ҳуқуқидан маҳрум қилинди.

Тўғри, янги иқтисодий сиёсат жорий қилиниб, бозорга вақтинча эркинлик берилгач, миллий хунармандлик бир муддат ривожланди. Лекин тезда оёққа туриб олган совет давлати 1927 йилдан янги иқтисодий сиёсатга ва хунармандларнинг

эркин фаолиятга чек қўйди. Давлат кооперация ва артелларга бирлашмаган якка хунармандларни синдириш йўлини тутди. Натижада косибу майда ишлаб чиқарувчилар давлатга қарам бўлиб қолди, хунармандлар ёлланма ишчига айланди. Якка тартибдаги ва оилавий меҳнат фаолиятга асосланган юзлаб устахонаю дўконлар ҳам давлат мулки деб эълон қилинди.

1920 йиллар бошида хунармандлик маҳсулотларига эҳтиёж ортиб кетди. Бу даврда аҳоли учун зарур маҳсулотларни марказдан Туркистонга келтириш тўхтаб қолган эди. Мураккаб вазиятдан фойдаланган шўро давлати хунармандларни ўз назорати остига олди. Кўзланган мақсад эса хунармандларни марказлашган режали муносабатлар тизимига ўтказиш, саноатдаги мазкур майда товар укладидан мудофаа эҳтиёжларини қондириш, пировардида эса шўро давлатининг иқтисодий пойдеворини мустаҳкамлаш йўлида фойдаланишдан иборат эди.

Туркистон Республикасида ўша вақтга келиб 150 минг хунарманд, шу жумладан, 61250 тўқувчи, 24000 этикдўз, 20150 йигирувчи, 8680 кўнчи, 7470 темирчи бор эди (*История народного хозяйства Узбекистана. Т.1., Ташкент, 1962. Стр.69*). Улар ҳокимият тузилмаларининг қатъий назорати остида давлат фойдасига ишларди. Артелларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қатъий белгиланган нархда давлатга топширилиши лозим бўлиб, уларни эркин бозорда сотиш ман этилган эди. Шу тариха 1920 йилда саноат маҳсулотининг 48 фоизи давлат назоратидаги хунармандлик корхоналари улушига тўғри келди. Бу, шубҳасиз, ўлканинг мушкул иқтисодий муаммоларини ҳал қилишда катта аҳамиятга эга бўлди. Шунга қарамасдан, хунармандчилик ишлаб чиқаришни юксалтиришнинг умумий стратегияси хато эди. Хунармандлар ва косиблар, мамлакатнинг бутун аҳолиси каби, давлатнинг мажбурий кунбайчиларига айланиб қолган эди. Чеклов ва тақиқлаш сиёсати эса хунарпешаларнинг ижодий ташаббусини бўғар, усталарнинг бетакрор ва ноёб услубини бирхиллаштириб, миллий аънаналар равнақиға тўсқинлик қилар эди.

Ўзбекистонда косиб ва хунармандларни кооперацияга жалб қилиш жараёни икки даврга бўлинади. Дастлаб Умумтуркистон хунармандчилик кооперацияси ишлаб чиқариш – Туркистон саноати иттифоқи (Туркпромсоюз, 1921 йил февраль) ташкил қилинган бўлса, кейинроқ Ўзбекистон саноати иттифоқиға (Узпромсоюз, 1925 йил 5 декабрь) асос солинди (*ЎзР МДА, 8297-фонд, 1-рўйхат, 100 иш, 2-варақ*).

Турксаноат иттифоқи халқ хўжалигини тиклаш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, меҳнаткаш халқ оммасининг маиший ҳаётини яхшилаш, хунармандлик кооперациялари фаолиятини бирлаштириш ва назорат қилиш мақсадида тузилган эди. Лекин маблағ етишмаслиги сабаб саноат иттифоқи бутунлай давлатга қарам эди.

Ўзбекистон хунармандлик кооперациясининг марказий ташкилоти – Ўзбекистон саноати уюшмаси эса ўз фаолиятини, асосан Самарқанд, Фарғона ва Зарафшон вилоятлари ва туман хунармандлик кенгашлари орқали амалга оширди (*ЎзР МДА, 8297-фонд, 1-рўйхат, 100 иш, 8-9-варақлар*).

Анъанавий миллий хунармандликнинг саноат тизимига ўтказилиши оқибатида хунармандлар тоифаси секин-аста йўқолиб борди, бу ижтимоий қатлам "социалистик" ишчилар тоифасига сингдириб юборилди. Миллий хунармандлар тайёрлашнинг азалий устоз-шогирд анъанаси ҳам фабрика-завод учун ишчи, техник ходимлар тайёрлаш мазмунида талқин этилди.

Социалистик саноатлаштириш сиёсати биринчи галда социализмнинг моддий техникавий негизини яратиш, унитар совет давлатининг яхлит халқ хўжалик мажмуини таркиб топтиришга қаратилган эди. Қолаверса, миллий республикалар иқтисодиётини мустаҳкам "байналмилал асос"да қайта қуриш мақсад қилинган эди.

Совет давлати хунармандлик устахоналарини бирлаштириб йирик саноат корхоналари барпо қилган бўлса-да, уларни замонавий техника билан таъминлай олмади. Оқибатда эски меҳнат қуроллари билан иш юритган артеллар касод бўла бошлади. Миллий хунармандликнинг саноат тизимига ўтказилиши оқибатида маҳсулот турлари, миллий-ҳудудий хусусият ва аънаналар ҳам йўқолиб борди.

Саноат ишлаб чиқаришини ёппасига давлат тасарруфига олиниши мутлақо хато эди. Большевикларнинг бу зўравон сиёсати, бир томондан, ўлка халқларининг азалий меҳнат қўнималарига қарши қаратилган бўлса, иккинчи томондан, мингла маҳаллий хунарманд-косибларнинг ижтимоий мақомига путур етказди.

Мустабид тузум даврида қанча тақиқ ва чекловлар жорий этилмасин, захматкашу фидойи хунармандлар кўп асрлик анъана ҳамда мактабларни, баъзи йўқотишлар билан бўлса-да, сақлаб қолди.

Ойбек ОСТОНОВ,
*ЎзМУ мустақил тадқиқотчиси,
тарих фанлари номзоди*

XIX asrda Samarqand madaniy hayoti

XIX asr ўrtalarida Buxoro amirliги аҳолиси турли миллат ва элатлардан иборат бўлиб, ҳар бирининг ўзига хос маданий муносабатлари мавжуд эди. Уларнинг ҳаёти феодал муносабатлар, тинимсиз ўзаро урушларга тўла эди.

Шунга қарамасдан бу даврда Самарқандда маданият, илм-фан ривожланишдан тўхтамади. Манбалар шаҳар амирликнинг йирик маданий маркази сифатида ўз мавқеини сақлаб қолганидан далолат беради.

Ушбу маданий жараёнларни таҳлил қилган шўро олимлари фикрларида бирёқламалик бор. Улар илм-фан, маданият ва санъат тараққиётига дин пешволари қаршилик қилганини таъкидлайди. Ўз ўрнида ҳукмрон табақа вакиллари аҳоли орасида ташвиқотлар олиб боргани, бунинг учун масжид ва мадрасаларни моддий таъминлаб тургани маълум (*Саидқулов Т. Самарқанд во второй половине XIX – начале XIX веков. Самарқанд, 1970. Стр. 34*). XIX аср ўrtalarida Самарқанд ва унга ёндош ҳудудларда 155 та масжид ва 22 та мадраса фаолият кўрсатган (*ЎзРМДА, ф. 5, руйхат 1, иш 12, 125 ғарақ*). XIX аср 70-йилларида эса Самарқандда ҳар бирида 1600 нафар ўқувчиси бўлган 80 та мактаб бор эди. Бундан ташқари қизлар учун 10 та мактаб фаолият юритган (*Файзиев А. История Самарканда первой половины XIX века (учебное пособие). Самарқанд, 1992. Стр. 38*). Мазкур муассасаларда диний илмлар билан бир қаторда дунёвий фанлар ҳам ўқитилган.

XIX аср ўrtalarida – амир Ҳайдар, кейинчалик амир Насрулло даврида дин вакиллари тазйиқи билан ўз даврининг илғор вакиллари – шоира Нодира, Бухоро мадрасаси мударриси Ҳожибой, Қози Абусаид Самарқандий, бойсунлик мударрис Худойберди, гиждувонлик мударрис Фозил ва бошқалар қатл этилди (*Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. Душанбе, 1926. Стр. 15-16*).

Самарқанд вилояти ва шаҳар ҳудудидаги аънавий мадраса, қорихона, хонақо каби таълим масканлари ёшлар ва катта авлод вакиллари маънавияти ва ахлоқий тарбиясини оширувчи масканлар вазифасини бажарган.

Мадрасаларда дунёвий илмлардан кўра, диний илмларга, хусусан, фикҳга кенг ўрин берила борди. Ислом асослари, шариат, фикҳни билиш-

нинг ўзи етарли, деган чекланган қараш мадрасаларда ҳам илдиз ота бошлайди. Бу ҳол XX аср бошларигача ҳукм суради (*Ўзбек педагогикаси антологияси (II жилд). Тошкент, "Ўқитувчи", 1999, 9-бет*).

Шу даврда фаолият юритган Самарқанд мадрасалари таъминоти йирик вақф мулклари ҳисобидан амалга оширилган. Масалан, Шердор ва Тиллақори мадрасалари вақфларидан йилига 7600 сўм даромад олинган (*Исмаилова Д. Роль и место ислама в общественно-политической жизни народов Туркестана (конец XIX – начало XX вв.). Автореф. дис. ... канд. ист. наук. Ташкент, 2006. Стр. 14*).

Самарқанд мадрасалари ҳукумат ғазнаси ҳисобидан ташкил этилган бўлмаса-да, уларнинг фаолиятини назорат қилиш, бошқариш ва таъминлашнинг мустаҳкам механизми мавжуд бўлган. Бу тизим асрлар давомида такомиллашиб борган. Бироқ XIX аср шароитида таълим масканлари фаолиятини назорат қилиш бўйича шаклланган механизм жамият ва давр талабига жавоб бермай қолган эди.

Мадрасалар шайхулислом ва қозилар томонидан назорат қилинган. Хўжалик ишлари бўйича назорат аъламиён ва мутаваллибоши зиммасига юкланган.

Мадрасада ўқитиш бир неча босқичда амалга оширилиб, босқичларни белгилаш ўтилаётган фан мазмунига боғлиқ эди. Босқичларнинг биринчиси "адно" – қуйи босқич, иккинчиси "авсат" – ўрта босқич ва учинчиси "аъло" – юқори босқич деб юритилган (*Остроумов Н. Мадрасы в Туркестанском крае. Журнал министерства народного просвещения. №1, 1907. Стр. 1-58*). Ҳар бир босқич учун муайян вақт ажратилмаган. Лекин ҳар бир босқичга одатда уч йил ва ундан кўпроқ вақт сарфланган. Барча талабалар ҳам учала босқични тамомлашга муваффақ бўлолмаган. Мударрис, қози, муфтий ва олим бўлишни истаган ўқувчиларгина тўлиқ таълим олган. Таълим босқичларига қараб нафақа белгиланган: қуйи босқичда – 4-12 сўм, юқори босқичларда – 15-35 сўм миқдоридан (*Гейер И. Туркестан. С дополнительной статьей "Семиреченская область". Сост. А.Л.Кирснером. – 2-е изд. испр. и др. авт. Ташкент, 1909. Стр. 25*).

Мадраса битирувчиларининг катта қисми мактабларда муаллимлик қилган. Кам таъминланган талабаларнинг аксари талабалик давридаёқ дарс беришни бошлаган. Шу боис, мадрасалар ва уларда таълим олган толибларнинг эл орасида таъсири кучли бўлган.

Асрлар давомида фаолият юритган таълим масканлари аввало диний эҳтиёжлар ва аҳоли турмуш тарзини акс эттирган. Кенг аҳоли дунёқараши ва маданий тушунчалари, албатта, таълим орқали шаклланади. Шу сабабли, Самарқанд, бинобарин, бутун амирлик аҳолисининг дунёқараши таълим масканларида берилган илм асосида шаклланган. Манбалар таҳлили кўрсатадики, аҳоли дунёқарашининг асосини исломий тушунча ва илмлар ташкил этган.

Кўпгина иқтидорли талабалар Абдурахмон Жомий, хожа Ҳофиз Шерозий, Алишер Навоий, Фузулий, Мирзо Бедил каби буюк алломалар ижодига қизиққан. Ўз даврида бу каби талабалар қаторида Шавқий Каттақўргоний, Мужрим Обид, мулла Қурбонжон Хиромий, Музтари Мирий ва бошқалар бўлган. XIX аср ўрталарида Абдурахмон ибн Муҳаммад Латиф Мустажир Самарқандий каби тарихчи олимлар ҳам яшаб ижод қилган. Абдурахмон Самарқандий рус шарқшуноси А.Кун бошчилигидаги экспедицияда иштирок этиб, унинг кундалиқларини тўлдириб борган. "Рузномаи виставка Маскав", "Рузномаи сафари Искандаркул" асарлари унинг қаламига мансубдир. Шу даврда машхур "Тарихи касира" номли тарихий асар муаллифи Сайид Шариф Роқимий Самарқандий ҳам шаҳарда яшаб ижод қилган. Ундан ташқари, яна бир тарихчи олим Сулаймонхўжа Самарқандий "Тавсил ва баёнийи давлати манғит ва замони Раҳимхон" номли асар ёзган. XIX аср самарқандлик тарихчи

олимлар асарлари орасидан Абу Тоҳирхўжа Самарқандийнинг "Самария" асарини алоҳида эслаб ўтиш ўринлидир. Бу асарда шаҳар топографияси ва тарихи бўйича бой фактик маълумотлар келтирилган (*Файзиев А. История Самарканда первой половины XIX века (учебное пособие). Самарканд, 1992. Стр. 39.*)

Амирликда, шу жумладан, Самарқанд шаҳрида китоб нашр этиш иши яхши йўлга қўйилмаган эди. Илмли, китоб қадрини билган кишилар шахсий кутубхоналар ташкил қилган, китобларни қайта кўчиришга буюртмалар берган.

XIX аср Самарқанд маданий ҳаётида Алишер Навоий асарлари тарғиботи муҳим роль уйнаган. Жумладан, 1824-25 йилларда хаттот Мир Абдулхай "Ҳазойин ул-маоний"ни шарқона услубда қайта кўчирган. Яна бир хаттот мулла Муқимхон 1849-50 йилларда "Ҳамса"ни маҳорат билан қайта кўчирган 1904-10 йилларда Саид Абдусалом томонидан кўчирилган Алишер Навоий асарлари Самарқандда литографик услубда нашр этилган. Машраб, Хувайдо, Сайқалий, Шавқий, Амири Ғоибий каби машхур адабиёт намоёндалари асарлари ҳам қайта кўчирилган.

Юқорида келтирилган маълумотлар мураккаб шароитга қарамасдан, Самарқандда илм-фан соҳасида катта ишлар қилинганидан дарак беради. Аммо мадраса талабалари учун замонавий билимлар, ўтмиш аждодлар илмий меросига доир адабиётлар етишмаслиги каби бир қатор муаммолар бор эди. Нашр иши ривожланмаган, мавжуд адабиётлар замоннинг илғор фикрларини ўзда мужассамлаштирмаган эди.

Олимжон ИРИСКҮЛОВ,
СамДУ катта ўқитувчиси

Jo'yborlar kim?

Жўйбор хожалари ўтмишда нафақат Бухоро хонлиги, бутун Ўрта Осиё ҳаётида муҳим ўрин тутган. Улар, айниқса, шайбонийлар (1501–1601) ва аштархонийлар (1601–1756) ҳукмронлиги даврида катта нуфузга эга бўлди. Манбаларда қайд этилишича, жўйборларнинг насаби ота томондан имом Ҳусайн орқали Алига (р.а.) боғланади (*Муҳаммад Толиб. Матлаб ут-толибин. Илмий-танқидий матн. Тошкент, 2012. 34^о-35^а-варақлар*).

Жўйбор хонадони Бухоро ҳукмдорлари билан қариндошлик ришталарини боғлашга ҳамда ўз даврининг нуфузли диний уламолари оила-

сидан келин олишга интилган (*Тўраев Х. Бухоро хонлигининг XVI-XVII асрлар ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий ҳаётида жўйбор хожаларининг тутган ўрни. Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент. 2007. 191-195-бетлар*). Бундан ташқари, хожалар ўртасида левират, яъни қариндошлик никоҳи ҳам мавжуд эди. Бу ҳол ушбу хонадон вакиллари катта мол-мулкка эгалик қилгани билан изоҳланади. Яъни мол-мулк ўзгалар қўлига ўтиб кетмасин дея қариндошлар ўзаро никоҳланган.

Жўйбор хожаларининг мулки асосан вақф шаклида расмийлаштирилган. Ҳозирда бунга оид ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архивида (бундан буён ЎзР МДА) сақланмоқда. Ҳужжатлар орасида хонадон аёлларига тегишли мулклар ҳақида ҳам маълумотлар учрайди. Қайд этиш жоизки, жўйбор хонадонига мансуб аёллар бу авлоднинг эркаклари каби ўта фаол бўлмасанда, ҳарқалай, ички ижтимоий-иқтисодий ҳаётда бақадриҳол иштирок этган. Ҳужжатларда жўйбор хонадонига мансуб Ойпошша биби номи қайд этилади. У Абдурахим хожанинг (1616 йилда вафот этган) қизи бўлиб, амакиваччаси Муҳаммад Юсуф хожага (1593-1651) турмушга чиққан. Муҳаммад Юсуф хожа эса Имомқулихон, Надрмуҳаммад, Абдулазизхон каби аштархоний ҳукмдорлар даврида кўплаб суюрғол ерларга эга бўлган.

Одатда, меросий мулклар, жумладан, вақф хўжалиги эркаклар томонидан бошқарилган. Вақф мулкини таъсис этувчи шахс (вокиф) ўз шартларида бу ҳолатни алоҳида қайд этган. Шу боис камдан-кам ҳоллардагина аёл киши вақф мутаввалиси (бошқарувчиси) бўлган. Ўзи мустақил вақф мулки таъсис этган аёлларгина мутаввали сифатида эътироф этилган. Жумладан, Ойпошша биби ҳам иккита мустақил вақф мулкини таъсис этган ва уларнинг бирини ўзи мутаввали сифатида бошқарган (*ЎзР МДА. Ф.И.323.1-рўхат. 1246/96*). 1658 йилга оид ҳужжатда ёзилишича, Амударёга ёндош мурғон ерларининг бир қисми хожа Саъд мозори фойдасига вақф қилинган. Бундан ташқари, Ойпошша биби Бухоронинг Абдулазизхон мавзеига яқин жойда барпо этилган Жўйбор мадрасасига (Мадрасаи жўйбор) айрим мулкларни вақф сифатида тақдим этган (*ЎзР МДА. Ф.И.323.115*).

Жўйбор аёллари кези келганда ўз ҳақ-ҳуқуқини қонун йўли билан ҳимоя қила олган. Ойпошша бибига тегишли вақф ҳужжатида унинг мулкига оид тортишувли масала ҳам баён этилган. Мулкни сўғоришда Баҳром баковулнинг ўғли Абдулла билан Ойпошша биби ўртасида ихтилоф келиб чиқади. Абдулла бу масалада қозига мурожаат қилади. Қози эса ишни ўрганиб, Ойпошша биби фойдасига ҳукм чиқаради (*Раҳманова Л. Из истории хозяйства шайхов джуйбари. Диссертация на соискание степени кандидата исторических наук. Ташкент, 1969. Стр. 44*).

Вақф ҳужжатларида Ҳалима бону исми ҳам учрайди. Бу аёл хожа Тожиддин Ҳасан ва Гавҳар бонуларнинг қизи бўлиб, у Бухоронинг Сумитон кишлоғига дафн этилган. Ҳалима бону таъсис эт-

ган вақф мулкига оид ҳужжатлар мавжуд эмас. Лекин унинг мазорига жўйбор хожалари, жумладан, Муҳаммад Сиддиқ хожа маблағ ўтказиб тургани маълум (*ЎзР МДА. Ф.И.323/1. 375*). Шунга ўхшаган вақф мулки 1658 йилда Ибодулло хожа томонидан марҳум синглиси Хоним пошшанинг Сумитондаги қабрига таъсис этилган ("*Бухоро хонлигининг XVI-XVII асрлар ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий ҳаётида жўйбор хожаларининг тутган ўрни*", 253-бет).

Вафот этган жўйбор аёллари мазорига вақф қилинган мулкдан келадиган даромад асосан қабри супириб-сидириб турувчи фаррош ва Қуръон тиловат қилувчи ҳофизларга тақсимланган. Шунингдек, ҳайит кунларида мазор яқинида истиқомат қилувчи аҳолига таом улашилган.

Манбаларда жўйбор хожаларининг никоҳ тўйи, келинларга берилган сеп ҳақида ҳам маълумотлар учрайди. Жумладан, "Матлаб ут-толибин" асарида Муҳаммад Юсуф хожани уйлантириш маросими ҳақида батафсил маълумот берилган. Тўй маҳаллий урф-одат ва анъаналарга мувофиқ ўтказилган. Келинга қимматбаҳо матолар билан безатилган чопқир от, қалин учун йигирма минг хоний, тўққиз хил нафис газлама ва бошқа буюмлар жўнатишган. Шу билан бирга, яна йигирма минг танга харж қилинган. Тўйдан кейин келин-куёвнинг ҳар бирига мулозим, хизматкор, мол-мулк, асбоб-ускуна ва ҳайдаладиган ер ажратилган ("*Матлаб ут-толибин*", 140^о-варақ).

Айрим жўйбор хожаларининг тўйларида ўз даври ҳукмдорлари ҳам қатнашган. Жумладан, Бухорода ҳукмронлик қилган шайбонийлар сулоласи вакили Абдуллахон II (1583-98) хожа Тожиддиннинг никоҳ тўйига бошчилик қилади. Хожа Тожиддин хожа Саъднинг ўғли бўлиб, тўрт ёшлигида Яссавия тариқати вакили Қосим шайх Азизоннинг қизига унаштириб қўйилган эди. Тўй эса 1592 йилда бўлиб ўтади. Ушбу никоҳдан Муҳаммад Юсуф хожа туғилади. У вояга етгач, бобоси Қосим шайхнинг Қарманада жойлашган хонақоҳи вақфига эгалик қилади.

Илмий адабиётларда ўрта асрларда Мовароуннахр аёлларининг жамият ҳаётидаги ўрни, оиладаги мавқеи тўғрисида маълумотлар кам учрайди. Тарихий манбалар асосида ушбу бўшлиқни тўлдириш, ўтмишда из қолдирган молларимиз ҳаётини тизимли ўрганиш тадқиқотчилар зиммасидаги вазифалардан бири саналади.

Наргиза ХИДИРОВА,

*ЎзР ФА Тарих институти докторанти,
тарих фанлари номзоди*

Sohibqironning uch timsoli

Кейинги чорак асрда Нодар Бондзеладзе, Анвар Раҳматуллаев, Камол Жабборов, Тўлаган Тожижўжаев, Жолдасбек Қуттимуродов, Жалолдин Миртожиев каби таниқли ҳайкалтарошларнинг тарихий мавзуда яратилган маҳобатли асарлари Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухоро каби шаҳарларимиз кўрகига кўрк қўшибгина қолмай, миллий маънавий-маданий бойлигимизнинг ажралмас қисмига ҳам айланиб улгурди. Ўзбекистон Бадий академиясининг академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Илҳом Жабборовнинг XX аср охири – XXI аср боши ўзбек ҳайкалтарошлиги дурдоналари ҳисобланган айна жанрдаги асарларига бундай эътироф айниқса муносибдир.

Тошкент шаҳрининг марказий хиёбонида Илҳом Жабборов ҳамкасби Камол Жабборов билан ҳаммуаллифликда яратган, буюк аждодимиз Амир Темур от устида тасвирланган маҳобатли ҳайкал ўрнатилган. “Реалистик услубда ишланган мазкур монументда кучли пластик ҳаракатлар кўзга ташланади... Унга “Куч – адолатдадир” ҳикмати битилган”, деб ёзади санъатшунос А. Умаров (*Умаров А. Ўзбекистон санъати. Тошкент, “Шарқ”, 2001. 26-27-бетлар*).

Каминанинг 2010 йил 25 октябрь куни Илҳом Жабборов билан қилган суҳбатида ҳайкалтарош мазкур асарнинг дунёга келиши ҳақида бундай ҳикоя қилган эди: “1993 йилда яратилган бу асаримга машҳур тарихчилар – Шарафиддин Али Яздий, Ибн Арабшох ва Хондамирларнинг Амир Темур ҳақидаги фикрлари асос қилиб олинган. Мен бу зотнинг сиймосини бронзадан қуйганман, зеро, у маҳобатли ёдгорликлар учун энг қулай, сифатли ва кўркам ашёдир. Одатда, Амир Темур монументига ўхшаш обидалар узоқ вақтда босқичма-босқич яратилади. Аввало, эскиз чизилади, сўнг эса “қоралама” модель яратилиб, ҳайкалнинг бор бўй-баста лойдан ясалади, ниҳоят, иш қолипни шакллантириш ва унга бронза қуйиш билан якунланади. Лекин Амир Темур ҳайкали нисбатан қисқа муддатда яратилди, шу жиҳатдан, уни ўзига хос истисно дейиш мумкин”.

Илҳом Жабборов ҳар бир бадий тафсил ижодий ниятга тўлиқ хизмат қилмоғи йўлида жид-

дий изланган. Масалан, Амир Темур қўл кафтининг кўрсатувчи ишораси тафсиллини олайлик. Ижодкорнинг эътироф этишича, бу борада у улуг италян мусаввири Микеланжело Буонаротининг Ватикандаги Стикстин Капелласи зали шифтига чизилган “Оламнинг яратилиши” асаридан илҳомланган. Амир Темур қўл кафтининг кўрсатувчи ишораси ўзига хос рамзий маънога эга. Буюк аждодимиз гўё бизга қарата “Менинг руҳим мудом сиз билан бирга. Сиз бизга муносиб авлодлар бўлинг! Ҳар он шижоат-ла ёруғ истиқбол сари интилинг. Токи, шу муқаддас замин гуллаб-яшнасин!” деяётгандек...

Тошкентдаги Амир Темур ёдгорлигида улуг француз ҳайкалтароши Этьен Морис Фальконе-нинг XVIII асрда Санкт-Петербург шаҳрида Пётр Биринчига қўйилган “Мис Чавандоз” ҳайкали билан ҳам муштарак жиҳатларни кўриш мумкин. Бу муштараклик Амир Темур ва Пётр Биринчининг қудратли тарихий шахслар ўлароқ айрим ўхшаш фазилатларга эга бўлгани билан изоҳланар эҳтимол.

Илҳом Жабборов, шунингдек, антик Греция ва Рим тасвирий санъати дурдоналари, қолаверса, Ренессанс даври италян ҳайкалтароши Андреа дель Вероккио асарларини ҳам қунт билан ўргангани сезилади. Бу омиллар ҳам Амир Темурнинг от устида тасвирланган маҳобатли ёдгорлиги фавқулдда муваффақиятли чиқишида муайян роль ўйнаган.

Таваллудининг 660 йиллиги нишонланган йили Соҳибқирон бобомиз ҳайкаллари Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида ҳам қад ростлади. Ушбу обидалар ҳам Илҳом Жабборовнинг Камол Жабборов билан ижодий ҳамкорлиги маҳсули ўлароқ дунёга келгани диққатга сазовор. Бу бир жуфт ҳайкал, гарчи ғоявий мазмуни ва бадий шаклига кўра, бир-биридан жиддий фарқ қилса-да, иккисида ҳам Амир Темур шахсига хос етакчи фазилатлар, унинг мураккаб руҳий кечинмалари бирдек аниқ ва ишонarli очиб берилган. Самарқанддаги ёдгорликда Амир Темур улкан салтанат соҳиби сифатида шоҳона либосда тасвирланган. Буюк аждодимиз қиёфасида биз эл-юрт тақдири ҳақида қайғурган забардаст бунёдкор шахсни кўраимиз. Шаҳрисабз-

даги ёдгорликда эса Амир Темур улуғвор куч, чексиз шижоатга тўлиқ инсон сифатида намоён бўлган. У буюк тарихий воқеалар марказида виқор билан тургандек таассурот қолдиради.

Илҳом Жабборов тарихий жанрда яратган маҳобатли ҳайкалларнинг ифода услубида Ғарб ва Шарқ санъати, қўйинги, маънавий-маданий қадриятлари ўзаро уйғунлашиб кетган. У яратган

Амир Темурнинг уч улуғвор ҳайкали бизни шонли тарихдан руҳий қувват олиб, ёрқин келажакни дадил қуришга чорлаб туради.

Улуғбек МАМАТОВ,

Камолитдин Беҳзод номидаги

Миллий рассомлик ва дизайн институти

тааянч докторанти

Bir shoda marvarid

Тасвирий санъатнинг миниатюра йўналишида ижод қилган Ризоий Аббосий, Аҳмад Дониш, Садриддин Подшоев каби рассомларнинг асарлари Ўзбекистон давлат Санъат музейининг дурдона экспонатлари қаторидан ўрин олган. Музейнинг Ўзбекистон халқ амалий безак санъати, Ғарбий Европа ва Россия, Хорижий Шарқ бўлимларида ҳам миниатюра асарлар бор. Улар тадқиқотчилар томонидан тўлиқ ўрганилмаган. Э.Исмоилова асари ва “Шарқ миниатюралари” номли уч жилдли каталогда баъзи миниатюралар чоп этилган, холос. Уларни илмий муомалага олиб кириш бир томондан Шарқ миниатюралари сақланадиган йирик хазиналар қаторига Ўзбекистон давлат Санъат музейини ҳам қўшишга асос беради. Иккинчи томондан, тадқиқотчилар шу вақтгача ўрганилмаган миниатюраларни, уларни яратган рассомлар ижодининг янги қирраларини кашф этади.

Музейдаги асарлар турли миниатюра мактабларига мансуб. Аксариятининг яратилган даври, жойи ва муаллифи маълум. Уларни мавзу, жанр, мактаблари, муаллифлари, бундан ташқари, амалий санъат ва тасвирий санъат асарлари сифатида туркумлаб ўрганиш мумкин.

Қуйида музейда сақланаётган энг муҳим ва қимматли миниатюралар хусусида қисқача маълумот келтираемиз.

Яратилиш даври бўйича энг қадимий дея XVII асрга оид Эрон миниатюраларини кўрсатиш мумкин.

Улардан бири тўғри тўртбурчак шаклидаги қоғозга чизилган. Асарнинг юқори қисмида осмон, пастроқда – тоғлар ва ўсимликлар, энг пастда эса қўл ва гуллар, табиат манзараси фонида эса ёш йигит тасвирланган. Расмда настаълиқ хатида битилган гўзал қитъа ҳам мавжуд. Яратилиш услубига кўра ушбу миниатюрани машҳур мусаввир Али Ризоий Аббосий ёки унинг мактабига мансуб, дейиш мумкин.

Музейда XIX асрда яратилган асарлар нисбатан кўп, улар орасида йирик тарихчи, дипломат

ва мутафаккир Аҳмад Дониш мўйқаламига мансуб икки асар алоҳида ажралиб туради. Биринчи миниатюрада Қайс ва Лайлининг мактабдаги учрашуви кўрсатилган, деб тахмин қилиш мумкин. Лайли юқори табақа вакили, унинг хизматида махсус канизак.

Миниатюрада катта уй-мактаб саҳни тасвирланган: биринчи планда гилам устида уч қиз – Лайли, унинг канизаги ва дугонаси лавҳ ёнида ўтирибди, ўнг томонда эса бир аёл ва қўлларини чапиштирган йигит – Қайс турибди. Рўпарада, катта ёшли ўқитувчи ўтирибди, унинг олдида китоб қўйилган. Кейинги миниатюрада хонанинг ички (интерьер) қисми тасвирланган, лекин хонанинг шифти йўқ. Осмон, ўнг томонда эса бинонинг оловранг гумбази кўринади.

Музей фондига бу рассомнинг яна бир асари сақланади. Сахрода Мажнун ўнг қўлини олдинга чўзиб ўтирибди. Юқорида Европа типидagi бино ва тутаётган фабрика қувурини кўриш мумкин. Миниатюранинг орқа қисмида настаълиқ хатида қитъа битилган.

Музейдан бухоролик сўнгги анъанавий миниатюрочи Садриддин Подшоевнинг (1880-1944) иккита асари ҳам жой олган. Уларнинг бирида Исмоил Сомоний мақбараси, иккинчисида Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома” дostonидаги “Сиёвушни оловда синаш” мавзунинг янги талқини тасвирлаган.

Музейда XIX–XX асрларда Эрон, Шимолий Ҳиндистон ва Ўзбекистонда мавжуд бўлган миниатюра санъатининг ноёб намуналари ҳам сақланмоқда. Шода марварид каби тизилган ушбу асарлар бу санъатнинг XVII–XX асрлардаги тараққиёти ва ўзига хос хусусиятларини ўрганишда қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Асалхон РАҲМАТУЛЛАЕВА,

Камолитдин Беҳзод номидаги

Миллий рассомлик ва дизайн институти таянч докторанти



SUMMARY

Interview with literary scholar and film critic Shuhrat Rizo. pp. 4-11.

Our interviewee discusses moral and spiritual problems hindering the development of contemporary Uzbek society. He points the importance of learning the creative and literary heritage of Alisher Navoi, one of the great thinkers of medieval Uzbek society. According to Shuhrat Rizo, we should launch "Understanding Navoi", a project supported by government, and apply the results of the project to all walks of life. He also stressed the importance of studying the national movement of Central Asian intellectuals in the earlier years of 20th century.

Abdurahim Erkayev. External and internal freedom. pp. 12-17.

Freedom is not only a political concept. It is the essence of life, human life. What is freedom? This question has been one of the hottest issues thought about, and discussed on by philosophers and theologians. The author of the article analyzes freedom as a human condition which is determined by external and internal, objective and subjective factors. He divides freedom, following Isaiah Berlin, into external and internal freedom. External freedom allows individual to manage reality in a conscious way. External freedom can not exist without social and political situation, which gives wider horizon of choices to be chosen by an individual without force. Internal freedom is a condition in which all inner hinderance of the free action of an individual, like cognitive dissonances, lack of will, mistaken views about reality, will disappear. Individual feels


himself free from psychological obstacles. Which type of freedom comes first? Article examines the nature of these forms of freedom.

Muhiddin Rahim. People Searching For the Means of Survival. pp. 18-28.

The article dedicated to the discussion of labour migration. Labour migration in Uzbekistan, like in neighbouring countries Kyrgyzstan and Tajikistan, had come on the scene in the beginning of the last decade of 20th century. The author gives a detailed examination of the causes of and the current changes in the labour migration as a social problem that needs to be addressed urgently. At the same time, he puts forward his ideas and suggestions on this issue. Society and government have to work together to overcome negative implications of the labour migration in Uzbekistan. This is a last conclusion of the article.

Are Sufi Orders Impediment to Progress? Interview with Sul-tonmurod Olim, Editor-in-Chief of "Naqshbandi". pp. 34-41.

Tens of Sufi Orders have come into existence in Islam over the centuries, meanwhile most of them disappeared in the survival struggle of the ideas. Naqshbandi order founded by Abdukholiq Ghijduvony, and developed by Bahouddin Naqshband has been preserving its vital importance in the religious life of muslims in Central Asia, Caucasus, and Turkey for nearly nine centuries. What is the secret of its everlasting life? Can it respond to the demands of contemporary human needs? How should we approach to this Sufi order in our globalized world? In the interview, we try to find answers to these questions.



Файзулла АХМАДАЛИЕВ. "Нақибандия пўли"

Нашр кўрсаткичи: 869/870
Баҳоси келишилган нарҳда

TAFAKKUR

ТАФАККУР 3/2018



ISSN 2010-6491



9 772010 649005